

Жон БОЙН

ЙЎЛ-ЙЎЛ ПОЙЖОМА
КИЙГАН БОЛАКАЙ



ЖОН БОЙН

ЙЎЛ-ЙЎЛ ПОЙЖОМА
КИЙГАН БОЛАКАЙ

«MAJBURIY NUSXA»

ТОШКЕНТ
«NISO POLIGRAF»
2018

УЎК 821.161.1-31
КБК 84 (2Рос=Рус)
Й 58

Бойн Ж.

Йўл-йўл пойжома кийган болакай. Русчадан Гулчеҳра Муҳаммаджон таржимаси. — Тошкент: «Niso Poligraf» нашриёти, 2018. — 192 б.

УЎК: 821.161.1-31

КБК 84(2Рос=Рус)

Одатда, ҳар бир китобнинг аввалида асарнинг қисқача мазмуни берилиб, у ўқувчининг қизиқишини кучайтиришга қаратилган бўлади. Мазкур ғаройиб роман тўғрисида икки оғиз гап билан фикр айтиш осон эмас.

Ушбу китобни асардаги воқеаларнинг қандай ривожланишини олдиндан билмай ўқиган маъқул. Сизни Бруно исмли тўққиз яшар болакай билан биргаликда ғайриоддий ва кишини ҳаяжонга солувчи саёҳат кутаётганини айтамиз, холос. Бироқ, бу китоб болалар учун мўлжалланган эмас.

Аксинча, ушбу асарни тиканли сим-нималигидан бохабар одамлар ўқиши зарурлигидан огоҳ этиш даркор. Брунонинг саёҳати йўлида айнан шундай сим тўсиқ пайдо бўлади ва рўй беражак машъум воқеалар китобхон қалбини ларзага солиб, ўйга толдиради.

ISBN 978-9943-4868-3-6

© Г. Муҳаммаджон, 2018

© «Niso Poligraf» нашриёти, 2018

Миннатдорчиликлар

Йўлдан адашмаслигимга бағоят ёрдам берган Дэвид Фиклинг, Белла Пирсон ва Линда Саржентга жўяли маслаҳатлари ва фикрлари учун кўп раҳмат. Сўнги нуқтагача муваффақиятли етиб боришимга эса, ҳар доимгидай, агентим Саймон Тревиндан миннатдорман.

Шунингдек, дўстим Жанетт Женкинсга қўлёзмани ўқиб, то китоб тайёр бўлгунига қадар, мени қўллаб-қувватлаб, илҳомлантириб тургани учун ташаккур билдираман.

Биринчи боб

БРУНО УЧУН ЯНГИЛИК

Бир куни кундузи Бруно мактабдан келиб, ўз хонасида оқсоч аёл Марияни (у ҳар доим кўзини ердан узмай, бошини қуйи солиб юрарди) учратганида, жуда ҳайрон қолди. Энг муҳими, Мария Брунонинг хобхонасига шунчаки адашиб кириб қолмагани — аёл жавондан унинг барча буюмларини чиқариб, тўртта ёғоч сандиққа жойларди. Ҳатто жавоннинг энг ичкарасида яшириб қўйилган ва ҳеч ким қўл теккизишга ҳадди сиғмайдиган нарсаларгача чиқарарди.

— Нима қиялсан? — Бруно саволи имкон қадар мулойимроқ эшитилсин деб жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди. У уйга қайтгач, жавонидаги буюмларини кимдир титкилаётганини кўриб, унчалар хурсанд бўлмаган эса-да, бироқ отасига ўхшаб “Нарсаларимга тегма!” демади. Марияга ҳурмат билан мурожаат қилиш зарурлигини онаси доимо гапирарди.

Мария жавоб бериш ўрнига зина тарафга бош ирғади, айна шу пайт у ерда Брунонинг онаси пайдо бўлганди. Бу узун малларанг сочларини ўраганча бошининг орқасига думалоқлаб турмаклаб олган баланд бўйли аёл эди. Онаси қўлларини асабий ишқар — бу суриштирувлардан қочишни афзал кўришининг яққол белгиси эди. Ёки у нимадандир норози эди.

— Ойи, — дея Бруно онаси томон шаҳд билан отилди, — нима бўляпти? Нимага Мария нарсаларимни кавлаштиряпти?

— У буюмларингни олиб кетиш учун жойлаштиряпти, — жавоб берди онаси.

— Олиб кетиш учун?

Бруно сўнгиги бир неча кун давомида содир бўлган воқеаларни зумда кўнглидан ўтказди: эҳтимол, у ўзини қандайдир бошқача тарзда ёмон тутганмикан ёхуд тилга олиш тақиқланган сўзни беҳос айтиб юборгани туфайли уни уйдан бадарға қилишмоқчимикан? Аммо ҳеч нарса ни эслай олмади. Аксинча, охирги бир неча кун мобайнида у ўзини ҳамма билан ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ муносабатда тутди ва сираям ҳаддидан ошмади.

— Бироқ нима учун? — сўради Бруно. — Мен нима қилдим?

Онаси ўзининг хобхонаси остонасида тўхтади, у ерда Ларс исмли эшик оғаси ҳам буюмларни жойлаштириш билан овора эди. Онаси хўрсиниб, қўлларини бир-бирига урди ва зина томон қайтиб бурилди. Бруно унинг изидан қолмай таъқиб этарди, ундан осонликча қутулмайдилар, аввал ҳаммасини тушунтириб берсинлар.

— Нима бўлди ўзи? Биз кўчиб кетяпмизми? — кетмакет савол берарди Бруно.

— Мен билан пастга туш, — чақирди уни онаси емакхонага йўналаркан. Емакхона — саҳни кенг танобий хона бўлиб, бир ҳафта илгари бу ерда Фурор тушлик қилганди. — Ўша ерда гаплашиб оламиз.

Бруно зинадан онасини қувалаб ўтиб, югурди; емакхонада то онаси келгунигача, ҳатто кутиб туришига тўғри келди. Онаси кирганида эса, аввал индамай онасига тикилганча кўнглидан шундай ўйларни кечирди: бугун эрталаб онаси юзига упа ҳам суртмабди, чунки қовоқлари одатдагидан қизариброқ қолибди. Кўзининг атрофидаги бундай қизариш, у ҳаддидан ошган ёки кулфатга тушиб қолган чоғда, одатда, бундай ишлар кўз ёшлари билан тугаганда, Брунода ҳам содир бўлиб турарди.

— Менга қара, Бруно, ҳеч нимадан ташвишланишнинг ҳожати йўқ, — деди онаси оромкурсига ўтираркан. Бир ҳафта аввал бу ерда Фурор билан бирга тушлик қилишга келган сочлари оч малля чиройли қиз ўтирганди; отаси эшикни ёпиб қўйишидан олдин у Брунога қўл силкиб қўйганди. — Нима бўлишидан қатъи назар, сени қизиқарли саргузашт кутмоқда.

— Нима? Демак, мени ҳарқалай, уйдан жўнатишаркан-да?

— Хулоса чиқаришга шошилма. (Онаси Брунога сал жилмаймоқчи, бироқ аҳдидан қайтгандек туюлди). Биз бу уйни ҳаммамиз тарк этамиз. Отанг, мен, Гретель ва сен. Тўртталамиз ҳам.

Эшитганлари Брунони хурсанд қилмади. Гретелнинг тўрт томони қибла, қаерга кетса кетаверсин, у билан иши йўқ. Унинг опасидан яхшилик умид қилиб бўлмайди, ундан фақат нохушлик кутиш мумкин. Ахир, уларнинг ҳаммалари опаси билан бирга жўнаб кетишлари инсофданми?

— Қаёққа? — хўмрайиб сўради у. — Қаерга жўнаб кетяпмиз? Нимага бу ерда қола олмаймиз?

— Бу дадангнинг иши билан боғлиқ, — тушунтирди онаси. — Ахир бунинг қандай муҳим эканлигини билсан-ку, тўғрими?

Бруно бош ирғади. Буни билмай бўларканми. Уйга доим жуда кўп ҳар хил одамлар: жуда чиройли формадаги эркаклар, ёзув машинкали аёллар келиб туришарди (ёзув машиналари ёнидан Брунонинг «ифлос қўллари»ни баҳона қилиб, уни ҳамиша ҳайдашарди). Бу одамларнинг ҳаммаси дадаси билан жуда-жуда мулойим эдилар. Улар ўзаро шивирлашиб, бу одам узоққа боради, Фурорнинг унга нисбатан улкан режалари борлигини айтишарди.

— Бирор киши бағоят муҳим одам бўлиб қолган чоғда эса, — гапида давом этди онаси, — шундай бўладики, бошлиғи уни бошқа шаҳарга махсус ишга тайинлайди, у ёққа ҳар ким ҳам юборилмайди.

— У қандай иш ўзи? — қизиқсинди Бруно. Ростини айтганда, Бруно дадасининг нима иш билан шуғулланишини билмасди.

Бир куни мактабда болалар дадалари ҳақида гаплашиб қолишди. Карл отасининг кўкат етиштирувчи эканлигини айтди ва Бруно бу гап ростлигини биларди, чунки Карлнинг дадаси шаҳар марказида кўкат дўконини юритарди. Даниэль отаси ўқитувчилигини айтди, бу ҳам тўппа-тўғри, чунки унинг дадаси юқори синф ўқувчиларини ўқитарди, улардан нарироқ юрган маъқулроқ. Мартин эса, дадаси ошпазлигини айтди, Бруно буни ҳам биларди, чунки дарсдан кейин дадаси Мартинни олиб кетаётганида, гўё ҳозиргина плита олдидан келгандай, эгнига доим махсус оқ кийим кийиб, клеёнкали пешбанд таққан бўларди.

Бироқ Брунодан дадаси ким бўлиб ишлашини сўраганларида, у энди айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган, аммо бирдан буни ўзиям билмаслигини фаҳмлаб қолганди. Фақатгина отасининг узоққа бориши ва Фурорнинг унга нисбатан катта режалари борлигини айта оларди, холос.

— Жудаям жиддий иш, — жавоб берди онаси бир оз тўхталиб олгач. — Буни бажариш учун махсус одам талаб этилади. Сен буни тушунишга қобилсан, деб ўйлайман.

— Ҳаммамиз жўнаб кетишимиз шартми? — ишонмади Бруно.

— Албатта, шундай. Ахир сен даданг янги ишга ёлғиз ўзи жўнаб кетишини ва у ерда бизларсиз ёлғизланиб қолишини хоҳламайсан-ку?

— Ҳойнаҳой, хоҳламасам керак.

— Даданг бизни жудаям соғинади.

— У кўпроқ кимни соғинади? — Брунонинг юраги ду-курлаб кетди. — Мени соғинадимми ёки Гретелнимми?

— Икковингизни бир хилда соғинади.

Онаси оилада эркатой бўлмаслиги керак, деб ўйларди ва Бруно унинг фикрини хурмат қиларди. Брунонинг устига, онаси Гретелга нисбатан уни кўпроқ яхши кўришини биларди.

— Бизнинг уйимизга-чи, нима бўлади? — сўради Бруно. — Биз жўнаб кетганимизда уйга ким қарайди?

Онаси хўрсинди ва бу хонани яна қайтиб кўришдан буткул умидини узгандай ҳар томонга аланглаб қаради. Ертўласи ва энг юқоридаги жажжи хоначани ҳам ҳисобга олганда, беш қаватли уй жуда чиройли эди. Ертўлада ошпаз аёл ҳаммага емак пиширар, Мария билан Ларс эса, стол атрофида ўтирганча бир-бирини ҳақоратлаб, уришишарди. Бу сўзларни айтиш Брунога тақиқланганди. Энг юқоридаги хонадаги дарчадан Бруно оёқ учида турганча, ромни маҳкам ушлаб, бутун Берлинни кўра оларди.

— Уйни қулфлаб кетамиз, — деди онаси. — Лекин биз бу ерга қачондир қайтамиз-ку, ахир.

— Ошпаз хотин қаерга кетади? — тинчимасди Бруно. — Ларс-чи? Мария-чи? Улар бу ерда яшаб қолишмайдими?

— Улар биз билан жўнаб кетишади. — Онаси кафтини столга қўйди. — Бугунга саволлар етарли. Энди юқорига чиқиб, Марияга нарсаларни жойлаштиришга кўмаклашганинг маъкул.

Бруно ўрnidан турди, бироқ жойидан қимир этмади. Вазият унча-мунча ойдинлашди, деган қарорга келишидан олдин, у яна баъзи нарсаларни сўраб олиши керак эди.

— Бу узоқдами? Ўша, дадамнинг иши? Бу ердан бир километрдан узоқми?

— Вой, худойим-ей, — кулиб юборди онаси. Тўғриси, унинг кулгиси қандайдир ғалати эди, у шодон кўринмасди ва ўғли унинг юзини кўришини хоҳламагандек, ҳатто ортига ўгирилиб олди. — Ҳа, Бруно, бу ердан бир километрдан кўра узоқроқда. Сенга айтадиган бўлсам, анча узоқда.

Ҳар доим Бруно бирон нарсадан ҳайратланганида бўладигандай, унинг кўзлари кенгайиб, оғзи “О” ҳарфини ифодалади, қўллари эса ўзидан ўзи ён тарафга сурилди.

— Нахотки Берлиндан жўнаб кетаётган бўлсак? — нафаси бўғилиб сўради у.

Онаси ғамгин бош ирғади:

— Худди шундай. Дадангнинг иши...

— Мактабим нима бўлади? — онасининг сўзини бўлди Бруно. У гаплашаётганда ҳеч кимнинг гапини бўлиш мумкин эмаслигини биларди, аммо бу сафар уни кечиришларига ақли етарди. — Карл, Даниэль, Мартинлар-чи? Биз учрашмоқчи бўлиб қолсак, улар мени қаердан излаш кераклигини қандай билишади?

— Улар билан хайрлашишга тўғри келади... Лекин, ишончим комилки, бир оз вақт ўтгач, сизлар яна бирга бўласизлар. Ва сендан илтимос, ҳеч қачон гапимни бўлма, — эслатиб қўйишни унутмади онаси. Содир бўлаётган ўзгаришлар нечоғлиқ ғалати ва тушунарсиз бўлмасин, Брунога ўргатишган хушмуомалалик қоидаларини бузиш учун баҳона бўлолмасди.

— Хайрлашиш? — Болакай онасига тикилиб қолди. — Хайрлашиш? — такрорлади у ҳаяжондан бўғриқиб. — Карл, Даниэль ва Мартинга “хайр” дейишим керакми? — Унинг овози қичқириққа ўхшарди, бироқ унга фақат кўчада қичқиришга ижозат берилади. — Ле-

кин улар менинг энг яқин, садоқатли ва бир умрлик дўстларим-ку!

— О, сен янги дўстлар топасан, — деди онаси бепарво, гўё бир умрлик учта садоқатли дўст топиш осон ишдай.

— Лекин биз нималардир қилмоқчи эдик, — қайсарлик қиларди Бруно.

— Нималардир қилмоқчи эдинглар? — Онаси қошини чимирди. — Нима қилмоқчийдинглар?

— Бу сир.

Бруно уларнинг сири моҳиятини очиб беролмасди, бунинг устига, улар ҳеч қандай ёмон иш қилмоқчи эмасдилар. Болакайлар бир ойдан кейин ёзги таътилга чиққанларида нафақат режалар тузиш, балки уларни амалга оширишга ҳам вақтлари бўлади, деб умид қилишарди.

— Кечирасан, Бруно. Ўйлаган ниятларингни кейинроққа қолдиришга тўғри келади. Бизнинг бошқа чорамиз йўқ.

— Лекин, ойи!..

— Бўлди, Бруно. — Онаси бошқа эътирозларга тоқати йўқлигини англатиб, шартта ўрнидан турди. — Эсингдами, ўтган ҳафтада бу ерда кўп нарса ўзгарди, деб шикоят қилгандинг.

— Ҳа, тунлари бутун уйдаги чироқларни ўчиришга тўғри келиши менга ёқмайди, — тан олди у.

— Энди ҳамма шундай қилади. Хавфсизлик туфайли. Ким билади, эҳтимол, биз кетаётган жойда тинчроқ бўлар. Энди эса, юқорига чиқ ва Марияга ёрдамлаш. Нарсаларни йиғиштиришга вақтимиз жуда кам. Бунинг учун бировларга раҳмат дегин.

Бруно ғамгин нари кетди. У катталар тилида “бировлар”нинг маъноси “отаси”ни англатишини биларди, бироқ Брунога бундай дейиш тақиқланганди.

У зинадан панжараларга тиралиб юқорига секин чиқаркан, отасининг янги иши бўлган янги жойдаги янги уйда пастга сирпаниб тушадиган зина бормикан, дея ўйларди. Бу ердаги панжаралар энг юқоридаги мўъжаз хонадан бошланиб, то биринчи қаватгача давом этар ва емакхонанинг баҳайбат эман эшиклари олдида тугарди. Бруно юқори қаватдан зина панжараларига чиқиб олиб, бутун уй бўйлаб пастга сирпаниб тушишни жуда яхши кўрарди.

Юқори қаватдан кейингисида онаси билан отасининг хонаси ва кенг ваннахона бор эди, у ерга кириш учун Брунога рухсат берилмасди.

Кейин бир қават пастроқда унинг ва Гретелнинг хоналари ва кичикроқ ваннахона бор эди, бу ваннадан у аслида тез-тез фойдаланиб туриши зарур эди.

Кейин биринчи қаватга тушганида, зина панжараларидан сакраб, албатта иккала оёғи билан ерга тушиши керак бўларди, мабодо сал чайқалиб кетса, ҳаммасини бошидан бошлаш зарур эди.

Бу уйда энг яхшиси — зина панжаралари... Хўш, яна бувиси билан бобосининг яқин жойда туриши ҳам яхши, Бруно уларни эслаганида, ўйлаб қолди: улар ҳам дадасининг янги ишига жўнаб кетишармикан? Шу заҳоти кетишса керак, деган қарорга келди, ахир уларни ёлғиз ташлаб кетиб бўлмайди. Гретель ҳақида ҳеч ким қайғуга ботмасди, ахир опасидан яхшилик кутиб бўлмайди, башарти опаси уйга қараб шу ерда қолганида, Бруно анча енгил тортарди. Бироқ бобоси билан бувиси... Йўқ, бу бутунлай бошқа иш.

Бруно ўз хонасига дарров кирмади. У аввал пастга қараб, онаси дадасининг кабинетига кираётганини кўрди. У ерга кириш Бруно учун “сутканинг ҳар қандай вақтида ман этилади ва қулоғига қўрғошиндай қуйилиб

қолиши керак". У онасининг баланд овозда нималардир гапираётганини, дадаси эса янада баландроқ овозда жавоб бераётганини эшитди, шу билан уларнинг суҳбати узилиб қолди. Кейин онаси кабинет эшигини ёпди ва Бруно ҳеч нимани эшитмади. Шунда унинг калласига бир фикр келди, ўз хонасига бориб, йиғиштириш билан машғул бўлгани маъқул, акс ҳолда, Мария ҳеч ким тегмаслиги зарур бўлган жавоннинг энг ичкарасига яширилган нарсаларни ҳам пала-партиш чиқариб ташлаши ҳеч гапмас.

Иккинчи боб

ЯНГИ УЙ

Уларнинг янги уйини илк бор кўрган Брунонинг кўзлари катта-катта очилиб кетди. Унинг оғзи “О” шаклини ифодалади, кўллари эса ўз-ўзидан ён тарафга ёйилди. Бу уйда ҳамма нарса уларнинг эски уйидагидан буткул акси бўлиб кўринар ва Бруно уларнинг шу ерда ростдан ҳам яшамоқчи бўлганларига ишонгиси келмасди. Берлиндаги уй тинч кўчада, Бруно яшаган уйга ўхшаган ўнларча уйлар қаторида турарди. Бу уйларда ҳам ўғил болалар яшарди. Бруно уларнинг ҳаммасининг отини биларди. Дўстона муносабатда бўлганлар билан бирга ўйнар, яхшилик кутиб бўлмайдиган бошқалардан эса, ўзини нарироқ тутарди. Янги уй эса, бўм-бўш ялангликда ёлғиз ўзи турар ва атрофда бошқа уйлар кўринмасди, демак, бу ерда яқин орада ҳеч ким яшамайди ва ҳеч ким билан ўйнаб бўлмайди, дўстлари ҳам, душманлари ҳам, ҳеч ким йўқ.

Берлиндаги уй катта эди ва гарчи Бруно у ерда тўққиз йил яшаган бўлса-да, у ерда болакай ҳали яхшилаб текшириб кўришга улгуролмаган хилват жойлар ва яширин тешиклар етарлича эди. Ҳатто бутун бошли хоналар мавжуд эди — масалан, дадасининг кабинетига кириш унга ман этилган ва у деярли бу хонага кирмасди. Янги уйда атиги уч қават бўлиб, юқорида учта ётоқхона, бор-йўғи биргина ваннахонаси бор, пастки қаватда ошхона, емакхона ва дадасининг янги кабинети (у ерга, Бруно тахмин

қилганидек, аввалгиси каби кириш шундай чекланган бўлади) ва хизматкорлар ётадиган ертўла.

Берлиндаги уй атрофида баланд уйлари бор кўчалар ястанган ва марказ томон юриб борганда, ҳар жойда йўловчиларга дуч келинади. Улар бир-бирлари билан суҳбатлашиш учун тўхташади ёки бугун ишлари кўплиги ва гаплашишга вақтлари йўқлигини йўлакай тушунтирганча нари кетишга шошилишади. У ерда ёрқин пештахтали дўконлар, шунингдек, сабзи, лавлаги, гулкарам ва маккажўхорилар тоғдек уюлган сабзавот ва мевалар дўкончалари бор эди. Бошқа дўкончалар қўзиқорин ва пиёз, шолғом ва спаржалар билан тўлган, учинчисига салат ва кўк нўхат, бодринг ва пастернак уюб ташланган эди. Бруно дўкончалар қатори қаршисида турганча, кўзини юмиб, қоришма ширин ислардан боши айлана бошлаганини ҳис этганча ёқимли ифорни искашни яхши кўрарди, улардан янгилик ва ҳаёт ҳиди анқирди. Уларнинг янги уйи ёнида ҳеч қандай кўча ҳам йўқ, йўлакчалар бўйлаб ҳеч ким юрмас ва ҳеч қаёққа шошилмас, дўконлар ҳам, мева ва сабзавот дўкончалари ҳам йўқ эди. Бруно кўзини юмганида, гўё оламдаги энг ноқулай жойида пайдо бўлиб қолгандек фақат бўшлиқ ва совуқликни туйди. Йўқолган олам, холос.

Берлинда кўчаларда столлар турарди. У Карл, Даниэль ва Мартин билан мактабдан қайтаётган чоғда, одатда, бу столлар атрофида одамлар ўтиришарди, улар кўпикли ичимликлар ичиб, қаҳқаҳа отишарди. Бруно ҳар доим одамлар стол атрофида ўзларини жуда ғалати тутишларини, гап нима ҳақда кетмасин, кимдир албатта кулишини ўйларди. Янги уй эса, гўё унинг деворларида ҳеч қачон кулги овози жарангламагандек кўринарди, бу ерда кулишга ҳам, шодланишга ҳам ҳеч бир сабаб йўқ эди.

— Назаримда, биз бу ерга бекорга кўчиб келдик, — деди Бруно етиб келиганларидан бир неча соат ўтгач.

Бу вақтда Мария унинг жомадонларидаги буюмларни олиб тахлар, шу боис Бруно онасининг хонасида қоққан қозикдай турарди. (Айтгандай, Мария уйда ягона оқсоч эмаслиги маълум бўлди. Уйда ундан ташқари яна уч нафар қилтириқ аёл бўлиб, улар ўзаро шивирлашиб гаплашишарди. Яна ошхонада қандайдир чол ишлар — унинг вазифаси сабзавотларни тозалаб, уй эгалари овқатланаётганда хизмат қилишдан иборат эди. Бу чол ниҳоятда бахтсиз ва бир вақтнинг ўзида сал жаҳлдорроқ кўринарди.)

— Бизнинг фикримиз билан қизиқишни ортиқча деб билишди, — жавоб берди онаси, дадасига турмушга чиқаётганида бобоси билан бувиси унга ҳадя қилган олтимиш тўрт бокал солинган қутини очаркан. — Ҳаммасини биз учун бошқа биров ҳал қилди.

Бруно онаси нимани назарда тутганини тушунмади, шу боис у ўзини умуман ҳеч нимани эшитмаганга солди.

— Бу ерга келганимиз чакки бўлди, — такрорлади у. — Менимча, энг яхшиси, буларнинг барчасига тупуриб, уйга қайтганимиз маъқул. Ақллига омадсизлик ҳам кўл келади, — қўшиб қўйди у яқинда ёдлаб олган ва энди имкон қадар тез-тез ишлатмоқчи бўлган иборани.

Онаси бокалларни эҳтиёткорлик билан тоқчага терар экан:

— Мен эса, сенга бундай дейман, — дея жилмайди, — ҳар қандай ёмон ишдан ҳам яхшилик изла.

— Шу, билмадим... — деди Бруно. — Менимча, сиз дадамга айнаб қолганингизни айтишингиз керак ва... Шу, башарти биз бу ерда кечгача қолишимизга, овқатланиб ва бир ухлаб туришимизга тўғри келса, унда майли, бироқ

эртага Берлинга кечки чойга етиб боришни хоҳласак, эртароқ туриш керак бўлади.

Онаси хўрсиниб қўйди.

— Бруно, юқорига чиқиб, буюмларингни жомадонлардан олишга Марияга ёрдамлашсанг бўлмайдими?

— Уларни чиқаришнинг нима хоҳати бор, агар биз...

— Бруно, марҳамат қилиб, бас қил! — овозини баландлатди онаси. Бундан чиқди, онаси Брунонинг гапини бўлиши мумкин, у эса онасининг гапини ҳеч қандай ҳолатда мумкин эмас экан-да. — Биз шу ердамиз, биз кўчиб келдик ва яқин келажакда бу ердан ҳеч қаяққа жўнаб кетмаймиз, руҳинг тушмасин. Тушундингми?

«Яқин келажак» нималигини Бруно тушунмади ва бу ҳақда онасидан сўради.

— Бунинг маъноси шуки, биз энди шу ерда яшаймиз. Бўлди, нуқта.

Бирдан Брунонинг қорнида оғриқ пайдо бўлди. Унинг ичида нимадир ғимирлаб катталашарди, ўша нимадир унинг вужудининг энг чуқур жойларидан ташқи оламга чиқиш йўлини босиб ўтганида, уни қаттиқ бақиришга («Унга ноинсофлик қилишди, бу қабиҳлик ва ушбу хатоси учун кимдир тез орада товон тўлайди!») ёхуд кўз ёш тўкишга мажбур қилади. Бу қандай қилиб шундай рўй берганини болакай тушунмасди. Яқиндагина у ҳаётдан буткул мамнун эди, уйда ёки уч нафар энг яқин дўстлари билан ўйнардди, зина панжаралари бўйлаб пастга учиб тушар, бутун Берлинни томоша қилиш учун оёқ учида турарди. Энди эса уни уч нафар пичирлаб сўзлашадиган оқсочлари ҳамда бахтсиз ва хўмрайган қари хизматкори бор, гўё ҳамма қувонч нима эканлигини унутиб қўйгандек изғиб юрадиган совуқ, ярамас уйга тиқиб қўйишди.

— Бруно, қайтараман, юқорига чиқ ва жомадонларингни бўшат. Ҳозироқ.

Онасининг гап оҳанги мулойим эмасди ва Бруно баҳслашишнинг фойдаси йўқлигини биларди. У бурилиб, чиқиб кетди. Унинг кўзларида ёш ўйнар, лекин у ёшларининг ташқарига отилишига йўл қўймайди.

Юқорида у тадқиқотчининг фаолияти учун ярайдиган бирон нима — кичикроқ эшикми ёки ҳужрани излаб топиш умидида қават бўйлаб тўла айланиб чиқди, бироқ ҳеч нима топмади. Қаватда ҳар икки томонда бир-бирига қарама-қарши иккитадан тўрттагина эшик бор эди. Унинг хонасига кирадиган эшик, Гретелнинг хонаси эшиги, отаси билан онасининг хоналари ва ваннахонага кирадиган эшиклар.

— Бу уй эмас ва ҳеч қачон уй бўлмайди, — дея тўнғиллади Бруно янги хобхонаси остонасидан ҳатлаб ўтаркан.

Унинг кийимлари каравотда ёйилиб ётар, ўйинчоқ ва китоблари солинган қутилар эса ҳанузгача қўл теккизилмаганча турарди. Мария энг муҳимини арзимас нарсалардан ажрата олмаслиги аниқ.

— Онам сенга қарашишни буюрди, — деди секингина Бруно.

Оқсоч бош ирғади ва пайпоқлари, ички кийимлари ётган катта сумкани кўрсатди:

— Манавиларни чиқариб, хув анави тортмаларга тахлаб қўявер.

Бруно аёлнинг нигоҳини кузатди. Қаршидаги девор томонда чанг қоплаган кўзгу ёнида беўхшов комод турарди.

Бруно хўрсиниб, сумкани очди, унинг ичи ўзининг ички кийимлари билан лик тўлганди. У мана шу сумкага тушиб, букланиб ётганча ухлаб қолишни, уйғонганида эса, ўзининг қадрдон уйида, Берлинда сумкадан чиқишни жудаям хоҳларди.

— Буларнинг ҳаммаси ҳақида нима деб ўйлайсан, Мария? — сўради у узоқ танаффусдан кейин.

Мария унга доимо ёқарди, гарчи отаси унинг бор-йўғи оқсочлигини, бунинг устига, уларга қимматга тушаётганини айтса-да, Бруно аёлни оила аъзоси деб ҳисобларди.

— Ҳаммаси ҳақида деганинг нимаси?

— Шу, ўша ҳақда, — Бруно унинг ғалчалигидан сал ажабланди. — Биз бундай жойга келганимиз ҳақида. Катта хатога йўл қўйилгандек туюлмаяптими сенга?

— Мен бир нима деёлмайман, — жавобдан қочди Мария. — Ахир, онанг сенга дадангнинг иши ҳақида айтганди-ку, ва...

— Эҳ, дадамнинг иши ҳақида эшитиш жонимга тегди, — ўзини тутолмади Бруно. — Ҳамма фақат шу ҳақда гапиради: дадангнинг иши ундай, дадангнинг иши бундай. Мен ўйлайманки, башарти дадамнинг иши туфайли биз панжаралари бор эски уйимизни ва менинг учта садоқатли дўстларимни бир умрга ташлаб кетишимиз керак бўлса, ундан кўра дадам бундай иш унга нимага керак, деб ўйлаб кўргани яхшимасми? Наҳотки, мен ҳақ бўлмасам?

Шу пайт йўлакда нимадир ғичирлади. Бруно йўлакка бошини чиқариб, отаси билан онасининг хонаси эшиги хиёл очилганини кўриб, қимирлашга ҳадди сиғмай, қотиб қолди. Онаси аввалгидай пастда, титроқ билан фикрларди у, демак, хонада дадаси бор. Ҳозиргина Бруно гапириб ташлаганларнинг ҳаммасини отаси эшитган бўлса-я? Болакай базўр нафас олганча эшикка қараб турди: ҳозир отаси хонадан чиқади ва уни пастга жиддий суҳбат учун олиб кетади. Эшик кенгроқ очилди ва бир киши пайдо бўлганда, Бруно бир қадам ортга чекинди. Йўқ, бу унинг дадаси эмас. Нотаниш отасидан анча ёш ва бўйи ҳам пастроқ, лекин унинг эгнида ҳам худди шундай формаси бор эди. Ёш ҳарбийнинг юзи жуда жиддий, фуражкаси бошига қўйиб қўйгандек жойлашган, фақат чеккалари кўринарди ва уларга қараб Бруно нотаниш

кишининг сочлари қандайдир нотабий сариқ рангда-лигига эътибор берди. У қўлида кути кўтариб, зинапояга йўналди, лекин ўзини кузатаётган Брунони сезиб қолиб, бир сонияга тўхтади ва болакайга шундай юз ифодаси билан тикилаб қарадики, гўё умрида биринчи бор ёш болани кўраётгандек ва уни нима қилиш кераклигини унча англамасди: уни еб қўйсинми ёхуд ёнидан ўтиб кетсинми, балки бир тепиб зинадан улоқтириб юборсинми. Шундай тарзда ҳеч бир тадбир қўлламай, сариқ соч Брунога бош ирғаб, йўлида давом этди.

— Ким бу? — сўради Бруно. Ёш ҳарбий шундай қаттиққўл ва ишга берилган кўринарди — балки у бу ерда муҳим вазифани эгаллар.

— Дадангининг қўлида ишлайдиганларнинг биттаси бўлса керак, — жавоб берди Мария. Нотаниш киши пайдо бўлган чоғда аёл қаддини ростлади ва қўлларини жуфтлаб, ерга қараб қолди. Ҳарбий киши кетганидан кейингина оқсоч бир оз бўшашди. — Унинг ким эканлигини тез орада билиб оламиз, деб ўйлайман.

— У менга ёқмади, — бурнини жийирди Бруно. — Жудаям қаттиққўл экан.

— Сенинг даданг ҳам жудаям қаттиққўл, — деди Мария.

— Ҳа, лекин у дадам, — эътироз билдирди Бруно. — Дадалар қаттиққўл бўлиши керак. Улар кўкатчими, ўқитувчими, ошпазми ёки комендантми, бунинг аҳамияти йўқ. — У минг марталаб фикрлаган ва яхши, ҳурматли оталарга тўғри келади, деб хисоблайдиган ҳамма касбларни санаб ўтди. — Бу одам эса, дадамга сира ўхшамайди, гарчи у қаттиққўл бўлса ҳам, бу аниқ.

— Ҳа, уларнинг иши шунақа, қаттиққўлликсиз иши битмайди, — деди Мария. — Ҳар қалай, улар шундай деб ўйлайдилар. Бироқ сенинг ўрнингда бўлганимда, мен ҳарбийлардан узоқроқ юрган бўлардим.

— Улар яна нимага керак бўларди? — маъюс деди Бруно. — Бу ерда Гретелдан бошқа ўйнаса бўладиган бирон киши топилишига шубҳам бор. Лекин Гретель ҳисобга кирмайди, ундан яхшилик кутиб бўлмайди. — У энди яна йиғлавормоқчи бўлаётганини сезди, лекин Мариянинг назарида йиғлоқи бўлиб кўринишни хоҳламай, ўзини тутиб қолди.

Бруно лоакал қизиқроқ бирон нима топишга уриниб, зимдан назар солди. Ҳеч нима йўқ. Бўм-бўш. Бу ерда қизиқарли нарса қаердан ҳам бўлсин?! Бирдан нимадир унинг диққатини ўзига тортди. Эшик қаршисида, хона бурчагида дераза бор эди. У худди уларнинг Берлиндаги уйларининг юқори қаватидаги дераза каби шифтдан бошланарди, бироқ анча пастроқда тугарди. Кўчага мўралаш учун ҳатто оёқ учида туришнинг ҳам ҳожати йўқ.

У секин дераза томонга юрди. Тўсатдан Берлиндаги ўз уйини, кўшни кўчаларни, столлар атрофида ўтирганча кўпikli ичимликлар ичиб, бир-бирларига кулгили воқеаларни гапиришадиган кишиларни ҳам кўриб қолиш насиб бўлса-я? Бруно ҳафсаласи пир бўлишидан кўрққанча шошилмай қадам босарди. Лекин кичкина болакайнинг хонасида каттакон масофа бўлиши мумкинмас ва эшикдан деразагача бўлган йўл тезда тугаб, Бруно ойнага юзини тиради. У ташқарига мўралади. Бу сафар унинг кўзлари кенгайиб, оғзи “О” ҳарфини ифодалаганида, кўллари ён тарафга эмас, танаси бўйлаб чўзилди, чунки Бруно бирдан совқотиб ва кўрқиб кетди.

Учинчи боб

ЯХШИЛИК КУТИБ БЎЛМАС ОПА

Брунонинг ишончи комил эди: улар Гретелни уйга қараб туриш учун Берлинда бекор ташлаб келишмади, ахир опасидан яхшилик кутиб бўлмайди. У ўз фикрида ёлғиз эмасга ўхшайди ҳам. Бруно Гретелни “бешигиданоқ турган-битган дардисар” деб айтишганини бир неча бор эшитганди.

Гретель Брунодан уч ёш катта бўлиб, у эсини танибдики, опаси доимо унга ақл ўргатарди, уларнинг икковига тегишли воқеаларда эса, бош ролни ўйнашга ҳаракат қиларди. Бруно опасидан кўрқишини тан олгиси келмасди, лекин тўғриси айтганда, бир оз чўчиб турарди.

Гретель ўзининг опаларга хос ярамас одатлари билан шуҳрат топганди. Масалан, эрталаблари у ваннада ҳаддан ташқари узоқ вақт қолиб кетар ва эшик орқасида бир оёғидан иккинчисига ҳақкалаб, сабр-тоқати тугаб бо-раётган Бруно билан сира иши йўқ, унга тупурарди.

Гретелнинг жуда катта қўғирчоқлар коллекцияси бор эди, уларни хонасининг ҳар қаерига қўйиб ташлаганди. Бруно опасининг хонасига кириб қолганида, қўғирчоқлар ундан кўзини узмай, у нима қилишидан қатъи назар, тикилиб кузатишарди. Мабодо опаси уйда йўқлигида унинг хонасида бирон нима излагудек бўлса, ҳеч шубҳасиз, улар албатта эгаларига буни “чақиб” беришарди. Опасининг

дугоналари ҳам ярамас эдилар. Улар Гретелнинг укасини мазах қилишни яхши кўришарди; агар Бруно уч ёшга каттароқ бўлганида, бундай муносабатга сира йўл қўймаган бўларди, албатта. Бу ярамас дугоналар онаси ёки Мария яқинроқда бўлмаган чоғларда Брунони қийнаш ва унга ҳар хил бемаза гаплар гапиришдан ортиқ қувончни билишмасди.

— Бруно тўққиз ёшда эмас, атиги олтида, — дея куйларди битта энг шилқими, болакайнинг атрофида қийшанглаб ва қовурғаси остига бармогини нуқиб.

— Ёшим олтида эмас, тўққизда, — эътироз билдирарди Бруно, ундан қутулиб чиқишга уриниб.

— Ундай бўлса, нима учун бундай кичкинасан? — сўрарди шилқим. — Ҳамма тўққиз ёшли болалар сендан баландроқ.

Бу гап рост бўлиб, Брунонинг битмаётган яраси эди. Синфидаги бошқа ўғил болалар каби ўзининг баланд бўйли эмаслиги уни доим қийнади. Аслида у ўртоқларининг елкасидан келарди. Гарчи ёш жиҳатдан у ўртоқлари орасида иккинчи бўлса ҳам, Карл, Даниэль ва Мартин билан бирга кўча бўйлаб кетаётганида, йўловчилар уни болаларнинг укаси деб ўйлашарди.

— Демак, эндигина олти ёшдасан, — тинчимасди опасининг дугонаси ва Бруно қочиб кетар ва кунлардан бир куни эрталаб уйғонганида йигирма сантиметрга ёки эллик сантиметрга узунроқ бўлиб қолиш умидида умуртқасини торттиришга киришарди.

Очиғини айтганда, Берлиндан жўнаб кетишларининг айрим яхши томони ҳам бор эди: ярамас қизлар ўша ерда қолишганди. Эҳтимол, агар янги уйда қандайдир муддат, ҳатто бир ой қолишига мажбур этишса, у бу вақт ичида ўсиб қолади ва ўшанда қизлар уни мазах қилолмайдилар. Бу фикр ёмон эмас ва мабодо у онаси-

нинг маслаҳатига амал қилишни истаса, бу ҳақда эсдан чиқармагани маъқул.

У Гретелнинг хонасига тақиллатмай чопқиллаб кирди, опаси шу пайтда ўз кўғирчоқларини токчаларга жойлаштираётганди.

— Бу ерда нима қилиб юрибсан? — қичқирди қиз, укасига ўтириларкан. — Қиз боланинг хонасига эшикни тақиллатмай кириб бўлмаслигини билмайсанми?

— Нима, сен кўғирчоқларингни ҳаммасини ўзинг билан олиб келдингми? — ажабланди Бруно. У опасининг саволларига жавоб бериш ўрнига ўз саволларини бериш одатини ўзлаштириб олганди.

— Албатта, — елкасини қоқди Гретель. — Сен-чи, уларни уйда қолдиради, деб ўйлаганмидинг? Шуниси етмай турганди, ахир у ерга қачон қайтишимиз номаълумку. Бир ёки икки ҳафтадан олдин эмас.

— Икки ҳафта деддингми? — ранжиган кўйи қайта сўради Бруно, лекин кўнглида ҳатто қувониб кетди, ахир бу ерда бир ойдан кам бўлмаган вақтни ўтказиш фикрига кўникиб қолганди. — Сен ростдан ҳам шундай деб ўйлайсанми?

— Мен дадамдан сўрагандим, у яқин келажакда уйимиз шу ерда, деб айтди.

— Бу яқин келажак қачон тугайди? — қизиксинди Бруно, опасининг каравотига ўтираркан.

— Бугунги кунни ҳам ҳисоблаганда, икки ҳафтадан кейин, — ўқитувчи оҳангида изоҳ берди Гретель. — Энг кўпи билан уч ҳафтадан кейин.

— Ундай бўлса, майли, мен яқин келажакка розиман, ишқилиб бир ой бўлмаса, бас. Бу жуда ёмон жой экан.

Гретель укасига қаради — ҳаётида илк бор у билан баҳслашишни истамасди.

— Сени тушунаман, — деди опаси. — Бу ер дунёдаги унчалик ёқимли жой эмас.

— Даҳшатли жой, — тасдиқлади Бруно.

— Умуман айтганда, шундай, — бош ирғади Гретель. — Ҳозир бу уй даҳшатли аҳволда. Лекин уйни тартибга келтиришган заҳоти ҳаммаси тузукроқ бўлишига аминман. Дадамнинг айтишича, Аж-Висда бизгача ишлаганларни тезда бўшатиб юборишган ва улар уйни саранжом-саришта, шинам кўринишга келтиришга улгуролмай қолишган.

— Аж-Вис? — такрорлади Бруно. — Бу нима дегани?

— Ҳеч нима, — елкаларини қисди Гретель. — Шунчаки Аж-Вис.

— Йўқ, бу ахир қандайдир маънони англатиши керакку? — тинчимасди Бруно. — Қандай сўз бу? Нима учун “аж”?

— Бизнинг янги уйимиз шундай номланади, — шартта кесди Гретель. — Аж-Вис.

Бруно ўйланиб қолди. У кўчада уйнинг номи ёзилган лавҳа борлигини пайқамаган эди. Уларнинг Берлиндаги уйи ҳеч қандай номланмас, шунчаки “тўртинчи” рақамли эди.

— Лекин бу нимани англатаркин? — Брунонинг секин-аста жаҳли чиқаётганди. — Аж-Вис?

— Балки бу ном бизгача шу ерда яшаган одамлар билан боғлиқдир, — фикрларди Гретель. — Улар ўзларини ёмон жиҳатдан кўрсатишган ва раҳбариятнинг шу қадар жаҳли чиқиб, уларни уйдан бир тепиб ҳайдаб юборган ва улар энг юксак-юксакларга оёғи осмондан бўлиб кетганлар! Уларнинг ўрнига эса, ўз ишини яхши бажара оладиган одамни тайинлаганлар.

— Яъни, дадамни.

— Ҳа, албатта.

Гретель доимо отаси ҳақда сўзлаганда, гўё у нотўғри иш қилишга қодир эмасдай гапирарди. Дадаси унга ҳар доим меҳрибончилик кўрсатади ва ҳар оқшом ухлашидан олдин қизини ўпиб, хайрли тун тилайди. Бруно кун давомида ўзи билан рўй берган ҳодисалардан шунчалар қаттиқ хафа бўлмаганида, у отасига нисбатан адолатлироқ бўлар ва дадаси уни ҳам ухлашдан олдин ўпишини эслagan бўларди.

— Бундан чиқди, бу ерда бизгача яшаган одамларни ишдан бўшатишгани туфайли биз Аж-Виста келиб қолибмиз-да?

— Худди шундай, Бруно. Энди эса, менинг тўшагимдан тур, бўлмаса кир қилиб қўясан.

Бруно дик этиб турди-да, сакраб гиламга ўтириб олди. Унинг тарақлатган товуши ўзига ёқмади. Бруно бундан кейин уйда камроқ сакрашга аҳд қилди: яна бу иморат бузилиб, уларнинг бошига тушмасин.

— Бу ер менга ёқмади, — юзинчи марта такрорлади у.

— Биламан, — жавоб берди Гретель. — Лекин биз сен билан ҳеч нимани ўзгартира олмаймиз, тўғрими?

— Мен Карл, Даниэль ва Мартинни соғиняпман, — давом этди Бруно.

— Мен эса Хилда, Изабель ва Луизани соғиндим, — деди Гретельх. Бруно улардан қайси бири энг ярамас шилқимлигини эслашга уринди.

— Менимча, бу ерлик болалар унчалик дўстона кўринишда эмас, — қўшиб қўйди Бруно.

Гретель шу ондаёқ энг хўмрайган қўғирчоғини токчага ўтқозишни тўхтатди ва укасига тикилди.

— Нима дединг?

— Бу ердаги болалар унчалик дўстона кўринмайди, дедим.

— Қандай болалар? — ҳайрат билан қайта сўради Гретель. — Сен нима ҳақда гапиряпсан? Бу ерда ҳеч қандай болаларни кўрмадим.

Бруно атрофга аланглади. Бу ерда ҳам дераза бор эди, бироқ Гретелнинг хонаси Бруноникининг қарама-қарши тарафида жойлашгани боис, дераза бутунлай бошқа тарафга қараганди. Бруно ҳеч нарса бўлмагандек, қўлларини киссасига суққанча, гарчи юраги қинидан чиқиб кетаётгандек бўлса ҳам, хуштак чалиб, дераза томон йўл олди. У опасига сира эътибор бермасди.

— Бруно? — чақирди Гретель. — Сени нима жин урди? Томинг кетдими?

Бруно тўхтамай ва ортига ўгирилмай, дераза олди етиб борди. Дераза анча паст экан. У деразадан пастга қараганида, уларни олиб келган машинани, отасининг қўл остида ишловчи ҳарбийларга тегишли уч-тўртта автомобиль турганини кўрди. Бир нечта ҳарбий киши ҳовлида чекиб туришар, ўзаро кулишар ва вақти-вақти билан уйга ташвишли қараб қўйишарди. Ҳовлидан чиқиш йўли ўрмонни ёқалаган катта йўлга уланиб кетганди. Мана қаёққа тадқиқот экспедициясига жўнаш яхши бўларди, дея кўнглидан ўтказди Бруно.

— Марҳамат қилиб, менга тушунтириб бер, нима гап? — жиддий талаб қилди Гретель.

— У ёқда ўрмон, — деди Бруно.

— Бруно! — ўшқирди Гретель ва шаҳд билан укаси томонга йўналди, Бруно деразадан нари қочиб, деворга орқаси билан суянди.

— Нима? — сўради у, гўё ўзини гап нима ҳақда бораётганини англамаганга солиб.

— Маҳаллий болалар, — эслатди Гретель. — Сен уларни унчалик дўстона эмас, деб айтдинг.

— Шу, улар шундай кўриняпти. — Бруно бу ерлик болалар билан шахсан танишиб олмагунча улар ҳақида хулоса чиқаришни истамасди; онаси уни бир неча марта бундан огоҳлантирганди.

— Бу ерда болалар нима қилади? — суриштиришини кўймасди Гретель. — Қани улар?

Бруно жилмайди ва Гретелга ортидан юришга имо қилиб, эшик томон кетди. Опаси чуқур хўрсинди, бироқ таклифни қабул қилди. У каравоти ёнида бир онга тўхтаб, кўғирчоғини кўйиб кетмоқчи бўлди, аммо фикридан қайтди. Укасининг хонасига кўғирчоғини кўксига босган кўйи кирди, лекин бу ерда Мария уни йиқитворишига сал қолди — оқсоч кўлида ўлик сичқонга ўхшаган ниманидир ушлаганча хонадан югуриб чиқиб кетди.

— Мана шу ерда. — Бруно дераза ёнида турарди. У болаларни томоша қилиш билан шунчалар машғул эдики, ҳатто ёнида Гретель борлигига эътибор ҳам бермади. Қандайдир вақтга у опасини буткул унутганди.

Гарчи укаси ҳақлиги ёки ёлғон гапирётганига жудаям ишонч ҳосил қилгиси келиб турган бўлса-да, Гретель дераза ёнига боришга умуман шошилмасди. Лекин унинг овози ва у ойнадан қандай қараб тургани кизни ташвишлантирди. Бруно ҳали бирон марта опасини алдашни эпллмагани ва ҳозир ҳам алдамаётганига ишончи комил эди, бироқ Брунога қараб туриб, опаси бирдан ўша болаларни аслида кўргиси келяптими, буни ўзиям билмаслигини ҳис қилди. У асабий тарзда ютиниб, ичида: илойим, яқин келажак Бруно ҳисоблагандек бир ойдан кейин эмас, айнан бугунга айлансин-у худойим уларни Берлингга қайтарсин, дея дуо ўқиди.

— Бўлақолмайсанми? — Бруно ўтирилди. Опаси кўғирчоғини маҳкам тутганча эшик ёнида турарди. Гре-

телнинг тилларанг соч ўримлари елкасига маъюс осилиб турар — уларни тортқилашнинг айна чоғи эди. — Қарашни хоҳламайсанми?

— Албатта, хоҳлайман. — Гретель деразага қараб ишончсизроқ одимлади. — Нариди қоч, тўсиб қўйдинг, — буюрди у, укасини тирсағи билан туртиб.

Уларнинг Аж-Висдағи биринчи куни очиқ ва илиқ эди. Гретель дераза олдиға яқинлашган пайт булутлар орасидан қуёш ярқираб мўралади, бироқ кўзлар ёруғликка тез ўрганди, қуёш ҳам қайта яширинганди ҳам, Гретель айнан укаси айтганларини кўрди.

Тўртинчи боб

УЛАР ДЕРАЗАДАН НИМАНИ КЎРИШДИ?

Ростини айтганда, у ердагилар умуман болалар эмасди. Ҳар ҳолда, фақат уларгина эмас. Кичик болакайлар ва бўйчан йигитлар, оталар ва болалар, ҳойнаҳой, тоғалар ва жиянлар ҳам бор эди. Яна ҳамманинг оёқлари остида чувалашиб бутунлай қариндошлари йўқ кишилар ўз ҳолича кезиб юрарди. Қисқаси, у ерда кимлар йўқ эди, дейсиз.

— Ким бу? — хўрсинди Гретель. Энди кўзини катта очиб, лабида “О” ҳарфини ифодалаш навбати унга етганди. — Бу қандай жой бўлди?

— Аниқ билмайман, — жавоб берди Бруно, ҳозир хаёл сурадиган пайт эмаслигини ҳис қилиб. — Лекин бу ер уйдаги каби унча яхшимас. Ҳар нима бўлгандаям, мен бунга аминман.

— Қизлар қаерда? — ажабланишда давом этарди Гретель. — Оналари ҳам? Бувилари ҳам?

— Балки улар қаердадир нарироқда яшасалар керак, — тахмин қилди Бруно... .

Гретель бош ирғади. У ҳаммадан ҳам деразадан орта ўгирилиб олгиси келарди, бироқ бу кўриниш уни гўё сеҳрлаб қўйганди. У ўз деразасидан бироз ноҳуш, лекин боғ сайлига чиқишга яроқли ўрмоннигина кўрарди, холос. Бироқ уйнинг бериги тарафидан буткул бошқа манзара намоён бўларди.

Лекин, ҳаммаси анча ёқимли бошланди. Шундоққина дераза остида гулларга тўлиқ катта боғ яшнаб турарди.

Улар бир қатор бўлиб ўсар, бундай жойда гул ўстириш савоб ишлигини билгандек, уларни яхши парваришлар эдилар.

Гул пушталари ортида асфальт ётқизилган йўлакка узункурси қўйилганди — бу ерда, афтидан, қуёшда исиниб, китоб ўқиб ўтириш яхши. Узункурси суянчиғига лавҳача қоқилганди, аммо унда нима ёзилганини бундай масофадан Гретель ўқий олмади. Узункурси уйга қаратиб қўйилганди, Гретель нимага уни айнан шундай жойлаштириб қўйишганини дарҳол англади.

Боғ, гуллар ва лавҳали узункурсидан ўн метрлар нарида ахвол кескин ўзгарганди. Уйга параллел равишда симдан ясалган бақувват тўсиқ икки тарафдан эгилган ва қаергадир шундай узокқа чўзилгандики, унинг қаерда тугашини фарқлаб бўлмасди. Тўсиқ жуда баланд, ҳатто уйдан ҳам баландроқ бўлиб, телеграф устунларни эслатувчи ёғоч устунлар тутиб турарди. Унинг устига спираль тарзда ўралган баҳайбат тиканли симлар ўрнатилганди ва Гретель ҳар қаерда чиқиб турган ўткир тикан симларга қараб, бирдан ичидан нимадир шувиллаб кетганини ҳис қилди.

Тўсиқ орқасида ўт ўсмаган ва умуман кўзга кўринадиган очиқ теварак-атрофда ҳеч қандай кўкат кузатилмасди. Ҳамма ёқни исқирт қум қоплаган бўлиб, Гретель нечоғлиқ тикилиб қарамасин, пастак уйчалар, омборга ўхшаган қандайдир узун иншоотлар ва алоҳида жойда печка қувурлари бўлган бир нечта бинолардан бошқа ҳеч нимани кўролмади. У оғзини очиб, нимадир демоқчи бўлди, лекин ўз ҳайратини ифодалаш учун унга сўз етишмаётганини англади, шу боис маънилироқ ҳеч нима ўйлаб тополмасдан, шунчаки оғзини ёпди.

— Хўш, қалай? — Бруно, опасини диққат билан кузатаркан, ўзини ғолиб деб ҳисобларди. У ерда нима со-

дир бўлишидан ва бу кишилар ким эканлигидан қатъи назар, у буларнинг ҳаммасини биринчи бўлиб кўрди ва буни хоҳлаган вақтда соатлаб кўра олади, чунки сим тўсиқ манзараси ва унинг ортидаги мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси опасининг эмас, ўзининг хонасидан кўринади, демак, фақат ўзигагина тегишли. У бу ерда қирол. Гретель эса — унинг вассали.

— Ҳеч нимага тушунмаяпман, — жавоб берди Гретель. — Нимага бундай хунук биноларни қуриш кимларгадир керак бўлди экан?

— Хунуклиги рост, — рози бўлди Бруно. — Менимча, бу уйчалар бир қаватдан ортиқ эмас. Қара, уларнинг қандай пастаклигини.

— Ҳойнаҳой, бу замонавий уйлар бўлса керак, — тахмин қилди Гретель. — Дадам замонавий нарсаларнинг ҳаммасини ёмон кўради.

— У ҳолда у буларни ёқтирмайди, — деди Бруно.

— Йўқ.

Гретель ханузгача дераза олдида кимирламай турарди. У ўн икки ёшда бўлиб, синфда уни энг ақлли қизлардан бири деб ҳисоблашарди, шунинг учун у лабларини тишлаб ва кўзини қисганча, миясини ишлаштишга уринди.

— Бу қишлоқ, деб ўйлайман, — деди Гретель, укасига голибона кўринишда ўгириларкан.

— Қишлоқ?

— Ҳа, бундан бошқа ҳеч нима бўлиши мумкин эмас. Нега тушунмайсан, Берлиндаги уйда биз шаҳарда яшардик. Мана шунинг учун ҳам у ерда одамлар шунчалар кўп ва мактаблар болалар билан тиқилиб кетган, шанба куни кундузлари эса, шаҳар маркази бўйлаб кетаётганда жуда ёмон тиқилинч бўлиб кетди.

— Ҳм-м... — дея товуш чиқарди Бруно, опасининг сўзлари моҳиятини англашга уриниб.

— Бизга жуғрофия дарсида деҳқонлар ва жониворлар яшайдиган ҳамда озиқ маҳсулотлар етиштириладиган қишлоқда биз дераза ортида кўраётганга ўхшаш ниҳоясиз бўш майдонлар мавжуд, деб гапириб беришган. — Қиз деразадан улар кўз ўнгида намён бўлган ниҳоясиз майдонга, бир-биридан анчагина нарироқ масофада ажралиб турган уйларга яна қаради. — Худди шундай. Бу қишлоқ. Бу эса бизнинг шаҳар ташқарисидаги уйимиз, — кўтаринки руҳда қўшиб қўйди қиз.

Бруно бир оз фикрлаб, бош чайқади.

— Йўқ, бу қишлоқ эмас, — қатъий деди у.

— Атиги тўққиз ёшда бўлсанг, — эътироз билдирди Гретель. — Сен қаердан билардинг? Менинг ёшимга етганинда, атрофда содир бўлаётган нарсаларни тузукроқ билиб олишни ўрганасан.

— Эҳтимол, шундайдир ҳам, — мужмал жавоб берди Бруно. Гретель каттароқ ва бу билан у баҳслашмасди, бироқ опасининг ҳар қандай ишончли фикрини тўғри деб қабул қилишни қатъиян рад этарди. — Башарти биз сен айтгандай, қишлоқда бўлсак, у ҳолда жониворлар қани? Ёки сен улар ҳақида унутдингми?

Гретель сўзлашга яна оғиз жуфтлади-ю, бироқ мос келадиган жавоб топилмади, шу боис тўсиқ ортида ҳайвонларни қидириб яна деразадан тикилиб қолди, аммо улар у ерда йўқ эди.

— Уларнинг сигирлари ҳам, чўчкалари ҳам, қўйлари ҳам, отлари ҳам бўлиши керак, — дерди Бруно. — Яъни, агар бу одамлар деҳқон бўлсалар, товуқ ва ўрдақлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

— Лекин улар у ерда йўқ, — секин таъкидлади Гретель.

— Мабодо улар егуликлар етиштирадиган бўлсалар, — давом эди Бруно, опаси билан суҳбатдан хузурланиб,

— у ҳолда, уларнинг ерлари ҳам бошқача бўлиши керак. Бундай ботқоқ ерда нима етиштириб бўлади?

Гретель ташқарига нигоҳ ташлаб, бош ирғади. Ахир у ҳар доим ўзининг ҳақлигини маъқуллайверадиган тен-так эмас-ку, айниқса, далиллар унга қарши экани равшан бўлиб турганда.

— Демак, бу деҳқон хўжалиги эмас, — деди қиз.

— Ҳа, — унинг гапини маъқуллади Бруно.

— Бундан келиб чиқадики, бу қишлоқ бўлолмайди, — фикрини ривожлантирди Гретель.

— Йўқ, бўлолмайди.

— Шундай экан, бу бизнинг шаҳар ортидаги уйимиз эмас, — хулоса қилди Гретель.

— Шунақага ўхшайди, — якунлади Бруно.

У каравотга ўтирди ва бир лаҳза Гретель унинг ёнига ўтириб, бағрига босишини ва ҳаммаси яхши бўлади, эртами-кечми улар бу жойни ёқтириб қолиб, Берлин ҳақида ўйлашни унутишларини айтишини хоҳлади. Бироқ опаси ҳали ҳам деразадан тикилиб турар ва бу сафар гулларга эмас, асфальтланган йўлакка эмас, лавҳали узункурсига ҳам эмас, ҳатто ёғоч устунли ва тиканли симлар қадалган баланд тўсиққа ҳам эмас, тўсиқ ортидаги уйчалари, узун ва печка қувурлари бўлган бинолари бор кенг майдонга ҳам эмас, одамларга қарарди.

— Бу одамлар ким бўлди? — деди қиз жуда паст овозда, гўё укасига эмас, бошқа бировга савол бераётгандек. — Улар бу ерда нима қилишяпти?

Бруно ўрнидан турди ва улар биринчи бора дераза олдида биргаликда елкама-елка, ўзларининг янги уйларидан йигирма метрдан кўп бўлмаган жойда нималар содир бўлаётганига тикилиб қараб туришарди.

Қаерга нигоҳ ташлашмасин, одамлар бор эди — катта, кичик, қари, ёш — ва уларнинг ҳаммаси қандайдир

беҳаловат ҳаракатланишарди. Тўғриси, айримлари гуруҳларга ажралганча, қўлларини ёнга тушириб ва бошларини тик тутишга уринганча қилт этмай туришар, уларнинг ёнларида эса, аскар худди уларга нималарнидир бақираётгандек оғзини очиб-ёпганча одимларди. Бошқалари занжирсимон тизилганча олдинда замбилғалтак итариб борарди; улар ўз аравачалари билан қаердандир пайдо бўлиб қолишар, сўнг қандайдир қурилиш ортига бурилиб, яна кўздан ғойиб бўлишарди. Уйчалар олдида бир тўда одамлар кўринар, улар бир-бирлари билан гаплашмасдан, гўё қандайдир ўйин ўйнаяптилар-у, бу иш устида қўлга тушиб қолишни хоҳламаётгандай оёқлари остига қарашарди. Қўлтиқтаёқда юрган, янаям кўпроғи, боши боғланган кишилар кўзга ташланиб қоларди. Айримлари қўлларида белкуррак тутиб саф тортиб юрар, уларни аскарлар бошлаб борарди, аммо уларнинг қаерга йўналганини аниқлашнинг иложи йўқ эди.

Бруно билан Гретелнинг кўз ўнгида юзларча одамлар ғимирлашар, бироқ болаларнинг нигоҳи уйчаларнинг озроқ қисминигина қамраб олиши мумкин эди, тўсиқ ортидаги туман қоплаган хираликда яширинган майдон шунчалар узоққа чўзилгандики, у ерда нафақат юзлаб, балки минглаб одамлар ҳам бўлиши мумкин.

— Уларнинг ҳаммаси бизнинг шундоқ ёнимизда яшаркан, — ўшшайди Гретель. — Берлиндаги сокин кўчамизда бор-йўғи олтига уй бўларди. Бу ерда эса, уларнинг саногига етиб бўлмайди. Нимага дадам шундай расво, бунинг устига, қўшнилари кўп жойдаги янги ишга ўтди экан-а? Сира ақлим етмаяпти.

— Анави томонга қара.

Гретель укаси бармоғи билан кўрсатган томонга қаради ва чеккароқда ажралиб турган уйчадан чиқиб келаётган бир гуруҳ болаларни кўрди. Улар бир-

бирларига ёпишар, аскарлар эса уларга бақирарди. Қанчалар кўп қичқиришса, улар шерикларига янада маҳкамроқ жипслашишди, аммо кейин бир аскар уларга ташланиб қолди ва улар бир-бирларини қўйиб юборишди, ниҳоят, афтидан, улардан талаб этилаётгани — сафга тизилишларига эришилди. Шундан кейин аскарлар қулиб, чапак чала бошладилар.

— Ҳойнаҳой, бу репетиция бўлса керак, — деди Гретель, айрим болаларнинг, ҳатто ўзидай каттароқлари ҳам йиғлаётганига эътибор бермай.

— Бу ерда болалар борлигини айтдим-ку, ахир, — деди Бруно.

— Лекин мен ўйнагим келадиган болалар эмас экан, — деди опаси қатъий. — Улар жудаям иркит экан! Хильда, Изабель ва Луиза ҳар куни эрталаб худди мен каби чўмилишади. Бу болалар эса гўё умрида ҳеч қачон чўмилмагандек кўринишади.

— У ер ростдан ҳам жуда ифлос, — деди Бруно. — Эҳтимол уларнинг ваннахоналари йўқдир?

— Нақадар аҳмоқсан-а! — хитоб қилди Гретель, гарчи унга укасини “аҳмоқ” дейиш мумкин эмаслигини ҳар доим таъкидлашган бўлса-да. — Ваннаси йўқ одамлар қандай бўларкан-а?

— Билмадим, — ўйланиб қолди Бруно. — Бу иссиқ суви йўқ кишилар!

Гретель яна бир неча сония деразадан қараб турди-да, кейин елкаларини қисиб, ўтирилди.

— Мен қўғирчоқларимни ясатиш учун хонамга қайтаман. У ердан кўринадиган манзара тенгсиз даражада ёқимлироқ.

Қиз шундай дея, чиқиб кетди. Йўлакни кесиб ўтиб, ўз хонасига кирди-да, эшикни ёпди, лекин қўғирчоқларини қўлига дарров олмади. Бунинг ўрнига

у каравотига ўтирди ва миясидан жуда кўп фикрлар чақнаб ўтди.

Укаси эса, унинг ортидан ўйга толиб қолди. Ўз ишлари билан машғул юзларча одамларни кузатаркан, уларнинг ҳаммаси — кичик болакайлар, бўйчан ўсмирлар, оталар, боболар, амакилар ва ҳеч қандай қариндошлари йўқдай ғалати аҳволда ўз ҳолича юрган ёлғиз кишилар — уларнинг барчаси бутунлай бир хил: эғнида йўл-йўл кулранг пойжома билан бошида кулранг йўл-йўл шапка кийиб олишганди.

— Жуда ғалати, — ғўлдиради Бруно, дераза ёнидан нари кетар экан.

Бешинчи боб

СУТКАНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ ВАҚТИДА КИРИШ ТАҚИҚЛАНАДИ ВА БУ ҚУЛОҒИНГГА ҚЎРҒОШИНДАЙ ҚУЙИЛСИН

Отаси билан гаплашишдан ўзга йўл йўқ эди. Улар Берлиндан эрталаб йўлга чиққанларида отаси йўқ эди. У уйдан илгарирок, ўша Бруно мактабдан қайтганида Марияни ўз буюмларини титкилаётган пайтида кўрган куни кечкурун жўнаб кетганди. Кейинги кунларда онаси, Гретель, Мария, ошпаз аёл, Ларс ва Бруно қутиларни тўлдириш ва юкларни Аж-Висга олиб бориши керак бўлган юк машинасига жойлаштириш билан банд бўлишди.

Эрталаб Берлиндан жўнаб кетиш арафасида, уй бўмбўш қолиб, ҳақиқий уйга ўхшамай қолганида, ўзларига тегишли ҳамма нарса жомадон, қути ва сандиқларга солинганида, уларнинг эшиги олдида қизил-қора байроқли хизмат машинаси келиб тўхтади.

Онаси, Мария ва Бруно уйдан энг охирида чиқишаётган пайтда, онаси ўзини гўё оқсоч борлигини пайқамагандек тутганини сезиб қолди. Чунки онаси хайрлашаётиб, даҳлиздаги яланғоч деворларга назар ташлади. Бу ўша, қанча қувончли ва қизикарли воқеалар рўй берган, декабрь ойида янги йил арчаси қўйиладиган, қишда шамсиялар қўйиб қуритиладиган мослама турадиган, Бруно исқирт ботинкаларини қолдиришига мажбур бўлган, аммо ҳеч қачон бундай қилмаган ўша йўлакка

онаси маънос назар солиб, бошини чайқади ва қандайдир ғалатироқ гапни айтди.

— Фурорга атаб тушлик ўтказмасак бўларкан. Эҳ, ўша юқорига кўтарилиш тинчлик бермайдиган бировлар!

Онаси шундай деб ўгирилганди — Бруно унинг кўзида ёш қалқиганини пайқади — даҳлизда унга тикилиб қолган оқсоч борлигини кўриб, сесканиб кетди.

— Мария! — ҳайрон бўлди онаси. — Сени машинада-сан, деб ўйлагандим.

— Энди чиқиб кетаётгандим, — жавоб берди Мария.

— Мен ундай демоқчимасдим... — яна гап бошлади онаси, бироқ гапидан адашиб кетиб, бошини бир силкиб олди ва яна бошидан бошлади: — Мен бошқа нарсани назарда тутгандим...

— Энди чиқиб кетяпман, — дея такрорлади оқсоч аёл, афтидан, у ўзганинг гапини бўлишни тақиқлайдиган қоидани билмаса керак. У остонадан шошганча ҳатлаб, машинага қараб югуриб кетди.

Онаси пешонасини тириштирди, кейин гўё содир бўлган ҳодиса энди ҳеч бир аҳамиятсиздай бошини силкиб, елкаларини қисди.

— Хўш, Бруно, кетдик. — У ўглининг қўлидан ушлаб ташқарига чиқди ва киравериш эшигини қулфлади. — Буларнинг ҳаммаси тугайдиган кун келади ва биз бу ерга яна қайтамыз, деган умиддаман.

Байроқчали хизмат машинаси уларни кенг платформа ажратган иккита йўлда йўловчиларни кутаётган поездлар турган вокзалга етказиб қўйди. Платформа бўйлаб саф тортган аскарлар тинимсиз юришар, бунинг устига, сал нарироқда йўлларни назорат қилиб турган кузатувчининг уйчаси жойлашганди, шу боис Бруно яқинлари билан бирга вагонга чиқиб олгандагина қарши тарафдаги поездни қуршаб олган одамлар тўдасига эътибор қаратди. Брунолар ўтирган вагон жудаям шинам, кенг ва бўш жой-

лари сероб эди, деразаларни тушириб қўйишганда эса, вагон бўйлаб енгил шабада эса бошлади. Агар поездлар бошқа-бошқа йўналишда кетганда ҳам бошқа гап эди, дея ўйлади Бруно, бироқ ҳар иккала поезд шарққа томон йўналганди. Бруно платформага тушиб, ўша тикилинч поездга чиқаётган одамларга уларнинг вағонида бўш жойлар борлигини айтгиси келди-ю, бироқ ўзини босди. Қандайдир ички овоз унга: мабодо онасининг жаҳли чиқиб кетмаса ҳам, хойнаҳой, Гретель тутақиб кетса керак, бу эса янада ёмонроқ, дерди.

Аж-Висдаги уларнинг янги уйига етиб келишганидан кейин Бруно ҳали отасини кўрмаганди. Аввалига, отасининг хонаси эшиги гичирлаб кетганида, Бруно уни шу ерда, деб ўйлаганди, аммо у ерда Брунога бошдан-оёқ тикилиб назар солган сўхтаси совуқ қаттиққўл ёшгина аскардан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Отасининг гулдураган йўғон овози ҳеч ердан эшитилмас, унинг этиклари ҳеч қаерда залворли гурсилламасди. Очиғи, уйда доим қандайдир нотаниш одамлар танда қўйганди ва Бруно қандай йўл тутса, яхшироқ бўлишини ўйлаб, ўзи билан ўзи фикрлашаркан, пастда тушунарсиз шовқин-суронни эшитиб, даҳлизга чиқди ва панжарадан эгилди.

Пастда отасининг эшиги очиқ кабинети олдида бешта эркак тўпланиб олиб, кулишар ва бир-бирларининг қўлларини қисишарди. Уларнинг ўртасида янги дазмолланган формадаги отаси жуда зўр кўринарди. Унинг қалин қорамтир сочлари силлиқланганди ва юқоридан туриб отасига қараган Бруно кўрқув билан биргаликда ҳайратни ҳис этарди. Бошқа эркаклар унга унчалик ёқмади. Улар отасидай кўркам эмасдилар ва уларнинг овозлари ҳам гулдурамас, этиклари ҳам ялтилламасди. Уларнинг ҳаммаси бош кийимларини қўлларида тутган қўйи отасининг эътиборига тушиш учун мусобақалашаётгандай туюларди.

Иккинчи қават майдончасида турган Бруно уларнинг суҳбатидан атиги бир нечта жумлаларни англай олди:

— ... Энг бошидан, биринчи кунданок адашганди. Шунчаликка бордики, Фурор энди ҳеч нима қилолмасди... — деди битгаси.

— ...Интизом! — хитоб қиларди бошқаси. — Ва самарадорлик. Қирқ иккинчи йилдан буён бизга самарадорлик етишмайди, бусиз эса...

— ...Рақамлар аниқ гувоҳлик беради... Ҳаммаси равшан, жаноб комендант, — дўрилларди учинчиси.

— ...Башарти биз яна биттасини қурсак-чи, — орзуларга берилди тўртинчиси, — унда кўп нарсага эриша олардик... фақат тасаввур қилинг-а!

Отаси қўлини кўтарди ва ушбу ишора гўё у ҳаваскорлар оркестрига дирижёрлик қилаётгандек ҳаммани шу заҳоти жим бўлишга мажбур қилди.

— Жаноблар. — Бу сафар Бруно ҳар бир сўзни яхши эшитди, чунки ҳамма жойда — ҳатто уйнинг нариги чеккасида ҳам унинг отаси каби овози яхши эшитиладиган одам ҳали бу ёруғ оламга келмаганди. — Мен сизнинг таклифларингиз ва қўллаб-қувватлашингизни жуда қадрлайман. Нима бўлган бўлса, ўтиб кетди. Биз сиз билан деярли тоза варақдан, эртанги тонгданок бошлаймиз. Энди эса, уйдагиларга янги жойда жойлашиб олишларига ёрдам беришим керак, акс ҳолда, уйда ҳам бир қанча муаммолар юзага чиқади. Мени тушундингизми?

Эркаклар хахолашиб кулишди ва отасининг қўлини силкишга киришишди. Хайрлашув олдидан улар Брунога қалайдан ясалган аскарларни эслатиб, бир сафга тизилдилар ва отаси унга ўргатган: бош бармоғи жипслашган очиқ кафтини юқорига кескин кўтариб, иккита сўз қичқириб айтиладиган саломлашув учун уларнинг қўллари юқорига кўтарилди. Бруно сенга мана шу сўзлар билан мурожаат қилинганда, айнан шундай жа-

воб бериш кераклигини биларди, — отаси унга буни ҳам ўргатганди. Кейин меҳмонлар кетишди, отаси эса ўз кабинетига кайтди, у ерга Брунонинг “ҳеч қачон кириши мумкин эмас ва бу гап қулоғига қўрғошиндай қуйилиши керак”.

Бруно зинапоядан секингина тушиб, кабинет эшиги олдида қатъиятсиз туриб қолди. Улар шу ерга келганларидан бери ўтган вақт мобайнида отаси у билан сўрашиш учун келмагани туфайли болакай маъюс эди. Бундай ҳол илгарилари ҳам бўлиб турарди, ўшанда Брунога отаси жудаям бандлиги ва саломлашишга ўхшаган ҳар хил бе-маънигарчиликлар учун уни безовта қилишнинг ҳожати йўқлигини айтишганди. Бироқ ҳозир, ҳарбийлар кетишганидан кейин, агар Бруно эшикни тақиллатса, ҳеч қандай қўрқинчли ҳол юз бермайди, деб ўйлади у.

Берлинда дадасининг кабинетига уни бутун ҳаёти мобайнида атиги икки-уч мартаба киритишган, одатда, бунга сабаб унинг ёмон хулқи бўлганди, шу боис у билан жиддий гаплашиб олишга эҳтиёж сезилган. Отасининг кабинетига оид қоида Бруно ўзлаштириб олган қоидаларнинг энг муҳимларидан бири бўлиб, улар Аж-Висда гўёки амал қилинмайди, деб тасаввур этиш учун у шу қадар тентак эмасди. Аммо у отасини деярли бир ҳафтадан буён кўрмагани туфайли, башарти тақиллатиб кўрса, ҳеч ким эътироз билдирмаса керак, деган қарорга келди.

У эшикни эҳтиёткорлик билан қоқди. Икки марта ва жуда секин тақиллатди.

Ё отаси эшитмади, ёхуд тақиллаган овоз унча баланд чиқмади, бироқ Брунога эшикни очишмади. Шунда у қаттиқроқ тақиллатди ва шу заҳоти кабинетдан “Киринг!” деган гулдурос товуш эшитилди.

Бруно эшик тутқичини буради, остонадан ҳатлаб ўтди ва одатий аҳволда: кўзи катта очилиб, оғзи “О” шак-

лига кириб, қўллари ёнга тарвақайлаганча қотиб қолди. Уйдаги ҳамма ёқда қоронғилик, зимистонлик ҳукм сургани ва ўрганиладиган ҳеч вақо йўқ бўлса-да, ушбу хона ўзгача эди. Аввало, бу ернинг шифти баланд, ерга солинган гиламда эса, Бруно чўкиб кетса бўларди. Деворлар деярли кўринмас, улар худди Берлиндаги уйлари кутубхонаси каби китоблар тизиб қўйилган қизғиш ёғоч тоқчалар билан тўсилганди. Рўпарадаги девор умуман йўқ деса ҳам бўлади, унинг ўрнига боққа қараган иккита каттакон дераза ланг очилганди, — ҳойнаҳой, мана шу ерда, оромкурсига ястаниб олганча манзарани томоша қилиш маза бўлса керак. Буларнинг барчаси ўртасида залворли эман стол ортида отаси ўтирарди. Бруно кирган чоғда, у қоғозларидан кўзини узиб, ёқимли жилмайди.

— Бруно. — Отаси ўрнидан турди ва ўғлининг қўлини эркакчасига қисиб қўйди. Отаси қучоқлайдиганлар сирасига кирмас, Брунони бир оз уялтирганча бот-бот бағрига босиб, сўлакли ўпичлари билан эркалатаверадиган онаси ёки бувисига ўхшамас эди. — Ўғлим, — деди отаси, бир муддат индамай қолиб.

— Салом, дада, — секин саломлашди Бруно, хонанинг ҳашаматига қойил қолиб.

— Ҳозир сенинг ёнингга чиқишга шайланиб тургандим, чин сўзим, — деди отаси. — Мен йиғилишни тугатдим, хат ёзишгина қолганди. Хўш, қандай етиб келдинглар?

— Яхши, дада.

— Сен онанг ва опангга буюмларни йиғиштиришга қарашвордингми?

— Ҳа, дада.

— У ҳолда, сен билан фахрланаман, — деди отаси маъқуллаганча. — Ўтирақол, уялма.

У ёзув столи олдидаги кенггина оромкурсини кўрсатди ва Бруно унга ўтирганида, оёқлари полга сал

етмай қолди. Отаси ўз жойига қайтиб ўтиргач, ўғлига тикилиб қолди. Иккиси ҳам сукут сақларди. Жимжитликни биринчи бўлиб отаси бузди:

— Хўш, сен нима деб ўйлайсан?

— Нима деб ўйлайман? — қайта сўради Бруно. — Нима ҳақда?

— Янги уйинг ҳақида. У сенга ёқдими?

— Йўқ, — шошилиб жавоб берди Бруно. Атиги бир сонияга кечикиб жавоб берганида, у аслида нима деб ўйлаётганини айтишга жасорати етмаган бўларди. — Менимча, биз уйга қайтишимиз керак, — дадил якунлади у.

Отаси аввалгидек жилмаярди; тўғриси айтганда, эҳтимол, табассуми унчалик самимий эмасди. У гапни давом эттиришдан аввал гўё фикрларини жамлаб олмоқчи бўлгандай ёзув столи устидаги қоғозларига назар ташлади, бироқ тез орада яна ўғлига қаради.

— Лекин биз уйимиздамиз, Бруно, — мулоимлик билан деди у. — Аж-Вис бизнинг янги уйимиз.

— Биз Берлинга қачон қайта оламиз? — Отасининг сўзларидан Брунонинг юраги орзиқиб кетди. — У ердан анча яхшироқ эди.

— Хўш, хўш. — Отаси Берлинга қайтишни муҳокама қилмоқчи эмаслиги аниқ эди. — Кел, буни муҳокама қилмайлик. Ахир уй — бу шунчаки кўча, шаҳар ёки хатто ғишт ва оҳаддан йиғилган бино эмас-ку. Уй бу оиланг яшайдиган жой, шундайми?

— Ҳа. Лекин...

— Бизнинг оиламиз эса, Аж-Висда. Ergo, бу бизнинг уй.

Бруно ergo нимани англатишини билмасди ва буни билишининг ҳам ҳожати йўқ эди, чунки отасига қандай оқилона жавоб беришни фаҳмлаб бўлганди.

— Лекин бобом билан бувим Берлинда қолишди, — деди у. — Ахир, улар ҳам бизнинг оиламиз аъзолари-ку.

Демак, бу бизнинг уй бўлмайди. Дадаси бошини ён томонга эгиб, ўйланиб қолди. У яна гап бошлашдан олдин анчагина фурсат ўтди.

— Ҳа, Бруно, бу аслида шундай. Лекин сен, мен, онанг ва Гретель — оиламизда энг муҳим кишилар. Биз тўртовимиз ҳам энди шу ерда, Аж-Висда яшаймиз... Бундан хафа бўлишнинг ҳожати йўқ! (Бруно чиндан ҳам хафа кўринарди.) Сен ҳатто атрофни томоша қилишга ҳам улгурмадинг. Бу ерни ёқтириб қолишинг эҳтимолдан холи эмас.

— Ёқмайди, — маъюс жавоб берди Бруно.

— Менга қара... — Отасининг товушида толиққанлик сезилди.

— Бу ерда Карл ҳам, Даниэль ҳам, Мартин ҳам йўқ. Яқинроқда бошқа ҳеч қандай уйлар ҳам, сабзавот ва мевалар сотиладиган дўконлар ҳам, йўлкаларига столчалар қўйилган қаҳвахонали кўчалар ҳам йўқ, шанба кунги бетиним тиқилинчликлар йўқ.

— Бруно, баъзан ҳаётий шароитлар кўнглимизга маъқул бўлмаган ишларни бажаришга мажбурлаб, бизга танлаш имконини қолдирмайди. — Бруно уларнинг суҳбати отасининг жонига тега бошлаётганини англади. — Биз ҳам худди шундай аҳволда қолдик, деб кўрқаман. Мен янги ишни бошладим. Бу муҳим иш. Мамлакатимиз учун муҳим. Сен бир кунмас-бир кун буни тушунасан.

— Мен уйга кетишни хоҳлайман. — Бруно кўзига ёш тўлаётганини сизди. У фақат бир нарсани истарди: отаси бу Аж-Виснинг нақадар мудҳиш эканини ниҳоят англасин ва бу ердан ҳозирок, бутунлай жўнаб кетишга рози бўлсин.

— Биз бу ерда ўз уйимизда эканлигимизни тушунишинг керак, — дея жавоб берди отаси, Брунонинг ҳафсаласини пир қилиб. — Яқин келажакда бошқа ҳеч нима кўринмайди ҳам. Бруно бир лаҳзага кўзини юмди.

Унинг хаётида ўз гапида бундай қатъият билан туриб олиш унча кўп бўлмаган, албатта, у ҳеч қачон отасининг ҳузурига кириб, ўз қарорини ўзгартиришига кўндиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган, бироқ, ҳатто бирга ўйнайдиган ҳеч ким бўлмаган бу даҳшатли жойда яшаш учун қолиш ҳақидаги фикрнинг ўзига ҳаддан ташқари чидаб бўлмасди.

У кўзини очганида, отаси оромкурсида унинг ёнида ўтирарди — Бруно унинг столи ёнидан қандай ўтганини сезмади ҳам. Болакай отаси кумуш тамакидонини қандай очиб, сигарет олгани ва чекишдан олдин уни бармоқлари орасида уқалаётганини кузатарди.

— Эсимда, кичкиналимда, — деди отаси, — мен баъзи нарсаларни қилгим келмасди, лекин отам агар мен бу ишни бажарсам, ҳаммага яхши бўлишини айтган чоғда, мен дадиллик билан буюрган ишларини бажарардим.

— Сиз нима қилгингиз келмасди? — қизиқсинди Бруно.

— Билмадим, — елка қисди отаси. — Гап бунда эмас. Мен шунчаки ёш бола эдим ва мен учун нима яхшилик ва нима ёмонлик келтиришини тушунмасдим. Масалан, баъзан уйда ўтириб, дарс тайёрлашни хоҳламасдим. Мана, ҳозир сенга ўхшаб, ўртоқларим билан ўйнаш учун кўчага чиқишга интилардим, энди эса, ортга қараб, нақадар тентак бўлганимни кўряпман.

— Демак, ҳозир менинг аҳволимни тушунаётган экансиз-да. — Брунонинг кўнглида умид уйғонди.

— Ҳа, лекин мен ўз отам, сенинг бобонгни ҳам шундай тушуняпман. Менга нима фойдалироқ бўлишини у кўпроқ биларди ва агар у керак деб ҳисоблагандек иш тутсам, дарҳол ўзимни енгил ҳис қилардим. Наҳотки, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш талаб этилиши-ю, қачон сукут сақлаб, буйруқларни бажаришни қатъий

фарқлашни ўрганмаганимда муваффақиятга эришардим, деб ўйласанг? А, Бруно?

Бруно атрофга аланглади. Унинг нигоҳи бурчакдаги деразага тушди ва ойна ортидаги қайғули тўсиқ ва симлар манзарасини кўрди.

— Дада, сиз бирон-бир хатога йўл кўйдингизми? — сўради у бироз танаффусдан кейин. — Бу билан Фурорнинг жаҳлини чиқардингизми?

— Менми? — Отаси ҳайрон бўлиб унга тикилиб қолди. — Бу гапни қаердан олдинг?

— Кимнидир хафа қилдингизми? Биламан, сиз муҳим шахслигингизни ва Фурорнинг сизга тегишли катта режалари борлигини ҳамма гапиряпти, бироқ, агар у сизни бирон-бир иш учун жазоламоқчи бўлмаганида, шундай жойга сизни юборармиди?

Отаси кулиб юборди, Бруно янада кўпроқ ранжиди: у саволлар бериб бирон нарсани аниқлашга уринаётган чоғда катталар уни мазах қилиб, устидан кулишлари болакайнинг ғазабини кўзгарди.

— Сен менинг янги лавозимим аҳамиятини англама-япсан, — деди отаси.

— Менимча, биз чиройли уйимиз ва дўстларимизни ташлаб, мана шу ярамас жойга кўчиб келишга мажбур бўлган эканмиз, демак, сиз унча яхши ишламагансиз, деб ўйлайман. Сиз ниманидир нотўғри бажаргансиз ва Фурорнинг ёнига бориб, ундан кечирим сўрашингиз керак ва шунда балки ҳаммаси жойига тушар. Агар сиз чин дилдан пушаймон бўлсангиз, у сизни кечиради.

Бруно отасига айтадиган гапларини яхшилаб ўйлаб олишга улгурмагани, лекин бу сўзлар оғзидан чиқиб кетиб бўлди. Энди уни оталарга бундай гаплар айтилмасди, шекилли, деган гумонлар қамраб олди. Бироқ, айтилган сўз — отилган ўқ. Энди бу сўзларни ортга қайтариб бўлмайди. Бруно кўркув билан ютинди. Отаси индамай

қолди ва бир неча сониядан кейин Бруно унга зимдан қаради — отасининг юзи тошдай қотган ва ўғлига тикилиб қолганди. Болақай лабларини ялаб, ўтирилди. У отаси билан кўз уриштириш ўйини ўйнайдиган вақт эмаслигини ҳис этарди.

Оғир сукунат икки-уч дақиқа давом этди, кейин отаси оромкурсидан секин туриб, ўзининг иш жойига йўналди, у сигаретини қулдонда қолдирганди.

— Қизиқ, бу нима эди: сен томонингдан жасурликми ёки бор-йўғи беҳурматликми? — Отасининг товуши худди у ўзи билан ўзи гаплашаётгандай сокин ва осойишта эшитиларди. — Эҳтимол, сени мақтаб қўйишим керакдир.

— Мен сизни хафа қилмоқчи...

— Лекин ҳозир сен жим туриб, мени эшитасан, — овозини хиёл баландлатиб гапни бўлди отаси, ахир туппатузук оилада қабул қилинган қоидалар унга тааллуқли эмасди. — Мен сенинг туйғуларингни аямоқчи эдим, Бруно, чунки кўчиб келиш сен учун оғир бўлганини тушунаман. Гарчи ёш ва тажрибасиз бўлганинг сени номуносиб сўзларни айтишга рағбатлантирган бўлса-да, диққат билан гапларингни эшитдим. Сенинг ҳеч бир қўпол гапларингга муносабат билдирмаганимни пайқаманган бўлишинг мумкинмас. Лекин шундай фурсат етиб келдики, сен шунчаки кўникишинг керак бўл...

— Кўникишни истамайман! — қичқирди Бруно ва эсанкираб кўзини пирпиратиб юборди. У бунақа қичқириб юборишини ўйламаганди ҳам. У ўзига ўзи хайрон қоларди.

Бруно ҳар эҳтимолга қарши қочиб кетишга ҳозирланиб турарди. Лекин, афтидан, бугун отасини ҳеч нарса билан аччиғини чиқариб бўлмасди, агар Бруно ростини айтадиган бўлса, отасининг камдан-кам аччиғи чиқишини тан олган бўларди; аксинча, у жуда сокин ва

бепарво бўлиб кўринар, натижада доимо устун келарди. Мана, ҳозир ҳам отаси ўғлига бақириб, кейин уни уй бўйлаб қувлаб юриш ўрнига, баҳс тугаганини билдириб, бошини чайқади, холос.

— Сен ўз хонангга қайтақол, Бруно. — Отасининг гап оҳанги эътироз билдириш бефойдалигини англади.

Бруно ноиложликдан йиғлаворай деб, ўрнидан турди. У эшик тагида бир тўхтаб ўтирилди ва охириг саволини бермоқчи бўлди.

— Дада... — дея энди гап бошлаганди.

— Бруно, мен истамайман... — асабийлашиб унинг сўзини бўлди отаси.

— Мен сиздан бошқа нарса ҳақида сўрамоқчи эдим, — шошилиб деди Бруно. — Бутунлай бошқа нарса ҳақида.

Отаси хўрсинди, бунинг маъноси: Брунонинг савол беришига рухсат берилгани, лекин барча баҳсларга чек кўйилишини билдирарди.

Бруно ўз саволини яхшилаб ўйлаб кўриб, сўзларни синчиклаб танлади, уни кўполлик ва безбетликда айб-лашларини хоҳламасди.

— Бу ерда яшайдиган одамлар ким?

Савол отасини бир оз ўйлантириб қўйди.

— Ҳарбийлар, Бруно. Ва котиблар. Менинг қўл остимда ишлайдиганлар. Сен уларнинг деярли ҳаммаларини илгари ҳам кўргансан.

— Йўқ, мен улар ҳақида эмас. Менинг хонам деразасидан кўринган одамларни сўраяпман. Ўша ерда, сал наридаги шундай узунчоқ пастак уйлардаги ҳаммаси бир хил кийиниб олган одамлар ким?

— Ҳа, уларми? — Отаси қўл силкиди ва қисқароқ кулди. — Бу одамлар... Биласанми, Бруно, улар умуман одамлар эмас.

Бундай бурилишни Бруно сира кутмаганди ва отаси нимани назарда тутаётганини умуман англамади.

— Шунақами? — дея олди у.

— Ҳар ҳолда, бизнинг тушунчамизда эмас, — сўзида давом этди отаси. — Уларнинг борлиги сени безовта қилмасин. Сенга уларнинг сира алоқаси йўқ. Улар билан сенинг ҳеч қандай умумий жихатинг йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Янги уйга кўникиб яшаб, ўзингни яхши тут — сендан сўрайдиганимнинг бор-йўғи шу. Сен тушиб қолган вазиятта кўникиб кетсанг, ўзингни анча енгил сезасан.

— Хўп, дада, — деди Бруно. Отасининг тушунтириши уни қониқтирмади. У эшикни очди, лекин уни чақириб қолишди. Отаси гўё ўғли ниманидир унутгандек қошини чимириб, унга қараб турарди. Отаси белги берган заҳоти ёдлаб олган сўзларни катталардек айтиши кераклиги ёдига тушди.

У қаддини ғоз тутиб, ўнг кўлини кескин кўтариб, пошналарини шиқиллатди ва имкони борича отасига ўхшашга интилганча, ҳар доим ҳарбийлар билан хайрлашадиган худди ўша сўзларни аниқ ва равон талаффуз этди.

— Хайл Гитлер!

Брунонинг тасаввурида бу “Хўш, хайр ва омон бўлинг!” дейишнинг яна бир усубли эди.

Олтинчи боб

УЛАРГА ҚИММАТГА ТУШАЁТГАН ОҚСОЧ

Икки кундан кейин Бруно ўз хонасида каравотда шифтга қараб ётарди. Оҳаклари дарз кетиб, бўлаклари майдаланиб тўкилиб тушарди. Уларнинг Берлиндаги уйида бунақа бемаънигарчилик ҳеч қачон бўлмаган. У ерда бўёқ ҳам, оҳак ҳам тўкилиб тушмас, ҳар йили янгилашиб, оқлаб туриларди. Бруно ётган кўйи исбосган ёриқларга тикилиб, уларнинг оралиқларида нимадир яширинганини кўришга уринарди. Унга шифт билан оҳак орасидаги ёриқларда ҳашаротлар ҳаёт кечирадигандек туюлар, улар шифтдаги синиқларни кечириб, ташқарига бир амаллаб ўрмалаб чиқиб, дераза орқали қочиб кетмоқчи бўлсалар керак. Ҳеч ким, ҳатто ҳашаротлар ҳам Аж-Висда яшашни хоҳламаяпти.

— Бу ерда ҳаммаси жуда ҳам ёмон, — баланд овозда деди у, гарчи уни ҳеч ким эшитмаётган бўлса ҳам. Лекин ўз фикрларини овоз чиқариб айтганидан у ўзини қандайдир энгилроқ сезарди. — Бу уйни кўргани кўзим йўқ. Бу хонани ёмон кўраман, оҳакларини ҳам ёмон кўраман. Бу ердаги ҳамма нарсадан нафратланаман. Ҳаммасидан.

У гапини тутатиши билан хонага унинг ювиб, қуритиб ва дазмолланган бир тахлам кийимларини қўтариб Мария кириб келди. Бруно каравотда ётганини кўриб, у қатъиятсиз тўхтаб қолди, кейин индамасдан ерга қараганча жавонга йўналди.

— Хайрли кун, — деди унга Бруно.

Гарчи оқсоч билан суҳбатлашиш дўстлари билан валақлашишга унчалик ўхшамаса ҳам, бироқ бошқа гаплашадиган кишиси йўқ ва ўзи билан ўзи сўзлашгандан кўра, бирон суҳбатдош топган маъқул. Гретель қайгадир йўқолиб қолганди, Бруно зерикишдан жинни бўлиб қолмасам бўлди, дея ташвишлана бошлаганди ҳам.

— Салом, Бруно, — деди Мария, унинг кийимларини — майка, шим, ички кийимларини — ҳар хил тортма ва токчаларга тахлаб қўяркан.

— Ҳаётимизга доир ўзгаришлар сени ҳам худди мен каби қувонтирмаётган бўлса керак, — деди Бруно. Мария ўтирилди. Унинг юз ифодасига кўра, болакай нима демокчилигини аёл тушунмаётганди. — Манавиларнинг ҳаммаси, — изоҳ берди Бруно, каравотига ўтириб оларкан ва қўлини айлантириб хонани кўрсатаркан. — Бу ердагиларнинг ҳаммаси. Жуда расво, тўғрими? Бу жойдан кўнглинг беҳузур бўлмаяптими?

Мария нимадир демокчи бўлди-ю, бироқ мос сўзларни топишга уриниб, ўйланиб қолди, сўнг лабларини маҳкам қимтиб, индамай қўя қолди. Бруно аёлни деярли бутун умри давомида биларди — у уч ёшдалигида уларникига ишга келганди, — умуман айтганда, улар чиқишардилар, бироқ Мария ҳеч қачон ҳеч қандай тирик жон белгисини намоён этмасди. У шунчаки ишларди, мебелларни тозаларди, кир юварди, озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ва овқат пиширишга қарашар, баъзан уни мактабга олиб бориб, олиб келиб қўярди. Ростини айтганда, бу иш Бруно саккиз ёшга тўлгунича давом этди ёш; тўққиз ёшга тўлганидан кейин эса, у мактабга мустақил тарзда бориш ва қайтиш учун ўзини етарли даражада катта бўлиб қолган деб ҳисобларди.

— Нима, сенга бу ер ёқмаяптими? — ниҳоят Мария овоз берди.

— Ёқмаяптими? — Бруно ўзини зўрлаб кулди. — Ёқмаяптими? — такрорлади у баландроқ овозда. — Албатта, ҳа! Бу ер расво жой. Қиладиган ишим йўқ, гаплашадиган одам йўқ, ўйнайдиган ҳеч ким йўқ. Наҳотки бу ерга кўчиб келганимиздан хурсанд бўлсанг? Хурсандми-сан? Сира ҳам ишонмайман!

— Менга Берлиндаги боғ етишмаяпти, — жавоб берди Мария бутунлай бошқа саволга. — Баъзида, ҳаво илиқ бўлганида, тушлик пайтида ҳовуз бўйидаги печаклар қоплаган айвончада ўтиришни ёқтирардим. У ерда жуда ажойиб гуллар бўларди. Ифорлар ҳам. Гуллар узра боларилар ғужгон ўйнар, бироқ уларга тегмаса, одамларни ҳеч қачон безовта қилишмасди.

— Демак, бу ер сенга ёқмайдими? — суриштирарди Бруно. — Сенга бу ерда худди мен каби ёмонми?

Мария хўмрайиб олди.

— Бу муҳим эмас.

— Нима муҳим эмас?

— Менинг фикрим.

— Албатта, муҳим, — Брунонинг жаҳли чиқиб кетди. Аёл уни худди атайлаб асабига тегаётгандай туюлди. — Ахир сен оиламиз аъзосисан-ку, тўғрими?

— Отанг бу фикрга қўшилишига ишончим комил эмас. — Брунонинг сўзлари аёлга таъсир қилди ва у ҳатто жилмайиб қўйди.

— Демак, гап бундай. Бу ерга сени ҳам худди мен каби хиҳишингга қарши олиб келишди. Гапларимни эшит: биз ҳаммамиз бир қайиқдамиз ва бу қайиқ сузиб бораётгир.

Бир лаҳзага Брунога гўё мана ҳозир Мария аслида нима деб ўйлаётганини рўйи-рост айтадигандек кўринди. У тахланган кийимларни каравотга қўйиб, худди уни нимадир қаттиқ ғазаблантиргандек бармоқларини мушт қилиб тутди. Бир нима дейишга оғиз жуфтлади-ю, гўё

ўзига эрк бериб айтиб юборишдан қўрққандек, индамай қотиб қолди.

— Илтимо, Мария, индамай турма, — ялинди Бруно.
— Ахир, агар ҳаммамизнинг гапимиз бир жойдан чиқса, бизни уйга жўнатишга отамни кўндира олардик.

Оқсоч миқ этмай, тескари ўтирилиб, бошини маъюс чайқади, кейин эса яна Брунога қаради.

— Отанг ҳаммамизга яхшиликни раво кўради. Сен унга ишонишинг керак.

— Лекин унга қандай қилиб ишона оламан? — эътироз билдирди Бруно. — Менимча, у жуда катта хатога йўл қўйди.

— Шундай бўлсин ҳам, бироқ биз ҳукм чиқаролмаймиз.

— Мен хато қилганимда, мени жазолашади, — тинчимасди Бруно. Бундан чиқди, болалар бажариши мажбур бўлган қоидаларнинг катталарга алоқаси йўқ эканда (гарчи ўша қоидаларни айнан ўзлари жорий этган бўлсалар ҳам), мана шундай ҳолат Брунонинг жаҳлини чиқарарди. — Дадам — аҳмоқ, — қўшиб қўйди у секингина.

Мария сесканиб тушди, кейин Бруно томонга қадам ташлаб, қўрққанидан унинг оғзини кафти билан тўсди. У йўлақда ҳеч ким йўқлигига ва Брунонинг сўзларини ҳеч ким эшитмаганига ишонч ҳосил қилиш учун эшикка қараб қўйди.

— Ўз отанг ҳақида ҳеч қачон бундай дея кўрма.

— Нимага энди? — Бруно айтган сўзларидан бир оз хижолат тортган бўлса ҳам, лекин модомики, унинг нимани ўйлаётгани ва ҳис қилаётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ экан, у индамасдан ўтириб, тобеларча насиҳат эшитмоқчи эмас эди.

— Чунки отанг яхши инсон. У яхши одам. У ҳаммамизга ғамхўрлик қилади.

— У бизни мана шу ёввойи жойга зўрлаб олиб келди. Ва сен буни “ғамхўрлик” деб атайсанми?

— Отанг ўз ҳаётида кўп ишларни амалга оширди. Сен у билан фахрлансанг бўладиган кўп иш қилди. Агар у бўлмаганида, мен ҳозир қаерда бўлардим?

— Қаерда бўларди, Берлинда-да, — тушунтирди Бруно. — Яхши уйда ишлаётган бўлардинг. Печак остида тушлик қилиб, асалариларга ҳам озор бермас эдинг.

— Сизларникига қандай келганим ёдингдами? — сўради Мария секингина, унинг каравоти четига ўтираркан, илгари сираям бундай қилмасди. — Қолаверса, сен қаердан ҳам эслардинг, ахир жудаям кичкина эдинг-ку. Мен ёрдамга муҳтожлигимда, сенинг отанг мени ҳайдаб юбормади, балки ёрдам берди. Менга иш, уй, овқат берди. Ейдиган ҳеч вақо йўқлиги қандай бўлишини сен ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсан. Ахир сен ҳеч қачон оч қолмагансан-ку, тўғрими?

Бруно қовоғини уйиб олди. Ҳозир у жон деб ул-бул еб олган бўларди-ю, бироқ, Марияга қараб, тўсатдан у ҳақида ҳеч нимани билмаслиги, хойнаҳой, унинг ҳам ўз ҳаёти борлиги, бу ҳаётнинг ўз тарихига эга эканлигини англаб, егулик тўғрисида унутди. Унинг учун аёл ҳар доим фақат оиласидаги оқсоч эди, у илгари ким бўлганини эса, болакай билмасди. У аёлни бошқача, ҳатто оқсочларнинг формасидан ўзгача кийинганини ҳам ҳеч қачон кўрмаганди. Лекин, агар мана шундай ҳозир у фикрлаётгандай ўйлаб кўрилса, ҳаммаси ойдинлашади: унинг ҳаёти фақат хизматкорнинг мажбуриятларидангина иборат бўлолмайди. Хойнаҳой, унинг миясида ҳам ўзи каби қандайдир фикрлар мавжуд бўлса керак. У ҳам бирон-нимани соғинар; масалан, ўзи каби узоқ муддат кўришмаган дўстларини кўргиси келар. Бу ерга келганидан буён ухлашдан олдин худди ёш боладай ёстикқа мук тушиб ҳўнграб йиғлаши ҳам эҳтимолдан холи эмас (бунинг Брунога алоқаси

йўқлиги тушунарли, у йиғлаш учун жуда катта бўлиб қолган ва мардона эркак). Мария ҳам анча келишган аёл, деб кўнглидан ўтказди Бруно ва ўзини ғалатироқ ҳис қилди.

— Онам отангни ҳали болалик чоғиданоқ биларди, — шошмай давом этди Мария. — У бувингнинг кўлида ишларди. Бувинг ёшлигида Германия бўйлаб гастролга чиққанида, унинг либосларини тикувчи чевар бўлган. Онам унинг концертлари учун кийимларни тайёрлар — ювиб, дазмоллаб, тикиб-чатарди. Ҳар битгаси ниҳоятда ажойиб кўйлақлар, уларнинг қандай тикилганини айтмайсанми, Бруно! Ҳар битгаси санъат асари. Энди бундай тикувчиларни излаган билан топиб бўлмайди. — У ўз хотираларидан яйраб жилмайиб кўйди. Бруно сабртоқат билан эшитиб, уни шоширмасди. — Бувинг томошадан олдин пардозхонасига кирганида, кўйлақлари тартиб билан осилган бўлиб, уни кутишарди. Кейин бувинг қариб қолди, концерт беришни бас қилди. Онам у билан кўришиб турарди, албатта, ва ундан озроқ нафақа олиб турарди. Бироқ ўша даврлар оғир бўлган, ўшанда иш топиш маҳол эди, отанг эса менга иш таклиф қилди. Тахминан ярим йил ўтгач, онам жиддий хасталаниб қолди, уни парваришлаб қараб ўтиришга зарурият туғилди, гарчи бундай йўл тутишга мажбур бўлмаса ҳам, отанг ҳамма ишларни ташкил қилди. Онам унинг онасининг дугонаси бўлгани туфайли у касалхона харажатларини ўз хамаёнидан тўлади. Худди шу сабабга кўра, у мени ўз уйига ишга олди. Онам вафот этганида эса, дафн этиш харажатларининг ҳаммасини ўз зиммасига олди. Шу боис уни тентак дема, Бруно. Ҳар қалай, менинг олдимда айтма. Буни ман этаман.

Бруно лабини тишлади. У Мария Аж-Висдан жўнаб кетишда ўзини қўллаб-қувватлайди, деган умидда эди, бироқ у аслида кимга содиқлигини тушунди. Ростини

айтганда, Мария ва унинг онасига нисбатан отаси ўзини қандай тутганидан, ҳатто ғурурланиб кетди.

— Шу, — дея чўзилди у, нима дейишни ҳам билмай, — у тентак бўлиб кўринмаслик учун яхши иш қилган экан.

— Ҳа. — Мария ўрнидан турди, омборлар ва уларнинг атрофида одамлар кўриниб турган дераза ёнига борди. — У менга доимо яхши муносабатда бўлган, — деди аёл, узоқдаги пойжомали одамлар ва ўз хизмат бурчини бажараётган аскарларга қараб. — У жуда кўнгилчан, меҳрибон одам, бу рост гап, шу боис мен сира тушунмайман... — У боягидай йирокқа қараб турарди. Тўсатдан унинг овози титраб, жим бўлиб қолди; у кўз ёшларини тийиб тургандек туюларди.

— Нимани тушунмайсан? — сўради Бруно.

— Нимага энди у... Қандай қилиб...

— Нимани қандай қилиб? — тинчимасди Бруно.

Пастда эшик тарақлаб ёпилди — шундай қаттиқ тарақладики, гўё милтиқ отилгандек, бутун уй титраб кетди. Бруно бир сакраб тушди. Мария эса қичқириб юборди. Кейин улар қадам товушларини эшитишди: кимдир оғир одимлаб зинадан чиқиб келарди. Қадамлар яқинлашарди, шунда Бруно каравотга қайтиб чиқиб, деворга суюниб олди, гўё унга жазо таҳдид қилаётгандек, бирдан кўрқиб кетди. У муқаррар балони сезаётгандек нафасини ютиб турди — лекин бу Гретель бўлиб чиқди, холос. Қиз қия очиқ эшикдан бош суқиб мўралади ва укаси оқсоч билан суҳбатлашиб ўтирганини кўриб, ҳайрон қолди.

— Бу ерда нима бўляпти? — қизиқсинди Гретель.

— Ишинг бўлмасин, — тўнгиллади Бруно. — Сенга нима керак? Йўқол бу ердан.

— Ўзинг йўқол, — дея гап қайтарди Гретель, гарчи ўзи укасининг хонасида турган бўлса ҳам. Кейин кўзини

қисиброқ оқсочга тикилиб қаради. — Менга ваннани тўлдириб берасанми, Мария, майлими?

— Нимага ваннага ўзинг сув тўлдирмайсан? — деди жаҳли чиқиб Бруно.

— Чунки бизнинг оқсочимиз бор. — Гретель тушунмаётгандек укасига тикилиб қаради. — Уни шунинг учун ишга олишган.

— Уни айнан шу ишни бажариш учун олишмаган, — дея ҳайқирди Бруно. У каравотдан дик этиб тушиб, опаси томон юрди. — У бу ерда ҳамма ишларни бизнинг ўрнимизга бажариши учун ишга олинмаган. Айниқса, ўз кўлимиз билан бажарса бўладиган ишлар учун.

Гретель укасига гўё у ақлдан озгандек қараб, кейин нигоҳини Марияга қадади. Оқсоч аёл шошганча бош ирғади.

— Албатта, Фрейлейн Гретель. Мен укангизнинг кийимларини жой-жойига тахлаб бўлгач, дарҳол ёнингизга бораман.

— Узоқ кутишимга тўғри келмайди, деган умиддаман.

Бу гап кўпол чиқди. Қолаверса, Брунодан фарқли ўлароқ, Мария ҳам инсонлиги ва унда ҳам худди Гретелнинг ўзи каби ҳис-туйғулари борлиги ҳақида мушоҳада юритишга ҳали улгурмаганди. Опаси шаҳдам қадамлар билан ўз хонасига чиқиб, эшикни зич ёпиб олди. Мария унинг ортидан қарамади, аммо оқсочнинг икки юзи қизариб кетганди.

— Мен ҳанузга қадар у мудҳиш хатога йўл қўйган, деб ўйлайман, — деди Бруно ярим шивирлаб.

У опасининг қилиғи учун узр сўрамоқчи эди, бироқ буни қандай уддалашни билмасди. Бундай вазиятларда у доимо ўзини ноқулай сезарди, чунки қалбининг туб-тубидан ҳамма билан, сенинг учун ишлаётган хизматкор билан ҳам мулойим муносабатда бўлиш кераклиги-

га ишончи комил эди. Ҳар ҳолда, ижобий хулқ-атворни ҳали ҳеч ким бекор қилмаган.

— Мабодо, ҳатто сен шундай ўйласанг ҳам, бу ҳақда овоз чиқариб айтма, — шивирлади Мария, унга яқинлашиб. Болакайнинг гапига қулоқ солишига эришмоқчилиги равшан эди. — Гапирмайман, деб менга ваъда бер.

— Лекин нима учун? — ранжиди Бруно. — Мен фақат ўйлаганимни айтаман. Бунга ҳаққим бор-ку, ахир, ёки йўқми?

— Йўқ. Ҳаққинг йўқ.

— Нимани ўйласам, шуни гапирсам бўлмайдимми? — Бруно ўз қулоқларига ишонмасди.

— Йўқ, — таслим бўлмасди Мария. У энди шивирламас, вишилларди. — Жим бўл, Бруно. Сен ҳаммамизга қанча кулфат келтиришинг мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмайсан. Ҳаммамизга.

Бруно кўзларини катта-катта очганча оқсочга тикилиб қолди. Унинг нигоҳида телбанамо ташвишга ўхшаган нимадир сизиб ўтар, буни болакай аввал сира пайқамаганди ва ғалати аҳволга тушди.

— Бўпти, — дея ғўлдиради у, эшик томонга йўналаркан. У тўсатдан оқсоч билан гаплашгиси келмай қолди.

— Мен бор-йўғи бу ер менга ёқмаётганини айтдим, холос. Сен буюмларимни жойлаётганигда, у ёқ-бу ёқдан гаплашиш керак эди-ю, ахир. Қочиб кетмоқчимасман, ва умуман, миямда бундай фикр йўқ. Мабодо қочиб кетганимда ҳам, бу энг тўғри фикр бўларди.

— Ҳа, бўлмасам-чи, онанг билан отанг сендан хавотирланиб, жинни бўлиб қолишарди, — деди Мария. — Бруно, ақалли жиндек ақлинг бўлса, жимгина юр. Дарсинг билан машғул бўлиб, отангнинг гапига кир. Буларнинг ҳаммаси тугамагунга қадар, ҳаммамиз эҳтиёт

бўлишга мажбурмиз. Ҳар ҳолда, мен айнан шундай йўл тутмоқчиман. Биз нима ҳам қила олардик? Ҳеч нарсани ўзгартири олмаймиз.

Тўсатдан ва мутлақо тушунтириб бўлмас даражада, Бруно жудаям йиғлаб юборгиси келди. Нимага бундай бўляпти, хайрон бўлди Бруно ва Мария ҳеч нимани пайқаб қолмасин, деб кўзини тез-тез пирпиратди. Бироқ унинг нигоҳи Марияники билан тўқашганида, ҳойнаҳой, бугун ҳавода ғалати нарсалар учиб юргандир, деб ўйлади — оқсочнинг ҳам кўзи ёшга тўлганди. Бруно бутунлай хижолатда қолди ва оқсочга орқа ўгирганча хонадан чиқа бошлади.

— Қаёққа кетяпсан? — чақирди уни Мария.

— Кўчага, — деди Бруно. — Хоҳлаган жойимга кетавераман.

У оёғини аранг судрарди, бироқ хонадан чиқиши билан қадамини тезлатди. Мабодо уйдан ҳозироқ чиқиб кетмаса, ҳушидан кетиб йиқилиб қоладигандек бор кучи билан зинадан югуриб тушарди. Саноқли сониялардан кейин у ташқарига чиқиб, ҳовлида доира бўйлаб чопа бошлади. У бир ерда тура олмасди, бетиним, чаққон ҳаракатланиши ва ўзини чарчатиши керак эди. Брунонинг нигоҳи дарвозага тушди, унинг ортида уйига жўнаб кетадиган поездлар станциясига борадиган йўл бошларди, аммо мана шу йўлга чиқиб, қочиб кетиш ва кейин бу оламда ёлғиз кезиб юриш ҳақидаги фикр уни бу ерда қолишдан кўра янада кучлироқ эзарди.

Еттинчи боб

ОНАСИ ЎЗГАЛАР ХИЗМАТИНИ ҚАНДАЙ ЎЗЛАШТИРИБ ОЛДИ

Кунлар, ҳафталар ўтиб борар, Берлинга қайтиш тўғрисида ҳеч ким оғиз ҳам очмас, Карлми, Даниэлми ёки Мартиннинг меҳмонга келиши ҳақида Бруно ҳатто орзу ҳам қилолмасди. Шу боис у ўзини қандайдир овутиши керак, акс ҳолда, секин-аста ақлдан озишим ҳеч гапмас, деган қарорга келди.

Бруно ақлдан озган бир кишини биларди, унинг исми герр Роллер эди. У тахминан отаси тенги бўлиб, Берлинда улар билан бир кўчада, муюлишдан кейинги уйда яшар эди. Кўпинча герр Роллерни кўчанинг у бошидан бу бошига қайта-қайта одимлаб юрганини кўришарди; у соатлаб ўзи билан ўзи баҳслашиб, кеча-ю кундуз шундай юра оларди. Баъзан баҳсга киришиб кетиб, тош девордаги ўз соясини ҳам уриб дўппослашга уринарди. Герр Роллер баъзан шундай жазавага тушардики, ерга ётқизилган ғиштин йўлакни қўллари қонаб кетгунга қадар муштларди, шундан кейин тиз чўкиб бақириб йиғлар, ўзини ўзи шапалоқлаб урарди. Бруно тилга олиши жуда қаттиқ тақиқланган ўша сўзлар ҳам қулоғига чалиниб қолар, бу сўзларни эшитган Бруно ҳиринглашни бас қиларди.

— Бечора герр Роллернинг устидан кулиб бўлмайди, — деди онаси бир куни, ақлдан озган кишининг охириги қилиғини тасвирлаб берган Брунога.

— У жинни-ю, ахир. — Бруно герр Роллернинг ақли ноқислигига ишончи комил эканини имо-ишоралар билан маъқуллаб, бармоғини чаккасига қўйиб айлантирганча хуштак чалганди. — Кеча у мушук ёнига бориб, уни чойга чақирди.

— Мушук-чи, нима деб жавоб берди? — сўради Гретель, ошхона столи ёнида нонга сариеғ сураётиб.

— Ҳеч нима, — деди Бруно. — Ахир у мушук-ку.

— Барибир унинг устидан кулмаслик керак, — жиддий оҳангда такрорлади онаси. — Францни болалигидан танийман, у жуда яхши йигит эди. Мехрибон, эътиборли, рақсга эса, Фред Астердан ҳам ёмон тушмасди. Бироқ Буюк уруш вақтида у бошидан яраланди, шу боис шунақа бўлиб қолди. Бунинг ҳеч қандай кулгили ери йўқ. Ўша пайтдаги йигитлар бошидан нима кечирганлари, қандай азият чекканлари тўғрисида тасаввур ҳам қилолмайсиз.

Ўшанда Бруно олти ёшда эди ва у қандай уруш ҳақида гап бораётганини элас-элас тасаввур қиларди.

— Уруш кўп йиллар аввал бўлиб ўтган, — изоҳ берди онаси унинг саволига жавобан. — У пайтда сен ҳали дунёга келмагандинг ҳам. Франц окопларда жанг қилганлардан бири эди. Отанг ўшанда уни яхши биларди. Улар бирга хизмат қилишган, шекилли.

— Отам билан-чи, ҳеч нима рўй бермадимми? — сўради хавотирланиб Бруно.

— Ҳозир гап бу ҳақда эмас, — қўл силтади онаси. — Ва умуман, уруш — суҳбатлашиш учун тўғри келмайдиган мавзу. Ростини айтсам, яқинда бизнинг бошқа мавзумиз ҳам бўлмайди, деб қўрқаман.

Ўшандан буён уч йил ўтди. Бруно герр Роллерни унчалик кўп эсламасди, бироқ ҳозир у биронта арзигулик иш билан машғул бўлмаса, ўз фикрларини бирон нарса билан банд этмаса, кўчалар бўйлаб ўз сояси билан уриш-

ларни бошлаб, изғиб юрган мушукларни зиёфатларга таклиф этиб санғиб юришни бошлаганини ўзи ҳам сезмай қолишига қатъиян ишончи комил эди.

Бруно қандайдир тарзда ўзини машғул этиш мақсадида шанба кунини янги аттракцион куришга бағишлади. Уйдан сал нарида, Гретелнинг деразаси қараган томонда жуда қалин пояли баҳайбат эман дарахти ўсарди. Кичкина болакайни кўтара оладиган, анча маҳкам шохлари тарвақайлаган бақувват дарахт жуда қари кўринарди. Бруно уни яқинда мактабда ўргана бошлаган ва жуда қизиқарли деб ҳисоблаган тарих дарсида узоқ ўрта асрларда экилган, деб ўйлади; айниқса, денгиз ортидаги ерларда саргузашт излаган рицарлар ҳақида сўзлаб беришганда, улар қаерга бормасинлар, доимо қандайдир қизиқарли ниманидир топишга муяссар бўлишарди.

Ушбу аттракционни куриш учун унга атиги иккита нарса — арқон билан ғилдирак талаб этиларди. Арқон осонгина топила қолди — уйнинг ертўласида арқон тиқилиб ётарди. Бруно ўзини хавфга қўйиш, яъни ўткир пичоқни олиб, керакли арқон кесишдан аввал унчалик узоқ ўйлаб ўтирмади. У топилмасини эман олдиға олиб бориб, ўтлар орасига яшириб қўйди. Ғилдирак топиш мураккаброқ эди.

Ўша шанба куни уйда на отаси, на онаси бор эди. Онаси эрта тонгданоқ уй жиҳозларини янгилаш учун қўшни шаҳарчага кетганди. Отаси эса, Бруно деразадан кузатган узун қурилмалар ва одамлар томонига кетганди. Бироқ уй олдида, одатдагидай, жуда кўп ҳарбий юк машиналари турар ва гарчи уларнинг ғилдирагини ечиб олиш имкони бўлмаса ҳам, қаердадир захира ғилдирак топиш мумкин эди.

Бруно кўчада Гретель лейтенант Котлер билан валақлашиб турганини кўриб, ҳеч қандай иштиёқсиз

унга маслаҳат сўраб мурожаат этишга қарор қилди. Лейтенант Котлер Бруно Аж-Висга етиб келган биринчи куни учратган ўша ёш зобит эди, — ўшанда у кутилмаганда унинг иккинчи қаватида пайдо бўлиб қолиб, унга диққат билан тикилиб, шундан кейин ўз йўлига кетганди. Ўшандан буён Бруно у билан бир неча марта тўқнашиб қолди — лейтенант гўё шу ернинг хўжайинидек уй бўйлаб гердайиб юрар, отасининг кабинетига эса, истаган пайтда кирарди, — лекин улар кам гаплашишганди. Бруно сабабини унча тушунмаса ҳам, лекин лейтенант Котлер унга ёқмасди. Унинг турки совуқлигидан, Бруно у бор жойда иссиқ свитер кийиб олгиси келарди. Шундай бўлса-да, мурожаат этадиган бошқа ҳеч ким йўқ эди ва Бруно лейтенантнинг ёнига бир оз тайсалланиб борди. Энг муҳими, саломлашиш учун руҳан тетиклашиб олса, бас, қолгани эса ўз-ўзидан бўлаверади.

Лейтенант одатда жуда ораста кийинарди ва шунчаки қойилмақом кўринишда бўлиб, формаси эгнида тинимсиз дазмолланавериладигандек туюларди. Унинг қора этиклари ялтирагунча тозаланган, фарқи чеккасидан очилган сариқ сочлари эса қандайдир восита суртиб қотирилган, унда қолган тароқ излари туфайли Котлернинг боши эндигина ўриб олинган далани эслатарди. Бунинг устига, лейтенант ўзига шунчалик кўп одеколон сепардики, уни узоқдан ҳидидан таниб олиш мумкин эди. Бруно хушидан кетиб йиқилиб қолишидан хавотирланиб, Котлернинг ёнида шамол эсадиган томонда туришдан ўзини олиб қочарди.

Бироқ ўша куни лейтенантнинг кўриниши унчалик зўр эмас эди. Шанба куни бўлиб, қуёш ёрқин нур сочарди. Унинг эгнида шим билан оқ майка, сочи эса пешонасига тушганди. Лейтенантнинг қўллари қуёшда қорайган, мушаклари эса, Брунонинг ҳавасини келтирадиган даражада эди. У анча ёшроқ кўринарди ҳам. Бру-

но ҳатто ҳайрон қолди — лейтенант унинг мактабидаги ўша ўзидан нарироқ юришини хоҳлайдиган юқори синф ўқувчиларига ўхшарди. Котлер Гретель билан қизгин суҳбатлашар ва унинг гаплари ғаройиб даражада кулгили бўлса керак, Гретель бир тутам сочини бармоғига ўраб, баланд овозда куларди.

— Хайрли тонг, — саломлашди Бруно, уларга яқинлашаркан.

Опаси унга асабий қаради.

— Сенга нима керак?

— Менга ҳеч нима керак эмас, — шу заҳоти тутоқиб кетди Бруно. — Шунчаки саломлашай деб келдим.

— Укамни афв этинг, Курт, — деди Гретель лейтенант Котлерга. — Биласизми, унинг ёши атиги тўққизда.

— Яхшимисан, катта одам. — Котлер қўлини чўзди ва Брунонинг жиғига тегиб — сочини ҳурпайтириб қўйди. Бундай қилиғи учун Бруно лейтенантни ерга ағдариб, жон деб бошида ирғишлаган бўларди. — Шанба қуни азонлаб туриб олишга сени нима мажбур қилди?

— Ҳозир эрта эмас, — жавоб берди Бруно. — Соат ўн бўлиб қолди.

Лейтенант Котлер мийиғида кулиб қўйди.

— Сендайлигимда, дам олиш кунлари онам мени уйғотолмасди, тушдагина турардим. Онам мен бутун умримни ухлаб ўтказишим ва ҳеч қачон катта ва кучли бўлмаслигимни айтарди.

— Нима ҳам дердим, у янглишганга ўхшайди, — гап қўшди Гретель сохта ширали овозда.

Бруно опасига нафратли нигоҳини қадади. Нима учун у худди мияси йўқ тентакдай бундай овозда гапир-япти? Бруно шартга ўгирилиб кетвормоқчи ва уларнинг суҳбатига аралашмай жўнавормоқчи бўлди, лекин нима ҳам қиларди: унинг мавжуд қизиқишлари лейтенант Котлердан дўстона хизмат сўрашини талаб этарди.

— Айтинг-чи, сиздан бир нарсани сўрасам бўладими?

— Ҳар доим сўраса бўлади, — жавоб берди Котлер ва гарчи у кулгили ҳеч нима демаган бўлса-да, Гретель яна хахолаб юборди.

— Бу ерда бирон жойда захира ғилдирак топиларми-кан, шуни билмоқчи эдим, — давом этди Бруно. — Масалан, юк машинасиники. Биронта кераксизи.

— Мен бу ерда кўрган ягона захира сержант Хоффшнайдерга тегишли ва уни белида олиб юради. — Лейтенантинг лаблари жилмайганга ўхшаш қандайдир ифодага кирди.

Унинг сўзлари Брунога ўта бемаъни кўринди, Гретель эса жудаям хурсанд бўлиб кетди, қиз турган жойида ўйинга тушиб кетай деди.

— Демак, захира унга керак экан-да? — сўради Бруно.

— Сержант Хоффшнайдергами? Ҳа, керак. У ўз захирасига жуда қаттиқ боғланиб қолган.

— Қўйсангиз-чи, Курт, — Гретель кўз ёшларини артди, — у ҳазилни тушунмайди. У атиги тўққиз ёшда.

— Балки, овозингни ўчирарсан? — қичқирди Бруно опасига вазоҳатли тикилиб. У лейтенантга хизмат ҳақида мурожаат этгани етмагандек, устига устак, ўз опаси уни тинимсиз мазах қиларди. — Ўзинг атиги ўн икки ёшдасан, — деб қўшиб қўйди у. — Шу боис, ўз ёшингдан кўра каттароқман, дея алдашни бас қил.

— Мен деярли ўн уч ёшдаман, Курт, — бидирлади Гретель. У бошқа қулмади, унинг юзи тиришиб кетди. — Икки ҳафтадан кейин ўн уч ёшга тўламан. Биз сен билан деярли тенглашиб қоламиз ҳам, ахир сен ҳам ҳали йигирмага тўлмагансан ва ўсмир ҳисобланасан-ку.

Котлер жилмайиб бош ирғади, аммо индамади. Бруно унга диққат билан қараб турди. Агар унинг қаршисида бирор-бир бошқа катта одам турганида, у кўзини қисиб, ҳамма қизлар тентаклигини сен билан мен биламиз-ку,

деган бўларди. Аммо унинг олдида бошқа қандайдир катта одам эмас, балки лейтенант Котлер турарди.

— Майли, — деди Бруно, унга қаҳрли нигоҳини тикиб турган Гретелга эътибор бермай, — бўлмаса, сержант Хоффшнайдердан бошқа биронтасидан захира топса бўладими?

— Албатта. — Котлер бирдан жилмаймай қўйди. У зерикканга ўхшарди. — Лекин у сенга нима учун керак?

— Мен арғимчоқ ясамоқчи эдим. Биласизми, дарахт шохига арқон ташлаб, уни ғилдиракка маҳкамлайман.

— Ҳа, шунақами? — Лейтенант Котлер гўё арғимчоқ нималигини эслашга урингандай ўйланиб, бошини ирғади, гарчи ҳозиргина Гретель айтганидек, у ҳали йигирмага ҳам тўлмаганди. — Ҳа, болалигимда ўзим ҳам арғимчоқ ясардим.

Бруно наҳотки лейтенант Котлер билан қандайдир умумий жиҳатлари топилган бўлса, дея ҳайрон бўлди. Энг ажабланарлиси шундаки, наҳотки лейтенантнинг қачон бўлмасин, ўртоқлари бўлган бўлса?

— Хўш, нима бўлди? — сўради у. — Бу ерда ғилдирак топилармикан?

Котлер гўё бор гапни очиқ-ойдин айтиб жавоб бериш ёки ўз одатига кўра, болакайни мазах қилишга уриниб кўришни ўйлаётгандек чурқ этмасди. Кейин у ҳар куни сабзавот тозалаш учун келадиган, кечқурун эса, официантнинг оқ камзулини кийиб, кечки овқатга хизмат қиладиган Павел деган чолни кўриб қолди. Павел уй томонга юриб борарди ва лейтенант бир қарорга келди.

— Ҳой, сен! — дея қичқирди у ва Брунога умуман нотаниш сўзни қўшиб қўйди. — Бу ёққа кел, сен... — Лейтенант яна худди ўша сўзни такрорлади ва унинг кескин товушда янграши Брунони ортига ўгирилиб олишга мажбур қилди. У бирдан Котлер билан ёнма-ён турганидан уялиб кетди.

Павел яқинлашди ва гарчи ёш жихатдан унинг набираси тенги бўлса-да, Котлер жудаям кўпол гапирди.

— Уйнинг орқасидаги омборни биласан, мана бу ёш йигитчани ўша ёққа олиб бор. У ерда ён тарафдаги девор бўйлаб эски ғилдираклар тахланган. У биттасини танлайди, сен эса уни айтган жойига элтиб берасан. Тушундингми?

Павел кўлларида шапкасини тутганча, эгилиб турарди. Бошини ирғанида эса, янада пастроқ букчайди.

— Хўп бўлади, — деди у базўр овоз чиқариб. Гапирмади, балки шивирлади.

— Кейин эса, ошхонага қайтганигда, озиқ-овқатларга кўл теккизишингдан аввал, кўлларингни ювишни унутма, сен, исқирт... — Лейтенант ўша сўзни учинчи марта айтиб, тупурди.

Бруно Гретелга зимдан қаради. Қиз шу маҳалгача Котлернинг қуёшда ялтираётган сочларига меҳр билан тикиларди, аммо энди, худди укаси каби, бир оз хижолат бўлиб қолди. Улардан ҳеч бири илгарилари Павел билан гаплашмаганди, аммо у кечки овқат вақтида жуда чаққон хизмат қиларди, отасининг айтишича, бундай ишбилармонлар ҳар доим ҳам топилавермайди.

— Боравер, — буюрди Котлер ва Павел ортига ўгирилиб, омборга қараб кетди.

Унинг изидан бораётган Бруно Гретель билан ёш ҳарбийга қайта-қайта аланглаб қараб кўярди. Гарчи Гретель уришқоқ, худбин ва укасини ҳар доим камситадиган қиз бўлса ҳам, у орқасига қайтиб, опасининг кўлидан маҳкам тутиб, Котлердан нарироққа олиб кетгиси келарди. Лекин охир-оқибатда опасидан бошқа ҳеч нарса кутмаса ҳам бўлади, опалар бошқача бўлмайди-ку, ахир. Бруно уни лейтенант Котлердай одам билан ёлғиз қолдиргиси келмасди. Бу ерда ифодалашга қанчалар уринма, бошқа сўз тополмайсан: ярамас нусха.

Фалокат икки соат кейинроқ юз берди. Бруно тўғри келадиган ғилдиракни танлаб бергач, Павел уни Гретелнинг деразаси тагидаги баҳайбат эман дарахти ёнига келтириб берди. Бруно дарахт поясидан юқорига-пастга бир неча марта тушиб-чиқиб, арқонни маҳкамлаб, тугунларни қайта-қайта текширди ва унга ғилдиракни боғлади. Бруно бундай арғимчоқни илгари ҳам ясаганди ва қурилма муваффақиятли якунланганди, аммо ўшанда унга Карл, Даниэль ва Мартин ёрдамлашгандилар. Бу сафар у ҳаммасини ўзи эплаштирди ва бу иш анча қийинроқ кечди. Шундай бўлса-да, у бир соатдан кўпроқ уннаб, ишни тутатди ва кейин ғилдиракка миниб, гўё ҳаётидаги энг бахтли онларни бошдан кечираётгандек, беташвиш уча бошлади. Тўғри, у илгари учган арғимчоқлар ичида энг ноқулайи эди, бироқ Бруно бунга кўз юмишни афзал билди.

У ғилдиракка ётиб олиб, оёқлари билан ердан итари-лар, кейин эса, арғимчоқ юқорига кўтарилиб, дарахт поясига тегай деганида, оёқлари билан дарахтдан итарилар ва арғимчоқ янада юқориларди. Ҳаммаси жуда ажойиб кечаётганди. Бруно ғилдиракни маҳкам чангаллаб олганди, бироқ, навбатдаги сафар дарахт танасидан итарилаётганида, ўзи ҳам сезмаган ҳолда, маҳкам тутган қўллари бир лаҳзага бўшашди ва қутилмаганда ағдарилиб, пастга учиб тушди. Бир оёғи ғилдиракка илашиб қолгани туфайли, у ўзини ўнглаб олишга ҳам улгуролмай, ерга юз-тубан йиқилди.

Бир онга кўз олди қоронғилашиб, у яна кўра бошлаганида ва ўтириб олганида эса, учиб келаётган ғилдирак унинг бошига келиб урилди. Бруно оҳ уриб, нарироққа думалади. У ўрнидан турганида йиқилган ёнбоши томонидаги қўл ва оёғи жуда ёмон оғриётганини сизди. У қўлига назар солди, қўли қизариб шилинган, тирсагида эса анча чуқур қирилган яра кўринди. Чап оёғи ёмонроқ

лат еганди. Бруно тиззасидан қон тирқираб оқаётганини кўрди.

“Э, худойим”, — деди овоз чиқариб Бруно қонаб турган ярасига тикилган кўйи, энди нима қилишини билмай. У қийин аҳволда узоқ қолмади. Арғимчоқ уйнинг ошхонадан чиқиладиган томонда қурилгани боис, дераза ёнида картошка тозалаётган Павел фалокатнинг гувоҳи бўлганди. Бруно бошини кўтарганида эса, ёнига Павелнинг қандай югуриб келаётганини кўрди. Бруно тирсагига тиралди; Павел уни даст кўтариб олди.

— Бу қандай содир бўлганини билмай қолдим, — деди Бруно. — Арғимчоқ бутунлай ишончли бўлиб туюлганди.

— Сен ҳаддан зиёд баланд учдинг, — деди жавобан Павел мулойим оҳангда ва Бруно дарҳол ўзини бежавотир ҳис этди. — Сени кузатиб тургандим ва йиқилиб тушмасайдинг, деб хавотир олаётгандим.

— Шунақа бўлдиям, — деди маъюс Бруно.

— Ҳа, шундай бўлиб қолди.

Павел уни ўтлоқзор бўйлаб уйга кўтариб борди. Ошхонада уни ёғоч курсига ўтказди.

— Ойим қани? — Бруно бахтсизлик рўй берган чоғда биринчи навбатда мурожаат этиладиган одамни излаб атрофга аланглади.

— Онанг ҳали қайтмаган бўлса керак. — Павел тиззасига чўккалаганча боланинг ярасини кўрарди. — Бу ерда ёлғиз ўзимман.

— Энди нима бўлади? — беихтиёр ваҳимага тушди Бруно, йиғламоқдан бери бўлиб. — Мен қон йўқотиб, ўламан?

Павел самимий кулиб юборди.

— Сен қон йўқотишдан ўлмайсан. — У ёғоч курсини яқинроқ суриб, Брунонинг оёғини унга қўйди. — Энди кимираммай ўтир. Ҳозир дори қутисини оламан.

Бруно унинг жавон ёнига қандай боргани, дорилар солинган ботқоқ рангли қутини чиқаргани, идишга сув қуйишини кузатиб ўтирарди. Павел сувга бармоғини тикиб, унчалик совуқ эмаслигини текшириб кўрди.

— Мени касалхонага жўнатишадими? — хавотирланарди Бруно.

— Йўқ, йўқ, — Павел Брунонинг қаршисида яна тиз чўкди, қуруқ латтани идишдаги сувга ботириб, Брунонинг оёғини авайлаб артди. Гарчи муолажа унчалик оғриқли бўлмаса ҳам, у сесканиб кетди. — Атиги унча катта бўлмаган кесик. Ҳатто тикишнинг ҳам ҳожати йўқ.

Павел ярани ювиб бўлгунича, Бруно қошларини чимириб, лабини тишлаб ўтирди. Кейин Павел боланинг тиззасига бошқа латтани қўйди, уни олиб ташлаганида эса, қон оқиши тўхтаганиди. Павел дори қутисидан кўкдори олиб, ярага сурта бошлаганида, териси ачишди.

— Вой-вой-вой!

— Бўлди, бўлди, бу кўрқинчли эмас. — Павелнинг овози меҳрибон ва мулоим эди. — Оғриқ ҳақида ўйлама, шунда ўзи ўтиб кетади.

Жуда қизиқ, лекин Павелнинг тавсияси Брунога яхши таъсир қилди ва у яна бир марта войвойлашдан ўзини тия олди. Павел ярага кўкдори суртиб бўлгач, дори қутисидан бинт олиб, тиззасини боғлаб қўйди.

— Мана, бўлди, — деди у. — Енгиллашдимми?

Бруно бош ирғади. У ўзини мардона тутмаганидан озроқ уяларди.

— Раҳмат, — дея миннатдорчилик билдирди у.

— Ёрдам беришдан ҳар доим хурсандман. Оёқ бошишдан олдин шу ерда беш дақиқа ўтир, хўпми? Яранг тинчланиб олсин. Бугун арғимчоққа бошқа яқинлашма.

Бруно яна бош ирғади. Унинг оёғи курсида турарди, бу вақтда Павел қўлларини, хатто тирноқлари орасини сим мочалка билан ишқаб ювди, кейин қўлини артиб, картошка тозалашга қайтди.

— Нима содир бўлганини онамга айтиб берасизми? — сўради Бруно, ҳар хил шубҳаларга бериларкан: уни дахшатли фалокатдан омон қолган қаҳрамон деб аташармикан ё ўз бошига етиб дўзах машинасини қурган ярамас дейишармикан.

— Унинг ўзи ҳаммасини тушуниб олади, деб ўйлайман. — Павел картошкани артиб бўлиб, столга сабзи тўқди ва Брунонинг рўпарасига ўтирди. Сабзи пўчоқлари эски газетага тўкилиб тушарди.

— Ҳа, эҳтимол. Балки у мени шифокорга олиб боргиси келиб қолар.

— Ундай бўлмас-ов, — деди секингина Павел.

— Олдиндан ҳеч нима деб бўлмайди. — Бруно фалокат хаддан зиёд тез унутулиб кетишини истамасди. Охир-оқибатда, бу ерга кўчиб келишганидан буён унинг ҳаётида бундан-да таъсирлироқ ҳеч қандай воқеа содир бўлмаган. — Яра бир қараганда кўринганидан кўра хавфлироқ бўлиши мумкин.

— У хавfli эмас. — Павел гўё сабзи унинг диққатини буткул эгаллаб олгандай, Брунога эътибор бермай.

— Сиз қаердан биласиз? — Брунонинг жаҳли чиқа бошлади, гарчи ўзини қутқаришга Павел сабабчи бўлгани, уни ердан кўтариб, ошхонага олиб келгани ва қонини тўхтатгани учун ундан миннатдор бўлиши керак бўлса ҳам. — Сиз ахир шифокор эмассиз-ку.

Павел тўсатдан сабзи арчишдан тўхтаб, стол оша Брунога қаради. У бошини кўтармаган ҳолда нигоҳ ташлади. Афтидан, у бундай айбловга нима деб жавоб қайтаришни билмай, каловланарди. У бир хўрсиниб, яна узоқ ўйланиб қолди, кейин деди:

— Мен шифокорман.

Бруно ҳайрат билан унга тикилиб қолди. Бу ерда нимадир қовушмаётганди.

— Лекин сиз стол атрофида хизмат қиласиз, — деди у секин, — сабзавотларни артасиз. Қандай қилиб шифокор бўлишингиз мумкин?

— Йигитча, — деди Павел (Бруно унинг хуштаво-зелигига ҳам баҳо берди: у лейтенант Котлерга ўхшаб “катта одам” демасдан, “йигитча”деб атади), — аслида мен шифокорман. Агар тунлари кимдир осмонга қарайдиган бўлса, бу уни астроном экан, дейишга сабаб бўлмайди.

Бруно бу ерда астрономнинг қандай алоқаси борлигига тушунмади, лекин Павелнинг овозидаги нимадир болакайни ўз суҳбатдошига илк бор синчиклаб қарашга мажбур қилди. Павел ўрта бўй, анча ориқ, қиррабурун, узунчоқ бармоқлари ингичка эди. У кўринишидан отасидан каттароқ, аммо бувисидан ёшроқ — демак, чол экан, деб ўйлади Бруно. Гарчи у Павел билан шу ерда, Аж-Висда танишган бўлса-да, Бруно илгари бу одамнинг соқоли бўлгани ҳақида бас бойлаша оларди.

Энди эса, нимагадир кириб ташлабди.

— Лекин тушунмаяпман. — Бруно, ҳар доимгидек, масаланинг асл моҳиятига етмоқчи эди. — Башарти сиз шифокор бўлсангиз, нима учун стол атрофида хизмат қиласиз? Нима сабабдан бирон жойдаги касалхонада ишламайсиз?

Павел яна узоқ жим қолди, Бруно сабр қилиб кутарди. Қизиқ, лекин у лоақал хушмуомалалик билан чолни шошириб бўлмаслигини ҳис этарди.

— Бу ерга келмасимдан олдин шифокорлик амалиёти билан машғул бўлганман, — деди Павел ниҳоят.

— Амалиёт? — Бруно учун бу сўз нотаниш эди. — Нима, ўхшамадимми?

— Жуда яхши ўхшади, — жилмайди чол. — Биласанми, мен ҳар доим шифокор бўлишни орзу қилганман. Болалик чоғимданок, Сенинг ёшингда эканимда, бошқа ҳеч нима ҳақида ўйламасдим ҳам.

— Мен эса саёҳатчи-тадқиқотчи бўлмоқчиман, — дея маълумот беришга шошилди Бруно.

— Жуда яхши, сенга омад ёр бўлсин.

— Раҳмат.

— Бирон-бир янгилик топдингми?

— Берлиндаги уйимизда кўп тадқиқотлар ўтказганман. У ердаги уйимиз катта, сиз тасаввур қилгандан ҳам каттароқ, шу боис у ерда тадқиқ қиладиган нарсалар бор эди. Бу ер ундаймас.

— Бу ерда ҳаммаси ундай эмас, — маъқуллади Павел.

— Аж-Висга қачон келгансиз? — сўради Бруно.

Павел сабзи билан пичокни четга қўйиб, бир чеккага қаради.

— Назаримда ҳар доим шу ерда бўлгандекман, — пичирлади у.

— Сиз шу ерда туғилганмисиз?

— Йўқ, — бош чайқади Павел, — йўқ.

— Лекин сиз айтдингизки...

У гапини тугаллашга улгурмади, — ташқаридан онасининг овози эшитилди. Павел унинг овозини эшитган захоти илдам туриб, сабзи, пичоқ ва пўчоққа тўлган газетани олиб, идиш ювгич олдига қайтди. У Брунога терс ўгирилиб, мункайиб олди ва бошқа оғиз очмади.

— Вой, худойим, сенга нима бўлди? — хитоб қилди онаси, ошхонада пайдо бўлгач. У энгашиб, боғламни кўздан кечирди.

— Мен арғимчоқ ясадим ва ундан қулаб тушдим, — тушунтирди Бруно. — Кейин арғимчоқ менинг бошимга урилди ва ҳушимдан кетиб қолаёзганимда, Павел мени қутқарди, бу ерга олиб келиб, ярамни ювди ва

боғлаб қўйди. Роса ачишса ҳам, йиғламадим, тўғрими, Павел?

Павел ярим айланганча уларга қараб бурилди, бироқ қаддини тикламади.

— Яра ювилди, — деди у секин, Брунонинг саволига жавоб бермай. — Хавотирланишнинг ҳожати йўқ.

— Сен ўз хонангга борақол, Бруно. — Онаси ўзини ноқулай сезарди.

— Лекин мен...

— Мен билан баҳслашма... Бор, ўз хонангга! — буюрди у.

Бруно курсидан тушиб, бундан бўён “менинг ёғоч оёғим” деб аташга аҳд қилган оёғига тиралди; оёғи сал оғрирди. Дахлиздан ўтиб бораётиб, Бруно онасининг чолга қандай миннатдорчилик билдирганини эшитиб, хурсанд бўлиб кетди: ҳаммаси равшан-ку, агар Павел ўз вақтида етиб келмаганида, у, Бруно, қони оқиб, ўлиб қоларди, ахир.

Лекин кейин онасининг ўзини шифокорман деган ошхона хизматчиси билан суҳбатини яқунлаган яна бир жумлани эшитиб қолди.

— Мабодо комендант сўраб қолгудай бўлса, ярани ўзим дори суртиб боғлаб қўйганимни айтамыз.

Бруно ўзгалар хизматини онаси ўзлаштириб олаётганини жуда хунук ҳолат, деб ўйлади.

Саккизинчи боб

БУВИСИ ЭШИКНИ НИМАГА ҚАРСИЛЛАТИБ ЁПДИ?

Бруно Берлинда қолган бобоси билан бувисини жуда соғинганди. Улар сабзаёт ва мевалар сотиладиган дўконлар қаторида мўъжазгина хонадонда биргалликда яшардилар, Бруно Аж-Висга жўнаб кетишидан сал илгарироқ бобоси етмиш уч ёшга тўлган — Брунонинг фикрича, у дунёда энг қари одам эди. Бир куни Бруно хисоблаб чиқди: агар у ўз умрини саккиз маротаба қайта-қайта яшаса, бобоси барибир ундан бир ёш каттароқ бўларди.

Бобоси бир умр шаҳар марказидаги ресторан хўжайини бўлиб яшади, у ерда Брунонинг дўсти Мартиннинг отаси бош ошпаз бўлиб ишларди. Гарчи бобоси энди шахсан овқат пиширмаса ҳам, столларга хизмат кўрсатмаса-да, кун бўйи ресторанда ўтирар: кундузи ичимлик сотиладиган жойда мижозлар билан суҳбатлашар, кечқурун — бурчақда шовқинли дўстона даврада овқатланарди. У ресторан ёпилганидан кейингина уйига кетарди.

Бувиси эса Брунога сираям кекса бўлиб кўринмасди; ҳар қалай, бошқа болаларнинг бувилари билан таққослаганда. Бруно унинг ёши олтмиш иккидалигини эшитган чоғда, ҳайратда қолди. Бувиси бобоси билан концертдан кейин танишиб қолган бўлиб, бобоси уни ўзига турмушга чиқишга қандайдир тарзда кўндирган экан. Ўшанда бувиси жуда ёш, кўзи яшил, узун сариқ

сочли қиз бўлиб, унинг қаллиғининг сочларига жуда ўхшаркан. Томирида ирланд қони оққани боис, унинг сочи билан кўзи шундай рангдалигини бувиси таъкидларди. Уйда зиёфат энг авжига чиққан чоғда, бувиси белги беришини Бруно ҳар доим биларди, бувиси то биронтаси пианино ёнига ўтириб, ундан қўшиқ куйлаб беришини сўрамагунга қадар, унинг атрофида айланиб юраверарди.

— Вой, нималар деяпсиз! — дея хитоб қиларди у, қўлини кўксига босганча, бундай кутилмаган таклифдан нафаси тикилаёзгандек бўлганини кўрсатиб. — Йўк, йўк, йигитча, бунинг сира иложи йўк. Ўз қўшиғимни куйлаб бўлдим, деб кўрқаман.

“Куйланг! Куйланг!” қичқиришарди меҳмонлар ва ўнми, энг кўпи билан йигирма сония давом этувчи танаффусдан кейин — у тақдирга тан берарди ва пианино олдида ўтирган йигитчага хушмуомалалик билан кўрсатма берарди:

— *La vie en rose*, ми бемоль-минор. Ўтиладиган жойларда кечикмасликка ҳаракат қилинг.

Бувисининг қўшиқ куйлаши Брунолар уйида муҳим воқеа эди ва нимагадир айнан онаси ҳар сафар ошхонада ўз дугоналарининг биронтаси билан зудликда ёлғиз қолишига мажбур бўлган вақтга тўғри келиб қоларди. Отаси доимо бувисини эшитиш учун қоларди, Бруно ҳам, унга энг охирида бувиси бор овозини қўйиб куйлагани, кейин эса қарсақлар ичра фарқ бўлиши унга жудаям ёқарди. Бунинг устига, *La vie en rose*дан унинг бадани жимирлаб ва бошидаги сочлари тиккайиб кетарди.

Бувисига Бруно ёки Гретель оилавий анъанани давом эттириб, саҳнада ўйнайдилар, деб ўйлаш ёқарди. Ҳар йили Рождество байрамида, ҳар туғилган кунда у уча-

ласи учун кичикроқ сахна кўринишини ўйлаб топарди ва бу оилавий труппа отаси, онаси ва бобоси қаршисида ўйнарди. Пьесаларни унинг ўзи ёзарди ва Брунонинг фикрича, энг яхши репликаларни ўзига асраб қўярди, лекин, умуман айтганда, у бувисидан хафа бўлмасди. Пьесада доимо қўшиқ бўларди — “Куйлаб беришимни хоҳлайсизми?” — олдиндан сўрарди бувиси. Бруно эса, ҳар доим фокуслар кўрсатар, Гретель эса, рақсга тушарди. Спектакллар Брунонинг Буюк Шоирлардан бирининг узун шеърини ўқиш билан тугарди. Унда нималар ҳақида ёзилганини у баъзида тушунишга қийналарди, аммо бу шеърларни нечоғлиқ тез-тез ўқиса, улар шунчалик чиройлироқ жарангларди.

Бироқ ушбу спектаклларда энг яхшиси ҳатто шеър ёки фокуслар эмас, балки Бруно билан Гретель учун бувиси тиккан либослар эди. Бруно қандай ролни ижро этиши, бувиси билан Гретелникига таққослаганда унинг сўзлари қанчалар камлиги ҳам муҳим эмасди, энг муҳими, Брунони гоҳ шаҳзода, гоҳ араб шайхи, ҳатто бир куни римлик гладиатор этиб ясантиришганди. Бувисининг пьесаларида ҳар доим тожлар, тожлар бўлмаса, найзалар, найзалар бўлмаса, қамчилар ёки салалар бўларди. Бу сафар бувиси нимани ўйлаб топишини ҳеч ким билмасди, бироқ Рождество арафасида бир ҳафта давомида Бруно билан Гретель унинг уйига ҳар куни репетиция қилиш учун боришарди.

Қолаверса, сўнгги томоша жанжал билан яқунланди, гарчи катталар нимадан уришиб кетишганини Бруно тушунмай қолган бўлса-да, у буни ханузгача афсусланиб эсларди.

Байрамга бир ҳафта қолганида, бутун уйни ғайриодатий тарзда асабийлик қамраб олганди. Бу Мария, ошпаз аёл, эшик оғаси Ларс, шунингдек, уларнинг

уйларига худди ўз уйларига киргандек кириб келадиган ҳарбийларнинг отасига “жаноб комендант” деб му-рожаат қилишлари кераклиги билан қандайдир боғлиқ эди. Бундай асабийлик тобора ортиб борарди. Ҳаммаси тушликка Фурор чиройли сариқ сочли қиз билан келишидан бошланганди, — уй бутун оқшомга қотиб қолди, шундан кейин бу янгилик, отасини комендант деб чақириш юзага келди ҳам. Онаси Брунога отасини таб-риклашини буюрди, у шундай қилди ҳам, лекин, агар тўғриси айтганда (бунга Бруно доимо интиларди), уни нима билан табриклаганини болакай унча қатъий билмасди.

Отаси ўшанда топ-тоза, дазмолланган янги формаси-ни кийиб илк бор пайдо бўлганида, бутун оила қарсақ чалиб юборганди. Уларни кига гўё ўз уйига келгандай кирадиган ҳарбийлар олдида отаси ростдан ҳам ниҳоятда кўркем кўринарди, ҳарбийлар эса, афтидан, уни яна-да кучлироқ ҳурмат қила бошлашди. Онаси отасининг ёнига бориб, унинг юзидан ўпди ва кителини қўли би-лан силаб: “Нақадар нафис мато!” деганди. Брунога фор-мадаги фарқлаб турувчи белгилар энг катта таассурот қолдирганди, унга ҳатто бир паста фуражкасини кийиш-га ҳам ижозат беришди, аммо биргина шарти унга тек-кизадиган қўллари тоза бўлиши керак эди.

Бобоси ўз ўғлини янги формада кўрганида, фахрла-ниб кетди, фақат бувиси, ҳамманинг орасида ёлғизгина бувиси сираям хурсанд бўлмади. Ҳамма кечки овқатни еб бўлган пайтда, Бруно билан Гретель спектаклда ўйнаб бўлишгач, бувиси оромкурсига ғамгин аҳволда ўтирди ва гўё унинг ўғли ҳаётида энг жиддий тарзда ҳафсаласини пир қилган инсондай, отасига қаради.

— Ўйлаб ўйимга етолмаяпман, Ральф, — деди буви-си, — қаерда хатога йўл қўйдим-а? Наҳотки болалигингда

сени ўйнашга мажбур этган ўша спектакллар ҳаммасига айбдор бўлса? Мана, энди сен ипда тортиладиган кўғирчоқ бўлиб яسانيб олишни афзал билдинг.

— Менга қаранг, ойи, — муроса қилиш оҳангида гап бошлади отаси, — бу ҳақда бошқа сафар гаплашайлик.

— Бу ерда ўз формангда гердайиб юришингни қара, — давом этди бувиси, — худди у сенга кадр ва шуҳрат кўшиб берадигандек. У аслида нимани билдиришининг сенга фарқи йўқ. Унинг ортида нима яширингани ҳам сенга барибир.

— Натали, биз буни муҳокама қилиб бўлганмиз, — гапга қўшилди бобоси, гарчи агар бувиси ниманидир айтмоқчи бўлса, бу бирор-бир кишига ёқадими ёки йўқми, албатта ўз фикрини айтади, бу ҳаммага аён эди.

— Сен муҳокама қилиб бўлдинг, Матиас, — аниқлик киритди бувиси. — Воизлик қилдинг, мен эса, ҳатто биргина сўз ҳам айтолмаганман. Одатдагидай.

— Ойи, бизда байрам бўляпти, — хўрсинди отаси. — Оддий эмас, Рождество байрами. Келинг, уни бузмайлик.

— Эсимда, Буюк уруш бошланган чоғда, — ғурур билан деди буваси, каминдаги оловга қараб ва бошини чайқаб, — сен уйга келдинг ва бизга армияга кирганингни эълон қилдинг, ўшанда бунинг охири сен учун ёмон бўладигандек туюлганди.

— Ёмон тугади ҳам, Матиас, — гап қўшди бувиси. — Бунга амин бўлиш учун ўғлимизга нигоҳ ташлашнинг ўзи етарли бўлади.

— Энди эса унга қаранглар! — бобоси гўё хотини нима деганини эшитмагандек. — Унга шунчалар юксак ва масъулиятли лавозим ишониб топширилганидан ғурурланаман ва бахтиёрман. Ўз мамлакати учун кучини

аямай, шунча камситилиш ва адолатсизликлардан кейин ўз ҳурматимизни қайтариб олиш учун ҳамма нарса қилишимиз керак. Бизнинг душманларимиз жазоланишлари даркор...

— Йўқ, уни эшитинг-а! — хитоб қилди бувиси. — Тушунолмаяпман, икковингиздан қайси бирингиз тентакроқсиз?

— Лекин, Натали, — онаси бахшлашаётганларни тинчитмоқчи бўлди, — Ральфга янги формаси жуда ярашиб турибди, шундай эмасми? У бу либосда жудаям кўркам кўриняпти!

— Кўркам? — қайта сўради бувиси олдинга силжиб ва келинига гўё у ақлдан озгандек қараркан. — Кўркам дейсанми? Жиннивой! Наҳотки ҳаётда мана шу ташқи гўзаллик сен учун энг муҳим бўлса?

— Менга-чи, циркдаги фармонбардор либоси ярашибдими? — сўради Бруно.

Ўша оқшом у қизил-қора махсус форма кийиб, айнан циркдаги фармонбардорни тасвирлаганди. Лекин Бруно сўз қотган заҳотиёқ бундан ўзи жуда афсусланди, чунки катталар гўё уларнинг борлигини эндигина пайқагандек, ҳаммаси баб-баробар у билан Гретелга қарашди.

— Болалар, хозироқ юқорига жўнанглар, — буюрди онаси. — Ўз хонангизга боринглар.

— Лекин бизнинг кетгимиз келмаяпти, — қаршилиқ кўрсатди Гретель. — Шу ерда ўйнаб турсак майлими?

— Йўқ, болалар, — кўнмади онаси. — Ўз хонангизга бориб, эшикни ёпиб қўйинглар.

— Ҳарбийлар учун фақат шугина керак, — деди бувиси, болаларга эътибор бермай. — Кўркам формани эгнига илиб, мақтаниб юриш бўлса. Ясанволиб, кейин ўша даҳшатни амалга ошириш. Мен уяламан, Ральф, сени эмас, ўзимни айблайман.

— Болалар, қани, юқорига! — Онаси кафтини ором-курси тутқичига урди ва энди уларнинг итоат этишдан ўзга чораси қолмаганди.

Меҳмонхона эшигини ёпиб, иккинчи қаватга кўтарилишди, бироқ хоналарига кириб кетишмади. Бунинг ўрнига Бруно билан Гретель зинанинг юқори поғонасига ўтириб, кулоқларини динг қилиб, пастда катталар нима ҳақида гаплашаётганларини эшитишди. Отаси билан онасининг товушлари бўғиқроқ чиқди, шу боис опа-ука ҳеч бир сўзни англамадилар, бобосининг гапи умуман эшитилмади, бувиси эса, қанчалар ғалати бўлмасин, бўлиб-бўлиб гапирарди. Ниҳоят, ўн дақиқалардан кейин, меҳмонхона эшиги тарақлаб кенг очилди. Бруно билан Гретель ўзларини зинапоя майдончаси ичкарироғига уришди, бувиси эса, ўз пальтосини кийим илгичдан оларди.

— Нақадар уят! — қичқирди у. — Қандай кунга қолдим-а! Менинг ўғлим...

— Ўғлингиз — ватанпарвар! — ҳайқирди отаси. Афтидан, у ҳали ҳам катталар гапини бўлмасликка ўрганмаган эди.

— Ватанпарвар эмиш! — хитоб қилди бувиси. — Тушликка худо билади, кимларни таклиф этасан. Қилиқларингдан кўнглим беҳузур бўлади! Мана бу форма-чи... Унга қараб, кўзларимни ўйиб олгим келяпти! Э, худо, сен уни эгнингга кийишингдан олдинроқ кўр бўлиб қолсам бўлмасмиди!

Бувиси шундай деб, уйдан югуриб чиқди ва эшикни қарсиллатиб ёпди.

Ўша оқшомдан буён Бруно бувиси билан деярли кўришмади ва ҳатто Аж-Висдаги уйга жўнаб кетишдан аввал хайрлашишга ҳам улгуролмади, лекин у бувисини жуда соғинганди ва унга хат ёзишга жазм қилди.

Бруно аргимчоқдан йиқилиб тушган куни қўлига ручка билан қоғоз олиб, қадрдон кишисига бу ерда ўзининг нақадар бахтсизлигини ва Берлиндаги уйига қандай қайтгиси келаётганини баён этди. У бувисига уй ва боғ ҳақида, лавҳачали узункурси ҳақида ва ёғоч телеграф устунлари билан тиканли симлар ўрамлари бор баланд тўсиқ ҳақида, узун қурилмалар ва печ қувурлари турган яйдоқ ер ҳақида, тўсиқ ортидаги аскарлар тўғрисида, лекин ҳаммасидан муфассалроқ ўша ерда яшовчи кишилар, уларнинг йўл-йўл пойжомалари ва матодан тикилган шапкалари ҳақида ёзди, энг охирида эса, уни ниҳоятда соғинганини қўшиб, “Сизни яхши кўрувчи набирангиз Бруно” деб имзо қўйди.

Тўққизинчи боб

БРУНО ҚАЧОНЛАРДИР ЯНГИ ЕРЛАР ОЧИШНИ ЁҚТИРГАНИНИ ЭСЛАЙДИ

Аж-Висда ҳеч нима ўзгармасди. Бруно аввалгидек Гретелнинг ғалати қилиқларига чидашига тўғри келарди, айниқса, опасининг кайфияти ёмонлигида, ҳатто Берлиндагидан ҳам кўра тез-тез жанжаллашиб қолишарди. Опасидан бошқа ниманиям кутиш мумкин, ахир у бетайин қиз-ку.

Бруно илгаригидек уйга қайтишни орзу қиларди. Ростини айтганда, Берлиндаги уй ҳақидаги хотиралар секин-аста хиралаша бошлади ва гарчи Бруно бувиси билан бобосига яна мактуб ёзишни бот-бот ўйласа ҳам, лекин хат ёзишга ўтирмади.

Ҳарбийлар уларнинг уйларига аввалгидек ҳар куни келишар ва Бруно учун “ҳеч қачон кириш мумкин эмас ҳамда қулоғингга кўрғошиндай қуйилсин” деб айтилган отасининг кабинетига нималарнидир муҳокама қилишарди. Лейтенант Котлер аввалгидек ярақлаган қора этигида бемалол юрар, бунинг устига-устак, ўзини бу ёруғ оламда гўё ундан-да муҳимроқ одам йўқдек тутарди. У отасига ҳамроҳлик қилмаган чоғда, ё ҳовлида Гретель билан валақлашиб вақт ўтказар, бу пайтда опаси бармоғига бир тутам сочини ўраган кўйи жазавага тушиб куларди, ёки онаси билан ёпиқ эшик ортида нималардир ҳақида шивирлашарди. Келиб-кетадиган хизматкор аёл

хам аввалгидай супуриб-сидириб, пишириб-куйдириб, овқат сузиб, йиғиштириб кетар, агар унга мурожаат қилмасалар, ўзи чурқ этмасди. Мария ҳам эртадан кечгача хоналарни йиғиштирар, Брунонинг ҳозир киймаётган кийимларини жавонга тартиб билан тахлаб қўярди. Павел ҳам картошка билан сабзи артишга ҳар куни тинимсиз келар, кечқурун оқ камзул кийиб, стол атрофида хизмат қиларди. (Баъзида Павел унинг аргимчоқ фалокатидан кейин жимитдай чандиқ қолган тиззасига қандай нигоҳ ташлаб қўйганини Бруно пайқар, бироқ улар бири-бири билан гаплашмасдилар).

Лекин кейин баъзи ўзгаришлар содир бўлди. Отаси болалар машғулотга қайтишлари керак, деган қарорга келиб, уйда атиги икки нафар ўқувчи ўқийдиган мактаб очиш ғояси Брунога қанчалик аҳмоқона бўлиб туюлмасин, отаси билан онасининг фикри бир жойдан чиқди: бундан буён Бруно билан Гретель ҳузурига ўқитувчи келади ҳамда эрталаб нонуштадан ва кундузи тушлиқдан кейин улар билан шуғулланади. Бир ҳафта ўтмай, ҳовлига янги ўқитувчи герр Лицтнинг шақиллаб қолган эски машинаси кириб келди, мактабнинг кундалик ташвишлари бошланиб кетди. Герр Лицт Бруно учун жумбоқ эди. У Брунога кўпроқ дўстона муносабат сақлар, Берлиндаги ўқитувчиси каби ҳеч қачон унга қўлини пахса қилмас, бироқ унинг кўзида ташқарига отилиб чиқишга тайёр яширин ғазаб кўринарди.

Герр Лицт тарих билан жуғрофия дарсларини ёқтирарди, Бруно эса, ўқиш билан расм чизишни афзалроқ кўрарди.

— Бу сизга ҳеч нима бермайди, — деди ўқитувчи. — Ижтимоий фанларни чуқур ўзлаштириш бизнинг давримизда анча муҳимроқдир.

— Биз Берлинда яшаганимизда, бувим биз билан сахна асарларини қўярди, — эътироз билдирди Бруно.

— Лекин бувингиз сизга ўқитувчи бўлмаган, шундай-ми? У — буви, холос. Мен эса — муаллим, шу боис сизга ёқадиган эмас, мен муҳим деб ҳисоблаган фанлар билан шуғулланасиз.

— Лекин китоблар муҳим эмасми? — сўради Бруно.

— Албатта, муҳим! Фақат атроф-мухит ҳақида гап борган китобларгина муҳим, — изоҳ берди герр Лицт. — Дунёда ҳеч қачон рўй бермаган, ўйлаб топилган воқеаларнинг бизга кераги йўқ. Айтмоқчи, йигитча, сиз ўз тарихингизни яхши биласизми? — Герр Лицт Брунони Котлерга ўхшаб “катта одам” деб эмас, Павел каби “йигитча” дерди.

— Шу, мен бир минг тўққиз юз ўттиз тўртинчи йил ўн бешинчи апрелда туғилганман... — гап бошлади Бруно.

— Йўқ, ундай эмас, — гапини бўлди муаллим. — Сизнинг шахсий ҳаётингиз тарихини эмас. Мен халқингиз тарихини назарда тутгандим. Сиз туғилган мамлакатнинг. Ота-боболарингиз ерини. Буни биласизми?

Бруно бурнини жийриб, ўйланиб қолди. У комил ишонч билан айтолмасди-ю, отасининг ҳеч қандай ери йўқ эди, шекилли. Уларнинг Берлинда каттакон ва қулай уйи бор, албатта, лекин унинг ёнидаги боғни мулк эгаллиги деб атаб бўлмаса керак. Аж-Висда шунча ер бўлгани билан, бу ерлар уларга тегишли эмаслигини англаш учун Бруно анча катта бўлиб қолганди.

— Унчалик эмас, — тан олди у. — Тўғриси, мен ўрта асрлар ҳақида кўп нарса биламан. Мен рицарлар ҳақидаги воқеаларни, саргузашт ва узоқ мамлакатларга саёҳатларни ёқтираман.

Герр Лицт тишлари орасидан нимадир деб гўлдиради, кейин эса, бошини чаққон силкиб қўйди.

— Хўш, энди ишлаш керак бўлади, — деди у дарғазаб оҳангда. — Қаллангиздаги ҳар хил бўлмағур нарсаларни

чиқариб ташлаб, асосий кучни сизнинг тарихий мансублигингизга қаратиш вақти етди. Сизга етказилган адолатсизликларга ҳам барҳам берамиз.

Бруно мамнуният билан бош ирғади. Ниҳоят, унга шинам уйни ташлаб, бундай мудҳиш жойга келишга нима учун мажбур қилганини тушунтириб берадилар, — унинг қисқа ҳаётида бундан ортиқ адолатсизликни бошига ҳеч ким солмаганди.

Бир неча кундан кейин Бруно хонасида ўз уйида вақтини қандай қувончли ўтказгани ҳақида ўйлаб ўтирарди, бу ерда эса, Аж-Висда зерикиб ўлаёзди. Бунга асосий сабаб — бу ерда дўстлари йўқ — Гретель у билан ўйнамайди-ку. Бироқ шерик талаб этилмайдиган бир ўйин бор, Бруно Берлинда ҳам ёлғиз қолганида уни ўйнарди, бу ўйин “янги ерларга саёҳатлар” деб аталарди.

“Кичкиналигимда, — деди ўз-ўзига Бруно, — менга тадқиқод экспедицияларига жўнаб кетиш ёқарди. Ва бу Берлинда, мен ҳамма нарсани яхши биладиган ва ҳар қандай буюмни кўзим боғланганида ҳам топиб бера оладиган жойда эди. Бу ерда эса, ҳали ҳеч қачон ва ҳеч нимани тадқиқ қилмадим. Балки ишга тушадиган фурсат етгандир?”

Бруно шубҳаланишга ўрин қолдирмай каравотидан ирғиб турди, жавонни титкилаб, у ердан ёпинчиқ билан эски этикларни олди, булар унинг фикрича, илмий мақсадларни кўзлаб йўлга тушган жасур саёҳатчига энг мос кийим эди. Энди у йўлга чиқишга тайёр эди.

Тадқиқодларни уйда олиб боришдан маъни йўқ эди. Охир-оқибатда, ахир бу Берлиндаги уй эмас-ку, у ерда, эслади Бруно, нима учун кераклиги номаълум ғалати хоналар, юзларча яширинадиган жойлар бўларди, агар ертўла билан энг юқоридаги Бруно оёғининг учида туриб мўралайдиган дарчаси бор хонани кўшиб ҳисоблаганда, беш қават ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бу уй эса, каш-

фиётчи учун шунчаки даҳшат. Агар уни тадқиқ этилади-
ган бўлса, фақат кўчага чиқиш керак.

Бруно ўз хонаси деразасидан боққа, лавҳачали узун-
курсига, ёғоч телеграф устунли баланд тўсиққа — яқинда
бувисига ёзган хатидаги ҳамма нарсаларга бир неча ой
давомида қаради. Лекин у бошқа одамларга шунақа
ўхшамайдиган, йўл-йўл пойжома кийиб олган киши-
ларни қанчалар кўп кузатмасин, уларнинг кимлиги ва
қаердан келишгани ҳақидаги саволни бир марта ҳам бер-
мади.

Одамлар унинг ҳозирги уйи ёнгинасида яшаб, иш-
лашарди, аммо бу гўё бошқа шаҳарда рўй бераётган-
дек эди. Улар бошқаларга шунчалик ўхшамайдиларми?
Уларнинг ҳаммаси бир хилда — йўл-йўл пойжома билан
матодан тикилган бош кийим кийиб олишганди; лекин
уларнинг уйида сандирақлаб юрганларнинг (онаси, Гре-
тель ва Брунодан ташқари) формаси ҳар хил сифатда,
фарқловчи белгилари ҳам турлича, бош кийимлари —
фуражка ва шлемлари ҳам ўзгача. Ҳаммалари билагига
кизил-қора боғич боғлаб, қурол тақиб юришарди. Бу
формадаги одамлар шу қадар жаҳлдор кўринишардики,
худди бутун оламда улардан муҳимроқ ҳеч зоғ йўқ
ва бунга шубҳа қилишга ҳадди сиққан одам балога
йўлиқиши тайин.

Хўш, тўсиқ ортидаги кишилар билан ҳарбийлар ора-
сида қандай фарқ бор? — сўрарди ўзидан Бруно. Ким
йўл-йўл пойжома кийиши-ю, кимга чиройли форма кий-
иш насиб этишини ким ҳал қилади?

Тўғри, баъзан бу икки хил тоифадаги одамлар ара-
лашиб кетишарди. Бу тўсиқ томондагилар нариги та-
рафга қандай кираётганларини тез-тез кўрар ва улар у
ёқда буйруқ берувчи экани аён эди. Пойжомадагилар
ёнига аскарлар яқинлашганида, улар саф тортиб, қотиб
туришар, айримлари эса, ерга йиқилишар, ҳатто баъзан

ўринларидан туришмас ҳам эди — уларни кўтариб олиб кетишга тўғри келарди.

“Қизик, бу одамлар тўғрисида нега ҳеч қачон ўйламаган эканман”, — ҳайрон бўларди Бруно. Яна ғалатироғи шуки, ҳарбийлар у ёққа ҳар доим боришади, отаси ҳам тўсиқ ортига деярли ҳар куни хабар олишга ўтганини Бруно ўз кўзи билан кўрган, — лекин у ёқдан уларнинг уйига ҳеч кимни таклиф этишмайди.

Баъзан — ҳар замонда беш-олти ҳарбий кечки овқатга қолишар ва дастурхонга кўпикли ичимликлар тортишарди, Бруно билан Гретель таомнинг охириги луқмасини еб бўлишган заҳоти уларни юқорига жўнатишарди. Меҳмонхонадан бутун оқшом ёқимсиз баланд овозлар ҳамда жуда ёмон кўшиқлар куйлашгани эшитиларди. Онаси билан отасига ҳарбийлар орасида кўнгили очиш ёқарди — Бруно буни жуда яхши тушунарди. Лекин улар йўл-йўл пойжомали бирон кишини сира ҳам таклиф этишмади.

Бруно кўчага чиққач, уйни айланиб ўтди, ўз хонаси деразасини излаб бошини кўтарди, — ердан қараганда, у унчалик баландда эмасдай туюларди. Эҳтимол, ундан ўзига зиён етказмасдан сакраб тушса ҳам бўлар. Лекин бундай аҳмоқона ишга қарор қиладиган вазиятни Бруно ҳатто тасаввур ҳам қилолмасди. Фақат, мабодо, уй ёниб кетса ва Бруно қамалиб қолган чоғдагина бўлса, бошқа гап, аммо, ҳатто шундай ҳодиса рўй берганда ҳам, жонини хавфга қўйишга арзийдимий-йўқми, деб ўйлаб кўрган бўларди.

У узоққа қаради — қуёшнинг ёрқин нурлари остида тўсиқ чўзилиб кетганди, унинг охири кўринмасди ҳам. Бруно хурсанд бўлиб кетди: бундан чиқди, уни олдинда нима кутаётганини ўзи ҳам билмайди, у бориб, ҳаммасини аниқлаб келади, акс ҳолда, тадқиқодчи саёҳатга чиқиб нима қилади. (Тарих дарсларида герр

Лицт баъзан қизиқарли нарсалар ҳақида, — масалан, Христофор Колумб ва Америго Веспуччи ҳақида, уларнинг саргузаштлари ҳамда ҳайратланарли тақдирлари тўғрисида сўзлаб берарди. Бруно ҳам катта бўлганда улар каби бўлиш истагига яна бир бор ишонч ҳосил қилди.)

Аммо саёҳатга жўнаб кетишдан олдин, боғни, аниқроғи, Бруно учун бирдан-бир қизиқарли нарса — узункурсини текшириб кўриш керак эди. Бруно уни бир неча кун кузатди, лавҳачага тикилиб қаради, ҳатто унга “лавҳачали узункурсини” деган ном берди, лекин у ерда нима ёзилганидан хабари йўқ эди. У ҳеч ким келмаётганини текшириб бошини чапга-ўнга қаратти-да, узункурсини ёнига чопқиллаб борди. Мўъжазгина бронзадан ясалган лавҳача. Бруно кўзини қисганча бурни остида секин гўлдираб ўқиди.

Лагерь очилиши муносабати билан ўрнатилган... — Бруно тутилиб қолди, — ...Аушвиц, — ўқиди у. — Июнь, 1940 йил.

У лавҳачага қўлини теккизиб кўрди, бронза жуда совуқ экан, Бруно қўлини тортиб олди. Кейин чуқур хўрсиниб, йўлга тушди. Отаси билан онаси доимо унга уйнинг ташқарисида сайр қилиш тақиқланади, тўсиққа яқинлашиш тақиқланади, Аж-Висда тадқиқод экспедициялари тўғрисида эса гап бўлиши ҳам мумкин эмаслигини таъкидлашарди. Бруно булар ҳақида ўйламасликка ҳаракат қиларди.

“Қулоғинга қўрғошиндай қуйилсин.

Ўнинчи боб

НУҚТА — ДОҒ — ШАРПА — БОЛАКАЙ

Тўсиқ бўйлаб сайр Бруно тахмин қилганидан кўра кўпроқ вақтни олди, — бу девор бир неча километрга чўзилганга ўхшайди. Бруно кетаверди, кетаверди, ўзи яшаган уйга аланглаб қараганида эса, у ҳар сафар кичрайиб ва кичрайиб бораверди, кейин буткул кўздан ғойиб бўлди. Бу вақт давомида Бруно ҳеч кимни учратмади; тўсиқнинг на у тарафида ва на бу тарафида — ҳеч ким йўқ эди, шунингдек, ичкарига кирса бўладиган на дарвоза, на эшик учрамади. У энди наҳотки саёҳати тўла барбод бўлиш билан тугаса, деб умидсизликка туша бошлади. Гарчи тўсиқ аввалгидек узоққа чўзилган бўлса-да, узунчоқ иморатлар билан печ қувурлари ортда қолганди ва энди тўсиқ ортида поёнсиз бўшлиқдан бошқа ҳеч нима йўқлиги уни баттар саросимага туширганди.

Бир соат юргач, Брунонинг қорни очди ва тадқиқодлари бугунга етарли бўлди ҳамда орқага қайтгани маъқул, деб ўйлади. Лекин айнан ўша лаҳзада у узоқда миттигина нуқтани илғаб қолди ва бунинг нималигини яхшилаб кўриш учун тикилиб қаради. Бруно қаердадир ўқиганди, башарти саҳрода адашиб ва бир неча кун овқатсиз ва сувсиз қолиб кетса, хаёлида зўр ресторанлар ва баҳайбат фавворалар сурати чизилади, сен уларни гўё ростдан кўриб тургандек бўласан, лекин

емоқчи ёки ичмоқчи бўлсанг, ҳаммаси ғойиб бўлади, худди кум сингари бармоқларинг орасидан тўкилиб тушади. У билан ҳам шунга ўшаш ҳолат юз бермаяптимикиан?

Бироқ тапвиш ташвиш билан-у, унинг оёқлари ўша узоқдаги нуқта томон қадам-бақадам олиб кетаверди, нуқта аввалига сиёҳ доғига айланди, кейин аста-секин катталашиб, тез орада шарпага айланди. Кейин эса, Бруно яқинроққа борганида, бу нуқта ҳам, доғ ҳам, ҳатто шарпа ҳам эмас, одам эканлигини кўрди. Аниқроғи эса, болакай эди.

Бруно саёҳатчи ва тадқиқодчилар тўғрисида анчагина китобларни ўқиб, бир нарсани англади: нимани топишингни ҳеч қачон билмайсан. Саёҳатчилар кўпинча, сираям йўқолиб қолмаган, шунчаки бир жойда ўз ҳолича тинчгина, мени қачон топишаркан, деб кутишда ҳеч кимга тегмай (масалан, Американи айтсак) ётган бирон-бир арзигулик нарсага тасодифан дуч келадилар. Баъзан изланувчилар умуман изламаганлари яхшироқ бўлган нарсаларни (масалан, буфет орқасидан ўлган сичқонни) топишади.

Топилган болакай топилмаларнинг биринчи даражасига мансублиги аён эди. У гарчи ётмаган бўлса ҳам, ҳеч кимга тегмас ва ўзини топишларини кутиб, чурқ этмай ерда ўтирарди.

Нуқта доғга, кейин шарпага, ниҳоят болакайга айланган чоғда, Бруно қадамини сустлаштирди. Гарчи уларни тўсиқ ажратиб турган бўлса ҳам, Бруно нотанишлар билан эҳтиёткорлик ҳеч қачон халал бермаслигини ва уларга у ёқ-бу ёққа қараб олиб яқинлашиш зарурлигини биларди. Шу тарзда, у сездирмай олға юриб боришда давом этди ва тез орада болакай билан юзма-юз келди.

— Салом, — деди Бруно.

— Салом, — жавоб берди болакай.

У Брунодан кичикроқ эди ва қандайдир талмовсираганнамо кўринарди. У тўсиқ ортидаги бошқа кишилар каби худди шунақа йўл-йўл пойжома ва матоли шапка кийиб олганди. На ботинкаси, на пайпоғи бор эди, иштони тагида анча иркит оёқлари чиқиб турарди. Енгида эса, юлдузчали боғич боғланганди.



Бруно боланинг ёнига борганида, у оёқларини чалиштириб, ерга нигоҳини қадаб ўтирарди. Лекин, саломлашаётиб, у бошини кўтарди ва Бруно унинг юзини кўрди. Тўғриси, ғалати чехра. Териси кулранг бўлиб, Бруно бундай кулранг тусни ҳали сираям кўрмаганди. Боланинг катта кўзлари қорамтир йилтирар, кўзининг оқи эса, жудаям оппоқ эди. Бола Брунога қараганида, нотаниш болакайнинг юзида каттакон маъюс кўзидан бошқа ҳеч вақо йўқдек кўринди.

Бруно умрида бундай қилтириқ ва ғамгин болани сираям учратмаганига онт ичиши мумкин эди, лекин барибир у билан гаплашиб кўришга аҳд қилди.

— Мен тадқиқод экспедициясини ўтказяпман, — маълум қилди у.

— Сенми? — жавобан сўради болакай.

— Ҳа-да, менинг экспедициям икки соатдан буён давом этипти.

Жиддий айтганда, бу гап унчалик тўғри эмасди. Бруно бир соатдан сал мўлроқ вақт илгари йўлга тушган бўлиб, озроқ ошириб айтгани унга унчалик жиддий ножўя иш бўлиб туюлмасди. Ахир бу ёлғон эмаску, натижада эса, у ҳозиргидан кўра анча тажрибалироқ саёҳатчидай кўринади.

— Бирон нима топа олдингми? — сўради бола.

— Жуда кам нарса.

— Умуман ҳеч нимами?

— Шу, сени топдим, — жавоб берди Бруно, бир оз индамай тургач.

У болага қараб туриб, ундан нима учун бунчалар ғамгинлигини сўраса бўлармикан, деб ўйланар, аммо саволи ҳаддан зиёд кўпол чиқишидан хавотирланарди. Бруно айрим кишилар маъюслигида савол бераверишларини ёқтирмаслигини биларди; баъзида уларнинг ўзлари ҳаммасини айтиб беришади, баъзан эса, бир неча ойлаб чурқ этишмайди ва Бруно ўз сўзларини яхшилаб тарозига солиб гапиришга аҳд қилди. Унинг экспедицияси муваффақият қозонди: ниҳоят у тўсиқнинг нариги тарафида яшовчи инсон зоти билан суҳбатлашмоқда, мабодо у болани хуркитиб юбориб, омадини қўлдан бой бериб қўйса, анча алам қиларди.

Бруно янги таниши сингари тўсиқнинг ўз тарафига ерга чордана қуриб ўтирди ва ўзи билан икковлон бўлишиб эса бўладиган шоколад ёки нон олволмаганига ачинди.

— Мен тўсиқнинг бериги томонидаги уйда яшайман, — деди Бруно.

— Шунақами? Мен ўша уйни анча наридан кўргандим, лекин сени у ерда пайқамагандим.

— Менинг хонам иккинчи қаватда, — сўзида давом этди Бруно. — У ердан сизнинг худудингиз жуда яхши кўринади. Айтмоқчи, менинг исмим Бруно.

— Меники эса Шмуэль, — ўзини таништирди болакай.

Бруно тўғри эшитганига ишонқирамай, афтини бужмайтирди.

— Исмингни нима дединг?

— Шмуэль, — такрорлади бола, гўё унинг исмида ҳеч қандай гайриоддийлик йўқдай оҳангда. — Сен-чи, исмингни нима дединг?

— Бруно.

— Бундай исми ҳеч қачон эшитмаганман, — тан олди бола.

— Мен ҳам Шмуэль деган исми ҳеч қачон эшитмагандим, — илиб кетди Бруно. — Шмуэль, — такрорлади у. — Уни талаффуз этганда, қандай товуш пайдо бўлиши менга ёқпти. Худди шабада эгандек.

— Бруно, — шодон бош ирғади болакай. — Менга ҳам сенинг исминг ёқпти. Худди кимдир исиниш учун кафтларини бир-бирига ишқалаётгандек.

— Мен ҳам Шмуэль деган исми одамни учратмагандим.

— Тўсиқнинг бу тарафида Шмуэллар жуда кўп, — деди бола. — Юз ёки мингларча. Менда ҳеч кимда йўқ исм бўлишини хоҳлардим.

— Лекин мен Бруно деган исми одамни сира учратмаганман. Ўзимдан бошқа, албатта. Ҳойнаҳой, ёлғиз ўзим шунақадирман.

— Омадинг бор экан, — деди Шмуэль.

— Ўйлайманки, шундай. Ёшинг нечада?

Шмуэль дарҳол жавоб бермади, аввалига у гўёки ўз ёшини ҳисоблаётгандек бармоқларини қимирлатди.

— Тўққизда, — деди у мамнун оҳангда. — Мен бир минг тўққиз юз ўттиз тўртинчи йил ўн бешинчи апрелда туғилганман.

Бруно унга ҳайрат билан тикилиб қолди.

— Нима дединг?

— Мен бир минг тўққиз юз ўттиз тўртинчи йил ўн бешинчи апрелда туғилганман.

Брунонинг кўзи очилиб, оғзи “О” ҳарфи шаклига кирди.

— Бўлиши мумкин эмас.

— Нима учун? — сал ранжиди Шмуэль.

— Йўқ, — бошини силкитди Бруно, — сенга ишонаман. Лекин мен жудаям таажжубланияпман. Чунки мен ҳам ўн бешинчи апрелда туғилганман. Бир минг тўққиз юз ўттиз тўртинчи йилда. Биз бир кунда туғилган эканмиз!

Шмуэль ўйланиб қолди.

— Демак, сен ҳам тўққиз ёшда экансан-да.

— Ҳа. Бу ғалати эмасми?

— Жудаям ғалати. Балки тўсиқнинг бериги томонида юзларча Шмуэллар бордир, аммо бу ерда мен билан бир кунда туғилган ҳеч кимни кўрмадим.

— Биз худди эгизаклардекмиз, — деди Бруно.

— Тўғри, шунақароқ, — маъқулади Шмуэль.

Бруно бирдан жуда хурсанд бўлиб кетди. Карл, Даниэль ва Мартин деган дўстлари билан Берлинда ҳаммалари биргаликда қандай иноқ яшаганлари ёдига тушиб кетди, шунда у Аж-Висда нақадар ёлғизланиб қолганини англади.

— Сенинг дўстларинг кўпми? — сўради Бруно зимдан Шмуэлга қараб.

— Ў ха!.. Шу, умуман айтганда, анчагина.

Бруно хўмрайиб олди. У Шмуэлнинг йўқ дейишини кутгани ва бу икковининг ўхшаш жиҳатларини янада орттирарди.

— Яқин дўстларингми? — аниқлаштирди у.

— Яқин дўстларим йўқ, шекилли. Биз бу ерда кўпчиликмиз — яъни, биз тенги ўғил болалар. Ростини айтганда, биз деярли ҳар доим уришаверамиз. Шу сабабли мен шу ерга келаман. Ёлғиз қолишим учун.

— Бу инсофдан эмас, — арз қилди Бруно. — Нима сабабдан тўсиқнинг бу тарафида на суҳбатлашадиган, на ўйнайдиган ҳеч кимим йўқ, изғиб юрарканман-у, сени эса куни бўйи ўйнайдиган ўртоқларинг тиқилиб ётиши керак? Бу ҳақда отам билан гаплашиб қўйишимга тўғри келади.

— Сен-чи, қаерда туғилгансан? — тўсатдан қизиқиб қолди Шмуэль.

— Берлинда.

— Бу қаерда?

Бруно энди тушунтирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, лекин Берлин қаерда жойлашганини ўзи ҳам унча билмаслигига вақтида ақли етди.

— Германияда, албатта, — дея гап топиб берди у. — Сен-чи, Германиядан эмасмисан, ахир?

— Йўқ, мен Польшаданман.

— Ундай бўлса, нимага олмон тилида гаплашяпсан? — ҳайрон бўлди Бруно.

— Чунки сен олмон тилида саломлашдинг. Мен ҳам шундай жавоб бердим. Сен-чи, полякча сўзлаша оласанми?

— Йўқ, — Бруно ўзини йўқотганча ҳиринглади. — Мен икки тилда сўзлаша оладиган ҳеч кимни танимайман.

— Онам — мен ўқиган мактабда муаллима, у менга олмончани ўргатган, — деди Шмуэль. — Онам фарангча ҳам, итальянча ҳам, инглизча ҳам гаплаша олади. У жудаям ақлли. Мен ҳозирча на фарангча, на итальянчани биламан, лекин онам қачон бўлмасин, менга инглизчани ўргатишга ваъда берган, чунки бу тил менга керак бўлиб қолиши мумкин.

— Польша, — аста деди Бруно, сўзни тилида юмалатаркан. — У ерда Германиядагидек унча яхши эмас-ку, ахир, шунақами?

Шмуэль ўшшайиб олди:

— Нимага энди у ерда ёмонроқ бўлиши керак?

— Ахир, Германия — дунёда энг буюк давлат-ку, — Брунонинг ёдига отаси билан бобосининг суҳбатлари тушди. — Биз ҳаммадан яхшимиз... — Бруно ҳали жумлани тугатишга улгурмасидан, ўз сўзларида нимадир ўзгачалигини ҳис қилди.

Шмуэль унга қараб қўйди, лекин ҳеч нима демади, Бруно эса бошқа бирон нима ҳақида гаплашишга иштиёқи кучайганини ҳис этди. Шмуэль уни мақтанчоқ деб ўйлашини сира хоҳламасди. Сукунат чўзилиб кетди ва Бруно уни савол билан бўлди:

— Польша қаерда жойлашган?

— Қаерда бўларди, Европада.

Бруно жуғрофия дарсларида герр Литц билан қандай мамлакатларни ўтганини эшлагани уринди.

— Сен Дания деган мамлакатни биласанми?

— Йўқ.

— Польша Данияда жойлашган, деб ўйлайман. — Гарчи Бруно ақлли бўлиб кўринишга ҳаракат қилсада, лекин тобора чалкашиб кетарди. — Бу ердан кўплаб километр нарида, — дея қўшиб қўйди у янада ишончлироқ бўлиши учун.

Шмуэль унга тикилиб қараганча, гўё жавобни ўйлаб кўраётгандек лабларини қимирлатди.

— Лекин биз ҳозир Польшадамиз-ку, — деди у ниҳоят.

— Ростданми?

— Ҳа. Дания эса Польшадан ҳам, Германиядан ҳам жуда узоқда.

Бу мамлакатларнинг ҳаммаси ҳақида Брунога гапириб беришган, лекин уларнинг қаерда жойлашганлигини ўрганиш доимо зерикарли бўлиб туюларди.

— Жуда соз, — деди Бруно тетик оҳангда. У жуда кўп бемаъни сўзлар гапириб қўйганидан шубҳаланиб, энди бундан кейин жуғрофия дарсларида эътиборлироқ бўлишга ўзига сўз берди. — Лекин, ҳаммаси нисбий-ку, тўғрими? Масофани кўзда тутмоқдаман.

— Мен ҳеч қачон Берлинда бўлмаганман, — деди Шмуэль.

— Мен эса, бу ерга келишдан аввал ҳеч қачон Польшада бўлмаганман, — қўллаб-қувватлади Бруно, унинг калласида эса: “Рост гапни гапириш нақадар осон!” — деган фикр ярқ этиб ўтди. — Агар бу ростдан ҳам Польша бўлса, албатта.

— Ишончинг комил бўлаверсин, — яна маъюс тортди Шмуэль. — Тўғриси, унинг энг яхши қисми эмас.

— Йўғ-е.

— Мен туғилган жой анча чиройлироқ.

— Бу ер Берлинга нисбатан ёмонроқлиги аниқ, — деди Бруно. — Берлинда агар ертўла билан энг юқоридаги дарчали хоначани ҳисобга олганда, беш қаватли уйимиз бор эди. У ерда ажойиб кўчалар ва дўконлар, сабзавот-мевалар сотиладиган пештахталар ва кўплаб қаҳвахоналар бор эди. Аммо, агар сен қачон бўлмасин, ўша ёққа борадиган бўлсанг, шанба куни шаҳар марказида сайр қилишни маслаҳат бермайман, чунки у ердаги тиқилинчда сени шунчаки эзиб ташлашади. Илгарилари эса, кўп нарсаларнинг ўзгаришигача Берлинда янада яхшироқ бўлган эди.

— Нима ўзгарди? — қизиксинди Шмуэль.

— Билсанг, у ер жудаям тинч эди, — истар-истамас жавоб берди Бруно: у ўзгаришлар тўғрисида ҳикоя

қилишни ёқтирмасди. — Мен оқшомлари ўрнимга ётиб ўқий олардим. Бироқ, ҳозир Берлин жуда сершовқин ва кўрқинчли, кўчалар қоронғилашганда чироқни ҳамма ерда ўчиришимизга тўғри келади.

— Мен туғилган шаҳар Берлинга қараганда анча ёқимлироқ, — деди шарт кесиб Шмуэль, гарчи Берлинни умуман кўрмаган бўлса-да. — У ерда ҳамма жуда меҳрибон, оиламиз ҳам катта, овқатлари ҳам анча яхшироқ.

— Майли, ҳар ким хоҳлаганини ўйласин, бошқаси эса, унинг нуқтаи назарини ҳурмат қилсин, — таклиф қилди Бруно, у янги дўсти билан танишганининг биринчи куниданоқ уришиб қолишни умуман хоҳламасди.

— Бўпти, — бош ирғади Шмуэль.

— Сен экспедицияларда бўлишни яхши кўрасанми? — сўради Бруно биров сукутдан сўнг.

— Мен экспедицияларда ҳеч қачон бўлмаганман.

— Мен катта бўлганимда, саёҳатчи-тадқиқодчи бўлмоқчиман, — жонланди Бруно. — Ҳозирча тадқиқодчилар ҳақида фақат ўқий оламан, лекин бу вақтни бекор сарфлаш эмас. Ҳар қалай, келажакда уларнинг хатосини тақрорламайман.

— Қандай хатоларни? — ҳадиксиради Шмуэль.

— Қандай бўлишидан қатъи назар! Ҳар қандай экспедицияда топган топилманг сенга керак бўлиши ёки эҳтимол, уни излашнинг ҳам ҳожати йўқлиги энг муҳим жиҳатдир. Масалан, Америка. Бошқа топилмаларга эса умуман қўл теккизилмагани маъқулроқ. Масалан, буфет орқасидаги ўлган сичқонга.

— Башарти мен сенинг топилманг бўлсам, у ҳолда, назаримда, Америкага ўхшайман, — деди Шмуэль.

— Ҳа, — тасдиқлади Бруно. — Мен ҳам шунақа деб ўйлайман... Сендан битта нарсани сўрасам майлими? — қўшиб қўйди у.

— Сўрайвер.

Бруно яна қовун тушириб қўймаслик учун айтмоқчи бўлган жумлаларни фикран такрорлади.

— Нимага тўсиқнинг нариги тарафида одамлар шунчалик кўп? Ва улар у ерда нима қилишади?

Ўн биринчи боб

ФУРОР

Бир куни кечқурун — отасига янги форма бериб, уйдаги хизматкорларнинг ҳаммасига “жаноб комендант” дея мурожаат этишга мажбур қилишларидан илгарироқ, Бруно мактабдан қайтганида, ўз хонасида унинг буюмларини қутиларга жойлаётган Марияни топган кун арафасида, — отаси жудаям ҳаяжонланган аҳволда уйга қайтди. Одатда, у бундай аҳволда бўлмас эди. У онаси, Бруно ва Гретель китоб ўқиб ўтирган меҳмонхонага тўппа-тўғри одимлаб ўтди.

— Пайшанба куни кечқурун, — остонадан эълон қилди отаси. — Мабодо пайшанба кунга режаларимиз бўлса, улардан воз кечишга тўғри келади.

— Сен ўз режаларингни истаганча ўзгартиришинг мумкин, — эътироз билдирди онаси. — Мен эса театрга боришга келишиб олганман...

— Фурур мен билан баъзи нарсаларни муҳокама қилиб олмоқчи. — Бошқа ҳаммадан фарқли равишда отасига онасининг гапини бўлишга ижозат бериларди. — Бугун кундузи у билан телефонда гаплашдим. У фақат пайшанба куни кечқурун вақти борлигини ва бизникига кечки овқатга келишини айтди.

Онасининг кўзи катта очилиб, лаблари “О” ҳарфини ифодалади. Бруно унга тикилиб қолди: наҳотки бирон нимадан ҳайратланганида ўзи ҳам худди шундай кўринса?

— Ҳазиллашяпсан. — Онасининг ранги бироз оқарди. — У шу ерга келадими? Бизнинг уйимизга-я?

Отаси бош ирғади.

— Соат еттида. Уни нима билан меҳмон қилишни ўйлаб кўриш керак. Бирон-бир ўзига хос таом бўлса, яхшироқ бўларди.

— Вой худойим. — Ҳали қанча юмушларни бажариши кераклигини кўнглидан ўтказганидаёқ, онасининг кўзи ола-кула бўлиб кетди.

— Фурор ким бўлди? — сўради Бруно.

— Сен нотўғри талаффуз этияпсан, — деди отаси ва ўғли унинг ортидан такрорлаши учун сўзни атайлаб секин ва тўғри талаффуз қилди.

— Фурор, — такрорлади Бруно, отасига ўхшатиб аниқ айтишга уринакан, аммо, ўхшамади.

— Йўқ, фю... — дарсни давом эттирди отаси, бироқ бирдан қўл силтади: — А, бу аҳамиятсиз!

— Лекин ҳар ҳолда у ким ўзи? — тинчимасди Бруно.

Отаси ўғлига тушунарсиз қараб турарди:

— Фурор кимлигини ўзинг жуда яхши биласан.

— Йўқ, билмайман.

— У мамлакатни бошқаради, тентак, — Гретель опаларга хос жиҳат билан қуруқланмоқчи бўлди. (Мана шунинг учун ҳам унга “эл бўлмас” деб ном берилганди.) — Нима, газета ўқимайсанми?

— Илтимос, укангни тентак дема, — гапга кўшилди онаси.

— Уни аҳмоқ десам бўладими?

— Йўқ, ундай ҳам дема.

— Ҳафсаласи пир бўлган Гретель ўз жойига ўтирди, бироқ укасига тилини чиқариб қўйишни унутмади.

— Ёлғиз ўзи келадими? — сўради онаси.

— Аниқлаштиришни унутибман, — тўсатдан эслаб қолди отаси. — Ҳойнаҳой, ўзи билан аёлини бошлаб келар.

— Оҳ.

Онаси ўрnidан турди. У икки кундан кейин бўладиган пайшанба кунига қанча нарсани бажариши ва ташкил этиши зарурлигини фикрлаётгани равшан эди. Уйни юқоридан пастгача йиғиштириб, дераза ойналарини ювиш, овқатланадиган столни доғлардан тозалаб, ялтиратиш керак, егуликларга буюртма бериб, оқсоч билан эшик оғаси формаларини ювдириб, дазмоллатиш, чинни идишлар ва бокалларни ярқирагунча тозалатиш зарур.

Лекин, керакли нарсалар рўйхати ҳар соатда узайиб боришига қарамасдан, гарчи онаси бетиним тарзда: агар бировлар уй юмушларида кўпроқ ёрдам берганларида эди, ажойиб кечки овқатни тайёрлаш анча осонроқ бўларди, дея шикоят қилса-да, унга тайёргарликни ўз муддатида тугатишга муваффақ бўлди.

Фурор пайдо бўлишидан бир соат олдин Гретель билан Брунони пастга чақириб, камёб шарафга эриштиришди — отасининг кабинетига таклиф этишди. Гретель оқ кўйлак ва калта пайпоқ кийганди, унинг қўнғироқ сочлари жингалак қилинганди. Брунонинг эғнида тиззасигача етган тўқ-жигарранг шим, оддий оқ кўйлак ва тўқ-жигарранг бўйинбоғ тақилганди. Бундай воқеа муносабати билан унга янги ботинка сотиб олинди, гарчи пойабзал сал кичикроқ бўлиб, бамоқларини қисаётган ва унда юриш қийин эса-да, у жудаям ғурурланарди. Шундай бўлса-да, бу ҳамма тайёргарликлар ва байрамона либослар Бруно учун ортиқча ташвиш бўлиб кўринарди: ахир на у, на опаси кечки овқатга таклиф этилмагандилар; улар бир соат илгарироқ овқатланиб олишди.

— Хуллас, болалар, — отаси ёзув столи ёнида ўтириб, нигоҳини гоҳ қизига, гоҳ ўғлига қаратарди; уларни ўтиришга таклиф этишмади. — Бугун ўзгача оқшом эканини тушунапсиз, деган умиддаман, шундайми?

Болалар бош ирғадилар.

— Ҳаммаси бекаму кўст ўтиши ишда муваффақият қозонишим учун ғоят муҳим.

Болалар яна бош ирғадилар.

— У ҳолда, ўзлаштириб олишингиз керак бўлган асосий қоидаларни санаб ўтаман.

Отаси асосий қоидаларга астойдил ишонарди. Уйда фавқулоддан ташқари ёки бирон жиддийроқ воқеа рўй берган чоғда, ушбу қоидалар кўз олдиларида кўпайиб кетар ва уларни отасининг ўзи ўйлаб топарди.

— Биринчи рақамли қоида, — гап бошлади отаси. — Уйга Фурор етиб келганида, сизлар жимгина, даҳлизда турганча у билан саломлашишни осойишта кутасиз. У билан ўзи гап бошлашидан олдин гаплашманг. Унга жавоб бераётганда жарангдор товушда, ҳар бир сўзни аниқ талаффуз этиш керак. Тушунарлими?

— Ҳа, дада, — ғўлдиради Бруно.

— Бундай жавоб бериш эса, мумкин эмас, — деди отаси ғўлдирашни назарда тутиб. — Оғзингни очиб, катта одам сингари гапир. Ўзингизни болаларга ўхшаб тутишингизнинг сира ҳожати йўқ. Мабодо Фурор сизларга эътибор бермаса, чурқ этманг, лекин улуғ доҳиймизга нисбатан ҳурмат ва хушмуомалаликни намойиш этиб, бошингизни баланд кўтарган ҳолда тутинг.

— Албатта, дада, — жарангдор овоз билан жавоб берди Гретель.

— Биз онангиз билан иккимиз Фурор билан бирга овқатланишга кирганимизда эса, сизлар ўз хонангизга

бориб, ниҳоятда тинч ўтирасиз. Уй бўйлаб ҳеч қандай югуриш, зинапоя панжараларидан учиб тушишлар бўлмасин, — отаси Брунога маъноли қараб қўйди, — бизнинг ёки меҳмонларнинг гапларига аралашшига ҳеч қандай уриниш бўлмасин. Тушунарлими? Бирон-тангизнинг ҳаддан ошиб кетишингиз етмай турганди, холос.

Бруно билан Гретель бош ирғашди. Отаси қабул туганини билдириб, ўрнидан турди.

— Асосий қоидалар ёдингизда бўлсин, — деди у охирида таҳдидли овоз билан.

Чорак кам бир соатдан кейин эшик кўнғироғи жиринглади ва умумий ҳаяжондан уй зириллаб кетди. Бруно билан Гретель зина олдида ёнма-ён туришди, онаси қўлларини асабий артганча уларга кўшилди. Отаси оиласига тезгина назар ташлаб, қоникқандай “ҳм” деб қўйди ва шундан кейингина эшикни очди.

Остонада икки киши: бўйи анча пастроқ эркак билан ҳамроҳидан баландроқ аёл турарди.

Отаси саломлашиш ишорасини бажариб, қўлини юқорига силтаб кўтарди ва уларни уйга киритди, Мария бошини одатдагидан ҳам кўра пастроқ эгиб, уларнинг эгниларигаги пальтоларини ечди. Меҳмонларга оила аъзоларини таништиришди. Улар аввал онаси билан гаплашишди ва Бруно меҳмонларни яхшилаб кўриб олиш ҳамда улар шарафига ташкил этилган бундай алғовдалғовларга лойиқ эканликларини ҳал этиш имконидан фойдаланди.

Фурор отасидан пастроқ эди ва Брунонинг тахминига кўра, унчалик мушакдор эмасди. Унинг калта қирқилган сочи ва кичкина мўйлови бўлиб, мўйлови шунчалар кичкина эдики, унга бу мўйловнинг нима сабабдан кераклигини Бруно тушунмасди. Эҳтимол,

у соқолини олаётганида, шунчаки паришонхотирлиги туфайли юқори лаби устида озроғини қолдиргандир? Унинг ҳамроҳи эса Брунода каттароқ таассурот қолдирди: бунақанги гўзал аёлни у ҳеч қачон учратмаган эди. Унинг сочлари сарғиш ва лаблари ёрқин қизил рангда бўлиб, токи Фурор онаси билан гаплашгунига қадар аёл ўгирилиб, Брунога жилмайиб қаради, у эса уялганидан қизариб кетишга мажбур бўлди.

— Булар эса, менинг фарзандларим, Фурор, — деди отаси. — Гретель ва Бруно.

Болалар бир қадам олға силжидилар.

— Хўш, улардан қай бири ким? — сўради Фурор.

Ҳамма кулиб юборди, — Брунодан бошқа ҳамма. У кимнинг ким эканлиги уларнинг чехраларида ёзилиб турибди ва ҳар ҳолда бу ҳазил ва хурсандчилик учун баҳона эмас, деб ҳисобларди. Фурор уларнинг қўлларини сиқиб қўйди.

— Қандай ажойиб болалар! — дея хитоб қилди сарғиш сочли соҳибжамол. — Улар неча ёшдалигини билсам бўладими?

— Мен ўн иккидаман, у эса ҳали тўққиз ёшда, — жавоб берди Гретель укасига нафратомуз нигоҳини ташлаб. — Мен эса яна фарангча гаплашаман. — Тўғриси айтганда, Гретель озроқ ёлғон гапирганди: у мактабда атиги бир нечта жумлаларни ўрганиб олишга улгурганди.

— Жуда соз, лекин сенга фаранг тили нимага керак? — сўради Фурор.

Бу сафар ҳеч ким кулмади, аксинча, ҳамма саросимада қолди. Гретель эса, нима деб жавоб беришни билмай, Фурорга қараб турарди.

Афтидан, Фурорга жавобнинг ҳожати ҳам йўқ эди, чунки Брунонинг фикрича уларнинг уйига келган энг тарбиясиз меҳмон шу. У тезгина бурилиб, тўппа-тўғри емакхонага йўналди ва стол тўридаги — отасининг жойига бориб ўтирди! Сал қизариб кетган онаси отаси билан унинг изидан йўл олишди, онаси йўл-йўлакай Ларсга шўрвани иситишни буюрди.

— Мен ҳам фарангча гаплашаман. — Сариқ сочли хоним эгилиб, болаларга жилмайди. Афтидан, у Фурордан отаси билан онасидек кўрқмасди. — Фаранг тили чиройли ва уни ўрганиб тўғри қиласан.

— Ева! — кичқирди Фурор емакхонадан ва гўё итни чақираётгандай бармоқларини шиқирлатди.

Хоним кўзлари орқага тортиб, қаддини оҳиста ростлади.

— Ботинканг жуда зўр экан, Бруно, лекин сал торроқ, шекилли, — кўшиб қўйди аёл аввалгидек жилмайиб. — Агар шундай бўлса, бу ҳақда онангга айт, акс ҳолда оёғингни шилиб юборарди.

— Ботинкам сал-пал сиқяпти. — деди Бруно.

— Одатда, мен сочларимни жингалак қилмайман, — деди ҳовлиқиб Гретель укасига кўрсатилаётган эътиборга бахиллик қилиб.

— Лекин нима учун? — ажабланди хоним. — Сенга жудаям ярашиб турибди.

— Ева! — ўшқирди Фурор, шундан кейингина сарғиш сочли соҳибжамол емакхонага йўл олди.

— Сиз билан танишиш бағоят ёқимли бўлди, — деди аёл хона остонасида.

Болалар уни Фурорнинг чап тарафига ўтирганини кўришди. Гретель зина томонга юрди, бироқ Бруно қоққан қозикдай турганча ажойиб меҳмондан кўзини узмасди. Аёл унинг нигоҳини тутиб, қўл силкиди, лекин

шу захоти отаси пайдо бўлиб, эшикни ёпаркан, бошини силтаб кўйди ва Бруно ўз хонасига чиқиб кетадиган фурсат етгани ҳамда тинчгина ўтириши зарурлигини, зинҳор-базинҳор зинапоя панжарасидан асло учиб бўлмаслигини англади.

Фурор билан Ева уларнинг уйида икки соатча бўлишди, лекин на Гретелни, на Брунони меҳмонлар билан хайрлашиш учун пастга чақиришмади. Уларнинг жўнаб кетаётганларини Бруно ўз хонаси деразасидан кузатарди. Улар машина ёнига борганларида, — буни қаранг-а! — Фурор ҳамроҳи учун эшик очмай, аввал ўзи ичкарига кириб олди ва то аёл ажойиб кечки овқат учун онасига миннатдорчилик билдириб ўтиргунга қадар, газетага мук тушиб ўтирди.

«Намунча ярамас нусха экан», — ўйлади Бруно.

Ўша оқшом сал кечроқ Брунога отаси билан онасининг ўзаро суҳбатлари чала-ярим етиб келди. Отасининг кабинети эшик тирқишидан узук-юлуқ гаплар сизиб чиқиб, юқорига учар ва Брунонинг хонасига сирғалиб кирарди. Ота-онасининг овозлари ғайриодатий тарзда баланд ва ҳаяжонга тўлиқ эшитилгани боис, Бруно жуда кам гапни англай олди.

«... Берлиндан кўчиб кетиш. Ва қаерга... » — дерди онаси.

«... Бошқа йўл йўқ, агар биз учун ҳаммаси тугашини хоҳламасак...» — отасининг овози келарди.

«Худди бу дунёда энг тўғриси шудек, лекин бу ундай эмас, ундай эмас... » — бақирарди онаси.

«...Акс ҳолда, мени олиб кетишади ва мениям худди...» — эътироз билдирарди отаси.

«...Бундай жойда улардан қандай одам етишиб чиқади...» — тинчимасди онаси.

«...Бўлди, бас, бошқа эшитишни ҳам истамайман...» — тутоқиб қичқирарди отаси.

Афтидан, суҳбат шу билан тугади, чунки онаси шу заҳоти отасининг кабинетидан чиқиб кетди ва Бруно ухлаб қолди.

Икки кун ўтгач, у мактабидан уйга қайтганида, ўз хонасида Марияни учратди. У жавондан кийим-кечакларни чиқариб, тўртта ёғоч сандиққа тахлаб жойлар, ҳатто чуқур ерга яширилиб, ҳеч ким қўл теккизишга ботинолмайдиган нарсаларни ҳам чиқарарди. Ва ҳаммаси шундан бошланди.

Ўн иккинчи боб

БРУНОНИНГ САВОЛИГА ШМУЭЛЬ ҚАНДАЙ ЖАВОБ БЕРДИ

Сенга айтсам, — гап бошлади Шмуэль. — Мен фақат бир нарсани биламан: илгари биз онам, отам ва Иосиф акам билан дадамнинг соатсозлик устахонаси тепасидаги унча катта бўлмаган хонадонда яшардик. Биз ҳар куни эрталаб соат еттида нонушта қилиб бўлгач, мактабга кетардик, дадам эса, унга келтиришган соатларни тузатар ва янгиларини ясарди. Бир куни у менга жуда чиройли соат ҳадя қилди, лекин у ҳозир менда йўқ. Унинг циферблати олтиндан ясалган бўлиб, ҳар оқшом уйқудан олдин унинг мурватини бураб қўярдим, у вақтни доимо аниқ кўрсатарди.

— Соатинг қаерда қолди? — сўради Бруно.

— Олиб қўйишди.

— Ким?

— Аскарлар-да, ким ҳам бўларди? — хотиржам жавоб берди Шмуэль, гўё бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасдек. — Кейин эса, ҳаммаси ўзгариб кетди. Кунлардан бир кун мактабдан уйга қайтсам, онам биз учун енгига тақиладиган боғич тикиб, уларга юлдузчалар расмини чизяпти. Мана бундай.

У бармоғи билан ерда юлдузча тасвирини чизди.



— Онам бизга бу боғичларни ҳар сафар уйдан чиқишда тақиб олишимизни буюрарди.

— Менинг отам ҳам боғлаб юради, — қўшиб қўйди Бруно. — Формасининг енгиди. Жуда чиройлисини. Тўк қизил рангдагисида қора-қизил нақши борини тақади.

У тўсиқнинг ўзи тарафидаги ерда ўша белгини бармоғи билан чизиб кўрсатди.



— Ҳа, улар ҳар хил кўринишда бўлади, — деди Шмуэль.

— Менда енгига боғланадиган боғич ҳеч қачон бўлмаган, — деди Бруно.

— Менга эса, гарчи сўрамасам ҳам, уни боғлаб қўйишди.

Бруно янги ўртоғини рухлантиришга уринди:

— Мен эса уни боғлаб юришдан бош тортмаган бўлардим. Ростини айтсам, сеникиними ё отамникиними, қайси бирини афзалроқ кўришимни билмайман.

Шмуэль елкаларини қисиб, ҳикоясини давом эттирди. Кейинги вақтларда у соатсозлик устахонаси устидаги ўзининг аввалги ҳаёти ҳақида камроқ эсларди, мазкур хотиралардан у жуда ғамгин бўлиб қоларди:

— Биз бир неча ой енгимизга боғич боғлаб юрдик. Кейин эса яна ҳаммаси ўзгариб кетди. Уйга қайтсам, онам энди уйимизда бошқа яшолмаслигимизни айтди.

— Мен билан ҳам худди шундай аҳвол рўй берди! — хитоб қилди Бруно, у уйидан кўчиб кетишга мажбур этилган дунёда ягона бола эмаслигидан қувониб. — Фурор бизникига кечки овқатга келди ва — тамом! — биз кўчиб кетяпмиз, дейишди менга. Бу жойни кўргани кўзим йўқ, — қўшиб қўйди у овозини баландлатиб. — У ҳам сизникига келиб, кейин бу ерга кетишга мажбур қилдимиз?

— Йўқ, биз ўз уйимизда бошқа яшай олмаслигимизни айтганларида, Краковнинг бошқа туманига кўчиб кетишимизга тўғри келди. У ерда аскарлар баланд девор қуришди ва онам, отам, акам, мен, ҳаммамиз бир хонада яшай бошладик.

— Ҳаммангиз биргаликдами? — қайта сўради Бруно.
— Битта хонада-я?

— Фақат биз эмас. Биз билан яна битта оила яшарди, ота-онаси ҳар доим бир-бири билан уришаверарди, катта ўғиллари ёмонлик қилмасам ҳам, мени урарди.

— Ҳаммаларингизнинг бир хонада яшашингиз асло мумкин эмас, — шубҳаланди Бруно. — Бунақа бўлмайди.

— Аммо шундай бўлди, — қизишиб эътироз билдирди Шмуэль. — Ўн бир киши.

Бруно эндигина баҳслашишга чоғланаётганди — у биргина хонада қандай қилиб ўн бир киши сиғиши мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам қилолмасди, — бироқ фикридан қайтди.

— Биз у ерда қандайдир муддат яшадик, — давом этди Шмуэль. — Хонада кичкина дарча бор эди, лекин мен ундан қарагим келмасди, чунки фақат девор кўринарди, мен эса уни ёмон кўрардим, ахир у бизни уйимиздан ажратиб турарди-да. Ўша ҳудуд ҳам ёмон эди, ҳар доим шовқин-сурон эшитилиб турар, ухлолмасдик. Ҳатто ҳеч қандай ёмон иш қилмаганимда ҳам мени урадиган ўша Лукаш деган боладан нафратланардим.

— Гретель ҳам баъзида мени уради, — тан олди Бруно. — У менинг опам, — изоҳ берди у. — Ундан яхшилик кўтиб бўлмайди. Лекин тез орада ўсиб, катта ва ундан кучлироқ бўламан, ўшанда ким кимнинг адабини беришини кўрамиз.

— Кейин эса, бир куни аскарлар катта юк машиналарида келишди, — афтидан, Гретель Шмуэлни унчалик

қизиқтирмасди, — ва ҳаммага кўчага чиқишни буюришди. Кўплар чиқишни хохламай, ҳар ким мумкин қадар яшириниб олди, бироқ, назаримда, ҳаммани тутиб келишди. Бизни юк машиналарига тиқиб, вокзалга элтишди ва биз поездга чиқдик...

Шмуэль лабини тишлаб, жим қолди. Брунога у ҳозир йиғлаб юборадигандай кўринди ва у бунинг сабабини тушунмасди.

— Поездда ниҳоятда даҳшатли эди. — Афтидан, Шмуэль ўзини қўлга олишга муваффақ бўлганди. — Биринчидан, вагонда одам тиқилиб кетганди. Ҳаво йўқ, нафас олиб ҳам бўлмасди. Жуда ҳам бадбўй ҳид тараларди.

— Чунки ҳаммаларингиз битта поездга чиқиб олгансиз, — Бруно ўзи Берлиндан қандай кетишганини эслади. — Биз бу ерга келаётганимизда, платформада иккита поезд турарди, лекин ҳамма улардан биттасига чиқишга уринарди, иккинчисини эса, гўё пайқамасдилар ҳам. Биз иккинчисига чиқдик. Сизлар ҳам шундай қилишингиз керак эди.

— Бизга ижозат беришмасди. Вагондан чиқа олмасдик.

— Эшиклар вагон охирида жойлашган, — деди Бруно.

— У ерда эшиклар йўқ эди.

— Э, бор бўлган, албатта, — хўрсинди Бруно. — Энг охирида. Буфетдан кейин дарҳол эшик бор.

— Ҳеч қандай эшиклар йўқ эди, — гапида туриб олди Шмуэль. — Агар улар бор бўлганида, ҳаммамиз ташқарига сакраб тушиб олган бўлардик.

Бруно “бўлган, албатта” дея секин гўлдираб қўйди, лекин баланд овозда такрорлаб ўтирмади.

— Бизни ниҳоят вагондан туширганларида, кўча жудаям совуқ эди ва пиёда кетишимизга тўғри келди.

— Бизни олиб кетиш учун машина келганди, — деди Бруно, бу сафар овозини баралла қўйиб.

— Онамни олиб кетишди, отамни, Иосиф ва мени эса ҳув анави баракларга киритишди. Ўшандан буён биз шу ерда яшаяпмиз.

Шмуэль ҳикоясини тугатгач, бутунлай хафа бўлиб қолди, Бруно нима гаплигини тушунмасди. Шмуэль билан ҳеч қандай қўрқинчли воқеа содир бўлмаган. Ахир Бруно ҳам худди шундай воқеани бошидан кечирмадимми?

— У ёқда болалар кўпми? — сўради у.

— Юзларча.

Брунонинг кўзи қинидан чиқай деди.

— Юзларча дейсанми?! — У ҳайратдан нафаси тикилаёзди. — Йўқ, бу инсофдан эмас. Тўсиқнинг бериги томонида ўйнаш учун умуман одам йўқ. Ҳеч ким йўқ.

— Биз ўйнамаймиз.

— Ўйнамайсиз? Нимага?

— Нимани ўйнаймиз? — Шмуэль ҳатто эсанкираб қолди.

— Шу, билмадим. Ҳар хил ўйинлар. Масалан, футбол. Ёки экспедициялар ташкил этиш. Айтгандай, сизларда — у ёқда тадқиқ қиладиган нарсалар борми?

Шмуэль индамай бошини тебратди. У баракларга ўтирилиб нигоҳ ташлади, кейин яна Брунога қаради. У кейинги саволни сираям бермоқчи эмасди-ю, лекин қорнидаги оғриқ унга жасурлик бағишлади:

— Мабодо, тасодифан, ўзинг билан бирон егулик олмаганмидинг?

— Афсуски, йўқ. Мен шоколад оволмоқчи эдим-у, лекин унутибман.

— Шоколад, — секин қайтарди Шмуэль, шамолда ёрилган лабларини тили билан яларкан. — Мен ҳаётимда атиги бир марта шоколад еганман.

— Атиги бир марта? Мен эса шоколадни жудаям яхши кўраман ва гарчи онам ундан тишлар ишдан чиқади, деса ҳам, уни еб тўймайман.

— Нон-чи, олмаганмидинг?

Бруно йўқ, дея бошини чайқади.

— Нонни фақат дастурхонга қўйишади, кечки овқатга хали эрта, олти яримда. Сизларда-чи, кечки овқат соат нечада?

Шмуэль жавоб бермай, ўрнидан турди:

— Қайтадиган вақтим бўлди, деб ўйлайман.

— Бирон кун бизникига кечки овқатга келарсан, деган умиддаман, — деди Бруно, гарчи яқинлари бундай меҳмонни маъқул кўришларига ишончи комил бўлмаса ҳам.

— Умид қиламан, — бўшашиб жавоб берди Шмуэль.

— Ёки мен сенинг олдинга келаман. Дўстларинг билан танишиб оламан, — қўшиб қўйди кўтаринкилик билан Бруно. У Шмуэлнинг ўзи таклиф этади, деб кутди, аммо, афтидан, у буни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди.

— Сен тўсиқнинг биз тарафида эмассан, — деди Шмуэль.

— Мен унинг остидан эмаклаб ўтаман. — Бруно симни ушлаганди, у кўтарилди. Ёғоч телеграф устунлари орасининг энг ўртасида симни кўтариш анча осон экан ва Бруно каби шунақа кичкина бола очилган тирқишдан бемалол сиғиб, ўта оларди.

Бруно сим тўсиқни қандай тортқилаётганини кўриб, Шмуэль қўрққанидан ортга тисарилди.

— Мен қайтишим керак.

— Яна бирон кун кўришармиз, — деди Бруно.

— Бу ерга келиш мумкин эмас. Агар ушлаб олишса, мени албатта жазолайдилар.

Шмуэль лагерга қараб кетди, Бруно ўзича, унинг янги дўсти нақадар озгин ва бўйи жудаям паст, дея ўйлаб

қолди. Лекин у бу борада ҳеч нима демади, чунки бўйинг пастлигига ўхшаш ҳар қандай арзимас нарсаларни юзингга солиш нақадар ёқимсизлигини у ҳаддан зиёд яхши билар ва бунинг устига, Шмуэлни мазах қилиш нияти умуман йўқ эди.

— Мен эртага келаман, — дея қичқирди у кетиб бораётган болакайнинг изидан, бироқ Шмуэль ҳатто ўгирилмадиям. Боз устига, у Брунони ёлғиз қолдириб, лагер томонга югура кетди.

Бруно бугун етарлича саёҳат қилиб бўлганига ишонч ҳосил қилиб, уйга йўл олди, бу ҳақда онаси, отаси ва Гретелга (мана ким ҳасад қилиб, алаmidан бақириб юборса керак), яна Мария, ошпаз аёл ва Ларста ўз саргузаштлари, кулгили исмли янги ўртоғи ҳақида ҳамда Шмуэль билан бир кунда туғилганликлари тўғрисидаги ажойиб далилни қандай гапириб бериш ҳақида ўйларди.

Лекин Бруно уйга қанчалик яқинлашгани сари, гапириб беришнинг ҳожати бормикан, деган шубҳалар гирдобида қийналарди. “Ахир, улар бу бола билан менинг дўстлашишимни хоҳламасликлари ва у ерга боришимни тақиқлаб қўйишлари ҳам мумкин”, — дея фикрларди у. Бруно остонадан ўтиб, духовкада пишаётган мол гўштининг иси бурнига кирган пайтда, тилини тийишга аҳд қилди. Бу унинг сири бўла қолсин. Яъни, у билан Шмуэлнинг умумий сири бўлсин.

Үн учинчи боб

БИР ШИША ШАРОБ

Хафта тугаб, кейингиси бошланарди ва Бруно борган сайин яқин келажакда Берлинга қайтмаслиги тобора аниқ бўлиб бораётганди, шу боис у ўзларининг шинам уйидаги зинапоя панжаралари ҳамда Карл, Даниэль ва Мартин билан учрашишлари ҳақида орзу ҳам қилмагани маъқул эди.

Қолаверса, у Аж-Висдаги ҳаётга аста-секин кўникиб борар ва бошқа ўзини шунчалик бахтсиз деб ҳис этмасди. Ахир энди унинг гаплашадиган одами бор, илгаригидек эмас эди. Бруно ҳар куни дарсдан кейин тўсиқ бўйлаб узоқ сайрни амалга оширарди. Шмуэль уни ўша жойда кутиб ўтирарди. Улар то уйга қайтиш фурсати етиб келгунига қадар гаплашиб ўтиришар ва Бруно Берлинни камроқ эсларди.

Бир куни у очик совуткич ёнида турганча киссаларига нон билан пишлоқ тўлдираётганида, Мария ошхонага кириб қолди. У нима қилаётганини кўриб, оқсоч шартта тўхтаб қолди.

— Хайрли кун, — Бруно ўзини гўё ҳеч қандай ўзгача воқеа содир бўлмаётганга солишга уринди. — Мени кўрқитиб юбординг, қандай кирганингни эшитмай қолибман.

— Яна тамадди қилмоқчимисан? — жилмайиб сўради Мария. — Яқиндагина тушлик овқатини егандинг-ку. Бирпасда қорнинг очқаб қолдимми?

— Сал-пал. Мен сайр қилгани кетяпман, ҳар эҳтимолга қарши егулик олиб кетишга қарор қилдим.

Мария елкаларини қисганча плита томонга йўналди ва олов устига сув солинган идишни қўйди. Ёнидаги столда Павел артиб тозалашни учун ҳозирлаб қўйилган бир уюм картошка билан сабзи ётарди. Бруно кетишга шайланиб шошилиб турганди, бироқ сабзавотларга кўзи тушиб, бироз ушланиб қолди. Кейинги вақтларда уни нимадир безовта қилар, лекин у тушунтириб беришлари учун кимга мурожаат қилишни билмасди. Ҳозир энг қулай фурсат етиб келганга ўхшайди: Мариядан сўрамаса кимдан сўрайди? Боз устига, бу ерда, ошхонада уларнинг суҳбатига ҳеч ким ҳалал бермайди.

— Мария, агар сенга бир савол берсам, нима ҳақда сўраганимни ҳеч кимга айтмасликка сўз берасанми?

Оқсоч Брунога ишонқирамай қаради, лекин бош ирғади.

— Майли. Нима ҳақда билмоқчисан?

— Павел ҳақида. Сен уни танийсан-ку, ахир? Бу ерга сабзавот тозалашга, кейин стол атрофида хизмат қилиш учун келадиган одам-чи.

— Ҳа, уними, — енгил тортиб жилмайди Мария, Брунонинг саволида ҳеч қандай фириб топмай. — Мен Павелни танийман. Биз кўпинча суҳбатлашиб қоламиз. Сенчи, нима учун сўраяпсан?

— Шу, — чайналди Бруно, ортиқча гапириб қўйишдан чўчиганча, ҳар бир сўзни яхшилаб ўйларкан, — эсингдами, бу ерга эндигина кўчиб келганимизда, эман дарахтига арғимчоқ осгандим, кейин эса ундан йиқилиб тушиб, тиззам шилиниб кетганди?

— Эсимда. Нима, тиззанг яна оғриб қолдими?

— Йўқ, ҳаммаси жойида, — қўл силтади Бруно. — Лекин ўшанда тиззам қонаб кетганида, уйда катталардан фақат Павел бор эди. У мени ошхонага кўтариб кирди, ярамни тозалаб, ювиб, роса ачиштирадиган кўкдори суртиб, — лекин, бундай қилмаса ҳам бўлмасди-да, — кейин боғлаб қўйди.

— Хўш, нима қипти? Бирон киши яраланганида қилинадиган одатдаги муолажа-ку. — Мария энди ортиқ жилмаймасди.

— Биламан. Фақат, у аслида хизматкор эмаслигини айтди.

Оқсочнинг юзи тошдек қотди. Мария дархол жавоб бермади, аввал ўгирилиб, лабларини ялади.

— Шунақами, — деди у. — Хўш, у ҳолда ўзи аслида ким эканини айтдимми?

— У шифокор эканлигини айтди. Бу ғалати эмасми? У шифокор бўлолмайди-ку, ахир, тўғрими?

— Йўқ, — бошини чайқади Мария. — У шифокор эмас. У ошхонада хизмат қилади.

— Ўзим ҳам шунақа деб ўйловдим. — Бруно ўзидан жуда мамнун эди. — Лекин нима учун у мени алдади экан? Бундан қандай маъни бор?

— Бруно, ҳозир Павел шифокор эмас, — деди секин Мария. — Лекин қачонлардир шундай бўлган. Бошқа ҳаётида. Бу ерга келишидан илгари.

Бруно чуқур ўйга толди.

— Ҳеч нимани тушунмаяпман, — тан олди у.

— Нафақат сен, — оғзидан чиқиб кетди оқсочнинг.

— Агар у шифокор бўлган бўлса, у ҳолда нима учун ҳозир одамларни даволамаяпти?

Мария хўрсинди, яқинроқда ҳеч кимса йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун деразадан қараб қўйди, Брунога ўтиришга ишора қилиб, ёнига ўзи ўтирди.

— Павелнинг ўзи тўғрисида гапириб берганларини сенга сўзлаб бераман. Бироқ сен бу ҳақда ҳеч кимга айтмаслигинг керак. Акс ҳолда, ҳаммамизга жуда ёмон бўлади.

— Ҳеч кимга айтмайман, — онт ичди Бруно. У сирларни жуда яхши кўрар ва уларни деярли доимо ишончли сақларди; сирни очиш ниҳоятда зарур бўлиб қолганда ёхуд индамай туролмасликка шунчаки кучи етмай қолганини ҳисобга олмаган ҳоллар бундан мустасно.

— Майли. Менга мана нималар маълум... — бошлади Мария.

Ўша куни Бруно Шмуэль билан учрашувга кечикиб борди, лекин унинг янги дўсти, одатдагидек, шартлашилган жойда, оёқларини чалиштирганча ерда ўтириб, кутарди.

— Кеч қолганим учун мени кечир. — Бруно сим тўсиқ орасидан пишлоқли нонни узатди. Аниқроғи, ундан қолган бўлакни, ҳар ҳолда, Бруно йўлда очиқиб қолганди. — Мен Мария билан гаплашдим.

— Ким у Мария? — Шмуэль нонни очкўзлик билан чайнади.

— Бизнинг оқсочимиз. Гарчи отам у бизга қимматга тушаётганини айтса ҳам, ўзи жуда яхши аёл. У менга сабзавотларни тозаловчи ва стол атрофида хизмат қиладиган Павел ҳақида гапириб берди. Менимча, у тўсиқнинг сен томонида яшайди.

Шмуэль бир лаҳзага чайнашдан тўхтади.

— Мен томонида?

— Ҳа. Сен уни биласанми? У анча қари ва кечки овқат вақтида хизмат қиляётганида оқ камзул кийиб олади. Ҳойнаҳой, уни кўргандирсан.

— Йўқ, — Шмуэль бош чайқади, — мен унақа одамни билмайман.

— Йўғ-е, бўлиши мумкинмас. — Брунога ҳатто Шмуэль уни мазах қилмоқчи бўлиб, атайлаб шундай деяётгандек туюлди. — Унинг бўйи бошқа катта кишиларга нисбатан пастроқ, сочи оқ ва сал букчайиброқ юради.

— Эҳ, сен тўсиқнинг бериги томонида қанча кўп одам яшаётганини тушунмайсан-да, — деди Шмуэль. — Бу ерда мингларчамиз.

— Лекин унинг исми Павел, — тинчимасди Бруно. — Мен арғимчоқдан қулаб тушганимда, у ярамга дори қўйиб, боғлаб қўйганди. Лекин мен бу ҳақда гапирмоқчи эмасдим. Энг муҳими, ўша Павел ҳам асли Польшадан. Худди сен каби.

— Бу ерда жуда кўпчилик Польшадан, деярли ҳамма, — деди Шмуэль бепарво. — Айримлар бошқа жойлардан келишган. Масалан, Чехословакиядан ёки...

— Мен ҳам шуни ўйладим, башарти сиз ҳамюрт бўлсангиз, сен уни билишинг керак. Хуллас, у бу ерга келмасидан илгари, ўзининг она шаҳрида шифокор бўлган, бу ерда эса, унга одамларни даволашига ижозат беришмайди, агар отам у менинг ярамни тозалаб, боғлаб қўйганидан хабар топгудай бўлса, кулфатдан қочиб қутулиш қийин.

— Ҳарбийларга одамларнинг тузалиши ёқмайди. — Шмуэль ноннинг сўнгги луқмасини ютди. — Уларга бунинг акси бўлиши кўпроқ ёқади.

Гарчи Шмуэль нимани назарда тутаётганини унчалик тушунмаган бўлса-да, Бруно бош ирғаб қўйди. У осмонга тикилганча жим қолди, кейин сим ортидан қараб, анчадан бери тилида айланаётган саволни берди:

— Катта бўлганимда ким бўлмоқчисан?

— Мен ҳайвонот боғида ишламоқчиман, — жавоб берди Шмуэль.

— Ҳайвонот боғида?

— Мен жониворларни яхши кўраман, — уялиб жавоб берди Шмуэль.

— Мен эса, ҳарбий хизматчи бўламан, — деди қатъият билан Бруно. — Худди отам каби.

— Мен эса, ҳарбийликка бормасдим.

— Лейтенант Котлер сингари эмас, албатта, — аниқроқ айтишга шонилди Бруно. — Бу нусха гўё ўз уйида юргандек ҳамма жойда ҳозир у нозир бўлиб, опам билан ҳиринглашиш ва онам билан шивирлашишдан бошқа ҳеч нимани билмайди. Назаримда, у унчалик яхши ҳарбий хизматчи эмас. Мен эса, отамга ўхшашни хоҳлайман. Энг яхшилардан бири бўлишни.

— Ҳарбийларнинг яхшиси бўлмайди, — деди Шмуэль.

— Бўлганда қандоқ! — эътироз билдирди Бруно.

— Ким экан?

— Айтайлик, менинг отам. Шу сабабли у шундай зўр форма кийиб юради, ҳамма уни комендант деб қақиради ва унинг буйруғини бажаради. Фурорнинг унга нисбатан улкан режалари бор, чунки у жуда яхши ҳарбий.

— Ҳарбийларнинг яхшиси бўлмайди, — дея такрорлади Шмуэль қовоғини уйиб.

— Менинг отамдан ташқари, — таслим бўлмасди Бруно, кўнглида Шмуэлнинг гапида туриб олмаслигига умид қиларкан. Бруно уришиб қолишни сираям истамасди: охир-оқибатда, бу ерда, Аж-Висда Шмуэль унинг ягона дўсти эди. Бироқ отаси отада ва Бруно бошқа кишилар отаси ҳақида ёмон фикр билдиришига йўл қўймаслик керак, деб ҳисобларди.

Болакайлар бир неча дақиқа қимирламай жим ўтиришди. Ҳар бири бирон-нимани бехос гапириб қўйиб, кейин ачиниб қолишдан чўчирди.

Жимжитликни биринчи бўлиб Шмуэль бузди.

— Бу ерда яшаш қандайлигини сен билмайсан-да, — жудаям секин, деярли эшитилмайдиган тарзда айтди у.

— Сенинг опаларинг йўқми? — шошиб сўради Бруно, гўё унинг янги ўртоғи нима деганини эшитмаганга солиб. Эшитмагандан кейин, жавоб беришнинг ҳам ҳожати йўқ-да.

— Йўқ, — Шмуэль бош чайқади.

— Омадинг бор экан. Гретель атиги ўн иккида бўлса-да, дунёда ҳамма нарсани биладигандек ўзини катта тутади. У ҳақиқий умидсиз аҳвол. Дераза ёнида кун бўйи ўтиради, лейтенант Котлерни кўриб қолгудек бўлса, оёғини қўлига олиб даҳлизга югуради-да, ўзини гўё иш билан кириб қолгандек тутади. Қайси куни уни ўша ерда кўрдим. Котлер кириб қолганди, опам сесканиб кетиб: “О, лейтенант Котлер, сизни бу ерда учратаман деб кутмагандим”, — дейди. Опам уни пойлаб турганини мен аниқ биламан-ку.

Бруно гапириб бераётганида Шмуэльга қарамаётганди, лекин унга кўзи тушган заҳоти, шундоғам юзида қони қолмаган дўсти янада бўзариб кетганини сезиб қолди.

— Сенга нима бўлди? — хавотирланиб сўради Бруно. — Кўринишингдан гўё кўнглинг бехузур бўлаётгандек туюляпти.

— Кел, ўша ҳақида гаплашмайлик, — илтимос қилди Шмуэль.

— Ким ҳақида? — тушунмади Бруно.

— Лейтенант Котлер ҳақида. Мен ундан қўрқаман.

— Мен ҳам ундан бир оз кўрқаман, — тан олди Бруно.
— У мазах қилишни яхши кўради. Кейин, ундан бадбўй хид келади. Сенадиган одеколони бирам сассиққи...

Тўсатдан Шмуэль титраб кетди. Бруно гўё совуқни ҳис этгандан кўра, уни кўриш мумкин бўлгандек аланглаб кўйди.

— Нима бўлди? — хайрон бўлди у. — Ахир ҳаво илиқ-ку. Сен эгнингга свитер кийиб олишинг керак. Кечқурунлари салқин бўляпти, — қўшиб қўйди у насиҳатомуз.

Ўша куни кечқурун Бруно лейтенант Котлер улар билан бирга овқатланишини билгач, хафа бўлиб кетди. Бошқа меҳмонлар йўқ эди. Павел ҳар доимгидек оқ камзулида стол атрофида хизмат қиларди.

Бруно Павелнинг столга қандай энгашаётганини кузатарди ва хизматкорга кўзи тушган заҳоти ўзининг кайфияти бузилаётганини сезди. Қизиқ, Павел шифокор бўлган чоғда ҳам оқ камзулда юрганмикан ёки оқ халат кийганмикан? — фикрларди Бруно. Ҳар бир хўранда олдига ликопча ва ейиш асбобларини қўйиб бўлгач, Павел деворга тисланди ва то ҳамма овқатланиб, суҳбатлашиб ўтиргунга қадар ўша ерда қимирламай турди, юзида эса ҳеч қандай ифода йўқ — гўё чол кўзи очик холда ухларди.

Бирон нимани узатиш ёки келтириш зарурати туғилганда, Павел жонланиб, жойидан чаққон кўзгаларди, аммо Бруно хизматкорга ҳар сафар қараганида болакайни қандайдир оғир ва қайғули ҳислар чулғаб оларди. Кун сайин Павел тобора кичрайиб бораётгандек туюлар, аввал кулранг тусда бўлган ёноқлари янада кучлироқ бўзариб кетганди. Павелнинг қовоқлари шишиб кетганди. Бруно агар у бехос киприк қоққудай бўлса, кўзидан шашқатор ёш оқади, деб ўйлаб қолди.

Чол хонага бир даста ликопчалар олиб кирганида, уларнинг оғирлигидан унинг қўллари титраётганини Бруно пайқамай қолмади. Павел яна девор олдидаги одатдаги жойида турган чоғида, Бруно хизматкорнинг гандираклаб кетганини кўрди ва агар деворни қўли билан ушлаб қолмаганида, у қулаб тушадигандек туюлди.

Онаси шўрвадан яна қуйиб беришни икки марталаб сўрашига тўғри келди, биринчисида Павел эшитмади. Кейин, шаробни бокалларга қуйиб, шишани бўшатгач, отасининг бокалига қуйиш учун бошқасини ўз вақтида очишга улгуролмай қолди.

— Герр Литц бизга шеърлар ва пьесалар ўқишимизга рухсат бермайди, — шикоят қилди Бруно иссиқ овқат ичаётганида. Кечки овқат вақтида меҳмон борлиги боис ҳамма ясаниб олганди: отаси формасида ўтирар, онаси кўзи рангидаги яшил кўйлақда, Гретель билан Бруно Берлинда черковга борганда киядиган либосларда эдилар. — Лоақал, ҳафтада бир марта шеър ўқисам майлими, деб сўрадим. У эса айтдики, токи бизнинг таълим олишимизга у раҳбарлик қиларкан, бунга йўл қўймас эмиш.

— У энг олижаноб мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилаётганига ишончим комил, — деди отаси қўй оёғини ейишга шайланаркан.

— У бизнинг фақат тарих ва жуғрофияни ўрганишимизни хоҳлайди, — гапини давом эттирди Бруно. — Энди шу фанларни ёмон кўриб қола бошладим.

— Бруно, бундай дейиш мумкин эмас, — гапга қўшилди онаси.

— Нима сабабдан тарихни ёмон кўрасан? — Отаси бир лаҳзага санчқини қўйиб, стол оша ўғлига қаради.

У елкаларини қисди, катталар билан гаплашганда, бундай қилиш ҳам тақиқланарди.

— Чунки зерикарли.

— Зерикарли? Менинг ўғлим тарихни ўрганиш зерикарли машғулот деб ҳисоблайдимиз? Энди эса, мени эшит, Бруно. — Отаси пичоғини ўғлига ўқталган кўйи олдинга интилди. — Бу ерга, дастурхон атрофига шак-шубҳасиз тарих туфайли келиб қолганмиз. Агар тарих бўлмаганида, ҳозир тинчгина ва хотиржам Берлиндаги уйимизда стол атрофида ўтирган бўлардик. Биз бу ерга тарихий хатоларни тўғрилаш учун келганмиз.

— Барибир зерикарли, — такрорлади Бруно, отасининг сўзларига унча парво қилмай.

— Укамни кечиринингизга тўғри келади, лейтенант Котлер, — деди нозланиб Гретель, меҳмоннинг қўлига қўлини теккизиб. Бу ҳаракат онасини қизига ўқрайиб қўйишга мажбур этди. — У жудаям муомаласиз ёш бола.

— Мен муомаласиз эмасман, — тўнғиллади Бруно. Нимага Гретель уни ҳақорат қилишдан ўзини тиймас экан-а! — Сиз опамни кечиринингизга тўғри келади, лейтенант Котлер, — мулойим оҳангда қўшиб қўйди у. — Лекин у — умидсиз аҳволда ва биз ҳеч нимани ўзгартира олмаймиз. Шифокорлар унга энди ёрдам бериб бўлмайди, дейишади.

— Ўчир овозингни! — қичқирди Гретель, қип-қизариб.

— Ўзинг ўчир, — тиржайди Бруно.

— Болалар, бас қилинглар, — қўшилди онаси.

Отаси пичоқни столга уриб тақиллатгани, ҳамма жим бўлди. Бруно отасига зимдан назар солди: у дарғазаб эмасди, бироқ стол олдида гап талашишларга ортиқ тоқат қилолмаслиги аён эди.

— Мен мактабда тарих фанини жудаям ёқтирардим, — гап бошлади лейтенант Котлер. — Гарчи отам университетда адабиёт профессори бўлган бўлса ҳам, мен санъатдан кўра ижтимоий фанларни афзал кўрардим.

— Шунақами? Хабарим йўқ экан. — Онаси Котлерга кизиқиш билан қаради. — Отангиз ҳали ҳам дарс берадими?

— Эҳтимол... Ростини айтсам, анигини билмайман.

Онаси қошларини чимирди:

— Курт, қандай қилиб билмаслигингиз мумкин? У билан яхши муносабатда эмасмисиз?

Ёш лейтенант қўй гўштини яхшилаб чайнар экан, қандай жавоб беришни ўйлади. У Брунога: сен, бола, бу гапни бекор бошладинг, деган маънони англаувчи ғазаб тўла нигоҳ ташлади.

— Курт, — тинчимасди онаси, — отангиз билан кўришмайсизми?

— Унчалик эмас, — деди беписанд тарзда Котлер, бундай арзимас мавзу жиддий муҳокама этишга лойиқ эмаслигини англамоқчи бўлиб. — Отам Германиядан бир неча йил илгари жўнаб кетган. Агар янглишмасам, ўтгиз саккизинчи йилда. Ўшандан буён уни кўрганим йўқ.

Брунонинг отаси бирдан овқат ейишдан тўхтади ва биров хўмрайиб лейтенант Котлерга қаради:

— Хўш, у қаерга жўнаб кетди?

— Кечирасиз, жаноб комендант? — қайта сўради Котлер, гарчи отасининг саволи ҳар доимгидек аниқ ва равшан эшитилган бўлса ҳам.

— У қаерга жўнаб кетганини сўрадим, — такрорлади комендант. — Отангиз. Адабиёт профессори. Қайси давлатга кетди?

Котлер бир оз қизарди ва тўсатдан дудуклана бошлади.

— Ҳ-ҳозир... ҳ-ҳозир у Швейцарияда, ш-шекилли, — дея олди у ниҳоят. — У ҳақда эшитган сўнгги маълумотим шуки, у Берндаги университетда дарс бермоқда.

— О, Швейцария — гўзал мамлакат, — онасига жон кирди. — Рости, у ерда ҳеч қачон бўлмаганман, лекин айтишларича...

— Отангиз жуда қари бўлмаса керак, ахир. — Комендантнинг дўриллаган овози ҳар қандай бошқа гап-сўзларга барҳам берди. — Ахир, сиз бор-йўғи... неччи ёшдасиз? Ўн етими? Ўн саккизми?

— Яқиндагина ўн тўққизга тўлдим, жаноб комендант.

— Демак, отангиз қирқдан сал-пал ошган, шундайми? Лейтенант Котлер зўр бериб чайнашда давом этиб, индамасди. Ростини айтганда, унинг кўринишидан, энди у овқатланишдан бошқа лаззатланмаётгани аён эди.

— У ўз Ватанини ташлаб кетишни афзал билгани фалати, — деди отаси.

— Биз отам билан ҳеч қачон яқин бўлмаганмиз, — дея, гўё стол атрофида ўтирган ҳамманинг олдида ўзини оқлашга мажбурдай атрофга аланглади Котлер. — Аслида, биз анча йиллардан бери кўришмаганмиз.

— У Германияни унинг буюк шухрати ва тақдири ҳал бўладиган синовлари даврида, бизнинг миллий қайта тикланишимизга кўмаклашиш учун кўлимиздан келадиган ҳамма ишни бажариш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлиб турган пайтда нима сабабдан ташлаб кетганини билсам бўладими? — давом этарди комендант. — Нима, у сил касаллигига чалинганми?

Лейтенант Котлер гангиб қолиб комендантга тикилди.

— Кечирасиз?

— У Швейцарияга даволанишга кетганми? — изох берди комендант. — Ёки Германияни ташлаб кетиш учун унинг бошқа, махсус сабаби бормиди? — қўшиб қўйди у озроқ танаффусдан кейин.

— Мен билмайман, деб қўрқаман, жаноб комендант, — деди тутилиб Котлер. — Бу ҳақда унинг ўзидан сўраш керак.

— Бундай қилиш анча мушкул бўлса керак, шунақамасми? Ахир у биздан жуда узоқда. Лекин, эҳтимол, мен ҳақдирман. У фақат касал бўлса керак. — Комендант бирпас иккиланиб тургач, яна санчки билан пичоқни қўлига олди. — Ёки у норозилардан бўлса керак.

— Норозилардан дейсизми, жаноб комендант?

— Ҳукуматнинг сиёсатидан. Бунга ўхшаш кишилар ҳақидаги гаплар баъзи-баъзида бизга етиб келади. Менимча, улар қизиқ одамлар. Уларнинг айримларининг асаблари чатоқ. Бошқалари — хоин. Шунчаки қўрқоқлар ҳам учрайди. Сиз отангизинг қарашлари ҳақида раҳбариятга маълумот бергандирсиз, албатта, лейтенант Котлер?

Ёш лейтенант, гарчи оғзи бўм-бўш эса-да, ютиниб олди.

— Бўпти, бу ҳақда энди етарли, — самимий хўжайин оҳангида эълон қилди отаси. — Бу, ҳойнаҳой, дастурхон атрофидаги суҳбат учун унчалик тўғри келмайдиган мавзу бўлса керак. Биз бу масалани кейинроқ ва батафсилроқ муҳокама қилишимиз мумкин.

— Жаноб комендант, — Котлер ташвишланганча олдинга интилди, — сизни ишонтириб айтаманки...

— Бу дастурхон ёнидаги суҳбатга тўғри келадиган мавзу эмас, — дея унинг гапини шартта бўлди комендант ва лейтенант шу заҳоти жим бўлди.

Бруно нигоҳини биридан олиб, бошқасига қаратарди. Стол ёнидаги вазият уни ҳам қувонтирар, ҳам қўрқитарди.

— Швейцарияга боришни қандай хоҳлардим-а! — чўзилиб кетган сукунатни бузди Гретель.

— Овқатингни е, Гретель, чалғима, — маслаҳат берди онаси.

— Энди ҳеч нарса гапириб ҳам бўлмайди!

— Чалғима, — такрорлади онаси. У яна нимадир демоқчи бўлди-ю, аммо Павелга мурожаат қилган отаси халал бериб қолди.

— Бугун сенга нима бўлди? — сўради у, Павел навбатдаги шиша идишнинг тиқинини очаётганида. — Мен идишимга шароб тўлдиришни тўртинчи маротаба сўраяпман.

Бруно чолни кузатиб ўтираркан, барибир, унинг тани соғ дея умид қиларди. Павел тиқинни ҳеч қандай қийинчиликсиз тортиб чиқарди. Бироқ, кейин отасининг бокалини тўлдиргач, лейтенант Котлерга ўтирилганида, шиша қандайдир тарзда унинг қўлидан сирпаниб кетиб, чил-чил синди, ичидаги шароб эса тўғри ёш йигитнинг шимига билқиллаб тўкилди.

Кейин юз берган воқеа кутилмаган ва даҳшатли бўлди. Лейтенант Котлер Павелдан қаттиқ дарғазаб бўлди, гарчи унинг даҳшатли қилиғига қараш ҳамма учун чидаб бўлмас даражада бўлса ҳам, унинг кейинги қилган ишидан ҳеч ким — на Бруно, на Гретель, на онаси ва на ҳатто отаси тўхтата олмади. Бруно йиғлаб юборди, Гретель эса бўзариб кетди.

Кейинроқ, ўрнига ётгач, Бруно кечки овқат пайтида содир бўлган воқеа ҳақида фикрларди.

У Павелнинг ўзига нисбатан қандай меҳрибон бўлгани, уни қўлида қандай кўтариб киргани, оқаётган

қонни қандай тўхтатгани ва унинг тиззасига кўқдорини қандай авайлаб суртганини эсларди. Бруно отасининг меҳрибон ва ғамхўрлигини биларди, албатта, бироқ лейтенант Котлер Павелни жазолашини ҳеч ким тақиқламагани унга ноҳақ ва нотўғридек туюлди. Мабодо, бутун Аж-Висда шундай воқеа содир бўлса, нима бўлишидан қатъи назар, Бруно яхшиси, норозилигини бошқа билдирмагани маъқул. Аслида, унинг аҳволида — индамаслик ва ҳаддидан ошмаслик энг оқилона иш. Кимларгадир бу ёқмаслиги мумкин.

Унинг Берлиндаги аввалги ҳаёти энди узок ўтмишдай туюларди. У Карл, Даниэль, ва Мартиннинг кўриниши қандайлигини қийинчилик билан эслар, фақатгина улардан биттаси — оловранг маллалиги ёдида эди, холос.

Үн тўртинчи боб

БРУНО ЖУДА РОСТГА ҶХШАТИБ ЁЛҒОН ГАПИРАДИ

Бруно тўсиқ бўйлаб сайр қилишни давом эттирарди. У уйдан ҳар доим бир хил вақтда, герр Лицт дарсларни тутатиб, жўнаб кетганидан кейин, онаси эса тушлиқдан кейин дам олгани ётган пайтда чиқарди. Брунонинг узоқ давом этувчи йўналиши охирида деярли ҳар куни Шмуэль кутарди, у чордона қурганча, ерга қараб ўтирарди.

Кунларнинг бирида Шмуэ́льнинг кўз ости кўкариб келди ва Бруно нима гаплигини сўраганида, унинг янги дўсти бу ҳақда сўзлагиси келмай, бошини чайқабгина кўйди. Бруно, фақат Берлиндаги мактаблардагина эмас, ҳамма жойда безорилар бор, деб ўйлади, мана, улардан кимдир Шмуэ́лни урган бўлса керак. Бруно дўстига ёрдам бергиси келар, бироқ буни қандай амалга оширишни билмасди, бундан ташқари, Шмуэль худди ҳеч нима содир бўлмагандек кўринишга ҳаракат қилаётганига осонроқ билишига ақли етарди.

Бруно Шмуэ́лдан тўсиқнинг нариги тарафида бирга ўйнашлари учун сим тагидан эмаклаб ўтса бўладими, деб ҳар доим сўрарди, лекин ҳар сафар Шмуэль: “Йўқ, шарт эмас”, дея жавоб берарди.

— Тушунмайман, нима учун энди бу ёққа ўтишни жудаям хоҳлаяпсан, — дерди Шмуэль. — Бу ер унчалик ёқимли жой эмас.

— Менинг уйимда яшаб кўрганингда, билардинг, — жавоб берарди Бруно. — Биринчидан, у беш қаватли эмас, атиги уч қават. Бунақа кичкина жойда қандай яшаш мумкин?

Шмуэлнинг бир хонада, ҳатто у ҳеч бир ёмон иш қилмаганда ҳам уни урадиган ёши катта Лукашни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, ўн бир жон яшагани ҳақидаги ҳикоясини Бруно унутганди.

Бир куни Бруно дўстидан нима учун у ва тўсиқ ортидаги қолган кишиларнинг ҳаммаси бир хил йўл-йўл пойжома билан матоли шапкача кийиб юришларини сўради.

— Бизга уларни бу ерга келганимизда беришган, — жавоб берди Шмуэль. — Кийимларимизни эса, олиб кўйишди.

— Лекин, баъзан эрталаб уйғонганингда, бошқа бирон-нима кийишни хоҳламайсанми? Жавонингда балки бирон-бир кийим бордир.

Шмуэль кўзини пирпиратиб, нимадир демокчи бўлди-ю, кейин фикридан қайтди.

— Менга йўл-йўл нарса умуман ёқмайди, — деди Бруно, гарчи бу умуман тўғри бўлмаса ҳам. Унга аслида йўл-йўл кийим ёқарди, шим, кўйлак, бўйинбоғ, оёғини қисаётган ботинка кийиб юриш унинг ўлгудай жонига текканди. Шмуэль эса, ўз дўсту биродарлари билан йўл-йўл пойжомаларда эртадан кечгача мазза қилиб айланиб юради.

Бир неча кундан сўнг Бруно эрта тонг чоғи кўзини очганида, ойна ортида ёмғир ёғаётганини кўрди. Бундай жала анчадан буён қуймасди. Ёмғир, ҳойнаҳой, тунда бошланган бўлса керак, Бруно ҳатто уни қуяётган сувнинг шовқини уйғотиб юборгандир, дея тахмин қилди. Нонушта қилиб бўлди ҳамки, ёмғир тинимсиз ёғарди. Герр Лицт Бруно билан шуғулланган чоғда кўчада ҳеч қандай

ўзгариш рўй бермади. Бруно тушлик қилди, кейин яна ўқитувчи назорати остида тарих билан жуғрофия дарсига ўтирди, дарслар тугаганида эса, ёмғир тинмаганди. Бу нохуш ҳолат Бруно бугун Шмуэль билан учрашиш учун уйдан чиқмаслигини билдирарди.

Дарсдан кейин Бруно қўлида китоб билан каравотга ётди ва ўқиш учун диққатини тўплашга қийналаётганини сизди. Шу пайт унинг ёнига “яхшилик кутиб бўлмайдиган опа” кириб қолди. Опаси Брунонинг хонасига кам кирар, бўш вақтида коллекциясидаги қўғирчоқларини у ёқдан-бу ёққа қўйишни афзалроқ биларди. Лекин, афтидан, намчил об-ҳаво қизнинг кайфиятига қандайдир тарзда таъсир кўрсатганми, қўғирчоқ ўйнаш ёқмаётганди.

— Сенга нима керак? — сўради Бруно.

— Опангни шундай кутиб оласанми?

— Мен ўқияпман, — ғўлдиради укаси.

— Бу қандай китоб? — қизиқсинди Гретель.

Бруно жавоб бериш ўрнига унга муқовасини кўрсатди — ўзи ўқиб олсин, нима, уни саводга бекорга ўргатишганми?

Гретель ич-ичидан “уф-ф” деганди, бир томчи сўлаги Брунонинг юзига тушди.

— Зерикарли экан, — деди опаси.

— Йўқ, ундай эмас, — эътироз билдирди Бруно. — Бу китоб саргузаштлар ҳақида. Қўғирчоқлар билан вақт ўтказишдан кўра тузукроқ.

Гретель иғвога учмади.

— Нима билан машғулсан? — яна сўради у ва Брунонинг баттарроқ жаҳли чиқиб кетди.

— Айтдим-ку, ўқияпман деб, — ўшқирди у. — Менга халал беришмаса, яхши бўларди.

— Мен эса нима билан машғул бўлишни билмаяпман, — деди Гретель. — Ярамас ёмғир.

Бу гап Брунони ўйлантириб қўйди. Гретель саргузашт изламайди — сайрга чиқмайди, экспедициялар ташкил этмайди, бу ерда дугонаси ҳам йўқ. У умуман деярли ҳар доим уйда ўтиради. Афтидан, у бугун тўрт девор орасида қолишига тўғри келгани туфайлигина зерикяпман, деб ўйлаяпти; мабодо ёмғир ёғмаса ҳам, у худди шу тарзда кўчага чиқмаган бўларди, лекин шикоят қилишни хаёлига ҳам келтирмасди. Ҳар қалай, баъзан опа-ука ҳамма аразу гина-кудуратларни йиғиштириб, бир-бири билан маданиятли кишилар сифатида гаплашадиган фурсатлар бўлиб туради ва Бруно шундай фурсат етиб келганига ишонч ҳосил қилди.

— Тўғри, бу ёмғир менга ҳам ёқмаяпти, — деди у. — Мен ҳозир Шмуэлнинг ёнида бўлишим керак. У, хойнаҳой, мени унутиб қўйди, деб ўйлаётгандир.

Брунонинг тилидан сўзлар шундай тез чиқиб кетдики, у уларни тўхтатишга улгурмай қолди. Шу заҳоти унинг ичида оғриқ пайдо бўлиб, ўзининг оғзи бўшлигидан қаттиқ жаҳли чиқиб кетди.

— Кимнинг ёнида бўлишинг керак? — хушёр тортди Гретель.

— Нимани сўраяпсан? — Бруно опасига кўзини пир-пиратганча, ҳеч нимани билмагандай қараб турарди.

— Сен кимникигадир меҳмонга бормоқчилигингни айтдинг-ку, — қўймасди Гретель.

— Кечир, — Бруно унга қандай жавоб беришни ўйларди, — сени ёмон эшитяпман. Илтимос, қайтариб юбор.

— Сен кимникига бормоқчисан? — қичқирди Гретель укасига энгашган кўйи, энди у саволдан қутулолмасди.

— Бундай демадим.

— Йўқ, айтдинг. Ўша кимдир сен уни унутиб қўйдинг деб ўйлайди, дединг.

— Нима-нима?

— Бруно! — Опасининг овозида таҳдид янгради.

— Сен бутунлай ақлдан озибсан!

Бруно гўё опасига шундай туюлгандек кўрсатишга уринди, бироқ у бувиси каби туғма актёр бўлмагани боис, унинг овозида ишонтириш қобилияти етишмасди. Гретель бошини силкиб, укасига кўрсаткич бармоғини нуқди:

— Нима дединг, Бруно? Кимнинг олдига бормоқчи эдинг? У ким? Гапир! Бу ерда бирга ўйнаса бўладиган ҳеч ким йўқ... Ёки борми?

Брунонинг олдида мураккаб масала турарди. Бир томондан, опаси билан иккисини жуда муҳим вазият бир-бирига яқинлаштирарди — улар кап-катта бўлиб қолишганди. Гарчи Гретелдан бу ерда ўзини қандай сезаётганини сўраш унинг калласига келмаган бўлса ҳам, Аж-Висда опаси ҳам худди ўзи сингари ўзини ёлғиз сезиш эҳтимоли катта. Ахир у Берлинда Хилда, Изабел ва Луиза билан ўйнардди. Улар ярамас қизлар эди, албатта, лекин ҳар ҳолда опаси улар билан дўстлашганди. Бу ерда Гретелнинг ҳеч кими ва жонсиз кўғирчоқларидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди. Ким билсин, эҳтимол, бирдан Гретель ростдан ҳам секин-аста ақлдан озаётгандир? Балки унга кўғирчоқлари билан гаплашгандек бўлиб туюла бошлаётгандир.

Бироқ, бошқа томондан, Шмуэль опасининг эмас, Брунонинг дўсти эканлиги ҳақидаги далилни инкор этиб бўлмасди ва у опаси билан бўлишишни истамасди. Шундай экан, унинг биргина йўли бор — алдаш.

— Менда бир дўст пайдо бўлди, — гап бошлади у. — Янги дўстим, уни ҳар куни кўриб тураман. Ҳозир ҳам у мени кутяпти. Лекин сен бу ҳақда ҳеч кимга айтиб бермайсан-ку, ахир?

— Нимага энди айтмас эканман?

— Чунки у ростмана дўст эмас. — Бруно ўзини хижолат бўлаётгандек тутди. Унинг кўз ўнгида тайёр намуна акс этиб турарди: лейтенант Котлер Швейцарияга жўнаб кетган профессор отаси ҳақида суриштиришган чоғда худди шундай кўринарди. — Биз биргаликда ўйнаймиз.

Аввалига Гретель кўзини бақрайтириб тикилиб қолди, кейин хахолаб кулиб юборди.

— Хаёлий дўстми! — куларди у. — Сенинг ёшингда-я! Энди ақлинг кирса бўларди!

Бруно бор кучи билан ўзини гўё уялаётгандай ва хижолатда қолгандай тутишга уринарди, ишқилиб, худо кўрсатмасин, Гретель билиб қолмасин-да, дерди. У каравотида ўзини қўйишга жой топмай типирчилар, опасининг кўзига қарашга ботинолмасди — ҳаммаси мойдек силлиқ кечарди ҳам. Ҳойнаҳой, у унчалик ёмон актёр эмасдир. Янада ишонарлироқ бўлиши учун у қизариб кетмоқчи бўлганди, бироқ бунинг уддасидан сира чиқолмади, шунда Бруно қачонлардир ўзи тушиб қолган ҳар турли ноқулай вазиятларни ёдга олди, — бирдан ёрдам бериб қолса-чи.

У бир марта чўмилаётганида, ваннанинг эшигини қулфлаш ёдидан кўтарилиб, бувиси бехосдан кириб қолгани ва ҳаммасини кўрганини эслади. Кейин синфда қўлини кўтариб, ўқитувчисини қандай “ойи” деб чақириб юборгани ва унинг устидан ҳамма қотиб-қотиб қулганларини эслади. Мураккаб ҳунарни бажаришга аҳд қилиб, қизларнинг кўз ўнгида велосипеддан қандай думалаб тушгани, оқибатда боши урилиб, қандай оғригани ва йиғлаб юборганларини эслади.

Қаранг-а, ёрдам берди ҳам! Брунонинг ёноқлари аста кизарди.

— Йўк, сен ўзингга бир қарагин, — деди рўй берган воқеага гувоҳ бўлган Гретель. — Қип-қизариб кетдинг-ку!

— Мен буни сир тутмоқчи эдим.

— Хаёлий дўст эмиш! Буни қара-я! Чин сўзим, Бруно, сен одам бўлмайсан!

Бруно жилмайди. Опасининг гапларига тупуради, чунки у камида иккита нарсани қатъий биларди. Биринчиси, Гретелни лақиллата олди, иккинчиси, мабодо уларнинг орасида “одам бўлмас” мавжуд бўлса ҳам, бу ўзи эмас.

— Мени тинч қўй, — деди у. — Китоб ўқимоқчиман.

— Нима учун чалқанча ётиб, кўзингни юмганча, хаёлий дўстингдан сенга китоб ўқиб беришини сўрамайсан? — Гретель чин кўнгилдан яйрарди: энди укасини масхара-ралаш учун унда янги баҳона топилганди ва бундан фойдаланмасликни у гуноҳ деб ҳисобларди. — Ҳарфлар устида ўзинг ҳижжалаб ўтиришинг шартми?

— Балки ундан ҳамма қўғирчоқларингни деразадан улоқтириб юборишни сўрасаммикан?

— Қани, қўл теккизиб кўргин-чи, унда ўзингдан кўрасан, — дарҳол жиддий тортди Гретель. Бироқ Брунони огоҳлантиришнинг ҳожати йўқ эди, у опасининг қўғирчоқларига тегса, қиёмат қойим бўлишини шундоғам биларди. — Хўш, айт-чи, укажон, хаёлий дўстинг билан қандай ишлар бажаряпсанки, уни шунчалар қадрлайсан?

Бруно ўйланиб қолди. У Шмуэль ҳақида кимгадир жудаям сўзлаб бергиси келаётганини англади. Ҳаммасини эмас, албатта, бироз сўзлаб беради. Ҳозир унда шундай вазият пайдо бўлди, боз устига, дўстининг ҳақиқатда мавжуд эканини тан олишнинг сира ҳожати йўқ эди.

— Шу, биз ҳамма нарсалар ҳақида суҳбатлашамиз. Мен унга Берлиндаги уйимиз тўғрисида ва бошқа ҳар хил уйлар ва кўчалар ҳақида, сабзавот ва мевалар сотиладиган дўконлар ҳақида ҳамда шанба кунлари шаҳар марказида яхшиси айланмаслик кераклигини, акс ҳолда тикилинча сени эзиб ташлашлари мумкинлигини ай-

тиб бераман. Яна, унга Карл, Даниэль ва Мартин ҳақида, менинг бир умрлик уч садоқатли дўстларим тўғрисида гапириб бердим.

— Жуда қизиқарли экан, — пичинг қилиб қўйди Гретель. Яқинда унинг туғилган куни бўлди. Ўн уч ёшга тўлди, ўшандан бери у пичинг — ноёб ақлни олий даражада намоён этиш, деб ўйларди. — Бўлмаса, у сенга нималар ҳақида сўзлаб беради?

— Ўз яқинлари ҳақида, қачонлардир яшаган соатсозлик устахонаси тепасидаги уйи ҳақида, бошидан кечган саргузаштлари ҳақида, бу ерга қандай тушиб қолгани, эски дўстлари ҳақида, бу ерда танишиб қолган одамлар ҳақида, ўзи билан бирга ўйнаган оғайнилари ҳақида сўзлаб беради. У болалар билан бошқа ўйнамайди, чунки улар қаергадир ғойиб бўлишган ва ҳатто хайрлашишмаб-диям.

— Ҳа-а, — чўзилди Гретель. — Чўпчакларингдан шунчаки кулавериб ўлиш мумкин. У менинг хаёлий дўстим эмаслиги чатоқ-да.

— Кеча эса, у бобосини анчадан буён кўрмаганлигини ва уни қаердан излаш кераклигини ҳеч ким билмайди, деб айтди. У отасидан бобоси қаердалигини сўрабди, лекин у жавоб бериш ўрнига йиғлаб юборибди ва уни шундай маҳкам қучоқлабдики, дўстим ҳатто бўғилиб ўлиб қоламан деб кўрқиб кетибди.

Бруно гапини тугатаётиб, овози тобора пастлашиб бораётганини бирдан сезиб қолди. Шмуэль буларнинг барчаси ҳақида ростдан ҳам ҳикоя қилиб берганди, лекин дўстини тинглаб ўтирган Бруно у бобосини йўқотиб қўйганида қандай оғир изтиробда қолганини нимагадир тушунмаганди. Бруно Шмуэлнинг сўзларини такрорлаган чоғда жуда хафа бўлиб кетди: дўстининг кўнглини кўтариб, уни руҳлантириш ўрнига, мавзуни қандайдир арзимас нарсага, экспедицияга, шекилли, ўзгартириб

юборибди. “Эртага ундан кечирим сўрайман”, — дея ўзига ўзи сўз берди.

— Агар хаёлий дўстлар билан суҳбатлашаётганини дадам билиб қолса, адабингни беради, — деди Гретель.

— Назаримда, буни бас қилиш керак.

— Нимага?

— Чунки бу саломатлик аломати эмас, — жавоб берди опаси. — Бу ақлдан озишнинг биринчи белгиси.

Бруно бошини эгди.

— Мен буни бас қилолмайман, — деди у узоқ танаффусдан кейин. — Ва истамайман ҳам.

— Майли, нима бўлишидан қатъи назар, — Гретель тобора дўстона бўлиб борарди, — сенинг ўрнингда бўлганимда, бу хаёлий дўст ҳақидаги воқеани ичимда сақлаган бўлардим.

— Сен ҳақсан, — ўзини ранжиганга солди Бруно. — Ахир сен ҳеч кимга айтмайсан-а?

— Ҳеч кимга, — ишонтирди Гретель. — Фақат ўзимнинг хаёлий дугонамга айтаман.

Бруно киприкларини пирпиради.

— Сен дугона ортгирдингми?

У опасининг тўсиқ ёнида турганча ўзи тенги қиз билан қандай суҳбатлашаётгани ва улар соатлаб ҳар хил пичинг гаплар гапираётганларини кўз олдига келтирди.

— Йўқ, албатта, — кулиб юборди Гретель. — Агар билсанг, менинг ёшим ўн учда! Мен энди сенга ўхшаб, болаларча тентакликларни бошқа ўзимга раво кўролмайман.

Ва у хурсанд бўлиб, ўз хонасига чиқиб кетди. Чўккан сукунат ичида Брунонинг қулоғига овоз эшитилди — бу Гретель қўғирчоқлари билан гаплашарди. Эгаси йўқлигида даҳшатли тартибсизликларга йўл қўйишгани учун уларни койирди ва энди унинг сўнгги чораси қўғирчоқларнинг жойини алмаштириш эканлигини

айтарди. Нахотки улар Гретелнинг бўш вақтида бошқа қиладиган иши йўқ деб ўйласалар.

— Кимлардир роса ҳаддидан ошиб кетди! — баланд овозда деди Гретель, ишга киришишдан аввал.

Бруно қўлига яна китобни олишга уриниб кўрди, лекин бирдан унга нисбатан қизиқиши сўнди. У ёғаётган ёмғирга қараб, ҳозир Шмуэль қаерда ва нималар қиляпти экан, деб ўзидан сўрарди. Лекин у қаерда бўлмасин ва нималар қилмасин, янги дўсти худди Бруно сингари у ҳақида ўйлаётганмикан, суҳбатларини соғинаётганмикан?

Үн бешинчи боб

У ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ШУНДАЙ ҚИЛА ОЛДИ?

Кейинги кунларда ёмғир гоҳ тиниб, гоҳ яна янги Шиддат билан ёға бошлар ва Бруно билан Шмуэль ўзлари хоҳлагандан кўра камроқ кўришишарди. Улар кўришганларида, Бруно дўстидан хавотирланарди: Шмуэль унинг кўз ўнгида озиб-тўзиб борар, юзи эса буткул кулранг тусга кирганди. Баъзан Бруно унга пишлоқ билан нонни кўпроқ олиб келар, баъзан эса киссасига ҳатто шоколадли пирог яшириб олишга муваффақ бўларди, аммо уйдан то улар учрашадиган тўсиқ ёнидаги жойга қадар масофа анча узоқ бўлгани боис, Бруно йўлда очиқиб қоларди. Ғалати-я, пирогдан бир тишлам ейсан-у, яна, кейин яна ва яна егинг келаверади, тезда тугаб қолганини сезмай ҳам қоласан.

Отасининг туғилган куни яқинлашарди, гарчи у ҳеч қандай оврагарчиликни истамаслигини айтган бўлса-да, онаси анча илгарироқ Аж-Висда хизмат қиладиган зобитларнинг ҳаммасини таклиф этиб, натижада гаройиб беҳаловатликка имкон яратди. У ҳар сафар байрамона қабул учун керакли рўйхат тузишга ўтирганида, лейтенант Котлер ёрдам бермоқчи бўларди. Улар иккиси охири йўқ рўйхатлар тузишар ва Бруно наҳотки дадамнинг туғилган кунини нишонлаш учун шунча даҳмаза керак бўлса, деб аччиқланиб талмовсирарди. Шунда у ўз шахсий рўйхатини тузишга қарор қилди ва унга: “Нима учун мен лейтенант Котлери ёмон кўраман” деган сарлавҳа қўйди.

Биринчидан, лейтенант ҳеч қачон жилмаймасди ва ҳар доим гўё ўз васиятномасидан кимни ўчириб ташлаш ҳақида кун бўйи ўйлаётгандек кўринарди.

Иккинчидан, лейтенант Бруно билан жуда кам мулоқотга кирар ва ҳар сафар “катта одам” деб ошкора кесатиб кўярди. Гарчи бу ерда ҳазиллашишга ҳеч қандай сабаб йўқ эди: онаси Брунога ҳар битта болада ўз ўсиш цикли бўлади ва шундай вақт келадики, Бруно ҳаммадан ҳам баланд бўлиб ўсиб кетади, деб тушунтирарди.

Лекин Брунони ҳаммадан кўпроқ Котлернинг доимо меҳмонхонада онасининг олдидан кетмаслиги ва онаси унинг ҳазилларига отасиникига нисбатан бир неча сония узокроқ қулиши жуда асабийлаштирарди.

Бир куни эса Бруно шундай воқеани ёдида сақлаб қолганди: у ўз хонасидан лагерга қараб ўтирганида, қаттиқ вовуллаб тўсиққа ташланган итни унинг ёнидан ўтиб бораётган лейтенант Котлер шунчаки отиб ташлаганини кўриб қолди.

Яна лейтенантни кўриши билан Гретелнинг ўша ҳар хил қилиқлари ҳам кўшилади.

Аслида шифокор бўлган хизматкор Павел билан содир бўлган ўша воқеани ҳам, қутуриб кетган ёш лейтенант чолни қандай калтаклаганини ҳам Бруно унутмаганди, албатта.

Бундан ташқари, отасини Берлинга ҳар сафар чақиртиришганда ва у тунги поездда жўнаб кетганида, лейтенант гўё уни бу ерга бошлиқ қилиб қолдиришгандай уй бўйлаб гердайиб юрарди. Бруно кечаси уйқуга ётганида ҳам Котлер ҳали уйда ғўдайиб юрар, эрталаб уйғонган чоғда ҳам шу ерда ҳозир нозир эди.

Бруно лейтенант Котлерни нимага ёқтирмаслигини ҳали кўп айтиши мумкин эди, бироқ миясига биринчи келган сабабларнигина ёзиб қўйганди.

Отаси шаънига ўтказиладиган тадбирга бир кун қолганида Бруно ўз хонасида ўтирар, эшик очиқ эди. У лейтенант Котлернинг уйга қандай киргани ва кимгадир муружаат қилганини, лекин унга ҳеч ким жавоб бермаганини эшитди. Кейин сал туриб, Бруно пастга тушаётганида онасининг овози қулоғига чалинди: онаси кимгадир нима қилиш кераклигини тушунтирар, лейтенант эса, ҳар доимгидай онасининг ёнида пайдо бўлиб: “Ташвишланманг, у ноннинг қай томонига ёғ суртилганини билди”, деди ва масхаралаб қолди.

Бруно отаси ҳада қилган китобни бир-икки соат ўқиб ўтиришни мўлжаллаб меҳмонхонага қараб йўналди. Китоб “Ҳазиналар ороли” деб аталарди. Лекин, даҳлиздан ўтаётганида, ошхонадан чиқиб келаётган лейтенант Котлер билан тўқнашиб қолди.

— Салом, катта одам. — Брунони кўрганида, зобит одатдагидай, мийиғида қолди.

— Салом, — ўшшайиб олди Бруно.

— Хўш, қаёққа кетяпсан?

Бруно лейтенантни ёмон кўриши учун ўзида яна бир жуфт сабаб пайдо бўлганини ҳис этган кўйи, Котлерга ўқрайди.

— Бу ёққа, — жавоб берди у, меҳмонхонани кўрсатиб.

— У ерда ўқиб ўтирмоқчиман.

Котлер бир сўз демай Брунонинг қўлидан китобни тортиб олди ва уни варақлай бошлади.

— “Ҳазиналар ороли”. Хўш, хўш. Нима ҳақда экан у?

— Шу, ороль ҳақида. — Бруно атайлаб секин гапирар, Котлер асл маъносини англаб олиши қийин кечишини тахмин қиларди. — Ҳазиналар ҳақида ҳам.

— Буни сенсиз ҳам тушуниб олдим. — Котлернинг кўзларидан: “Эҳ, комендантнинг эмас, менинг ўғлим бўлганинда, бошлаб адабингни берардим” деган гапни

ўқиди Бруно. — Энди эса ҳаммасини бир бошдан сўзлаб бер.

— У ерда Жон Силвер исмли қароқчи бор, — гап бошлади Бруно. — Жим Хокинс исмли бола ҳам...

— Инглизми? — унинг гапини бўлди Котлер.

— Ҳа.

— Ҳм, — қийшайди лейтенант.

Бруно унга қараб туриб, китобни ниҳоят қачон кайтараркан, деб ўйларди. У Котлерни қизиқтирмаётгани аниқ эди, аммо Бруно қўлини чўзганида, лейтенант китоб тутган қўлини шартта тортиб олди.

— Эҳ, кечирасан, — икки юзламачилик билан узр сўради Котлер. Бруно қўлини яна чўзганди, лейтенант яна қўлини тортиб олди. — Вой, нақадар чаққон эмасман-а.

Лекин зобит Брунога китобни яна узатганида, у Котлернинг қўлини тортиб олишидан илгарироқ чаққонлик билан уни ушлаб қолди.

— Бало бола экан, — тишлари орасидан деди лейтенант.

Бруно уни айланиб ўтиб кетмоқчи бўлди, бироқ лейтенант нима учундир бугун болакай билан гаплашиш ниятида эди.

— Байрамга ҳаммаси тайёрни?

— Шу, мен тайёрман. — Бруно яқиндан бери кўп вақтини Гретель билан ўтказиб, киноя билан гапирш унча ёмон нарса эмаслигини сезиб қолганди. — Бошқаларга келсак, ҳойнаҳой, айтолмасам керак.

— Одам кўп бўлади. — Лейтенант оғир хўрсиниб, худди уйда Брунонинг отаси эмас, ўзи хўжайиндек, атрофга аланглаб қўйди. — Биз ўзимизни яхшилаб кўрсатишимиз керак, тўғрими?

— Шу, мен ҳаракат қиламан. Бошқалар хусусида эса, ҳойнаҳой, айтолмайман.

— Ўзингдан катталар билан гаплашишни ўрганиб кўйсанг, ёмон бўлмасди, — деди.

Бруно кўзини қисиб қаради. Қанийди, ҳозир қадди тикроқ, кучлироқ ва саккиз ёшга каттароқ бўлиб қолса. Унинг ичидан ғазаби қайнар, лейтенантга у ҳақида нималарни ўйлаётганининг ҳаммасини айтишга жасорати етмаётганига ачинарди. Сенга ота-онанг ақл ўргатса, чидаса бўлади, лекин етти ёт бегона сени тарбиялашга уринса, бу бошқа гап. Ўша одам ҳатто лейтенант деган буюк унвонга эга бўлса ҳам.

— О, Курт, азизим, сен ҳали шу ердамидинг, — эшитилди онасининг овози. У ошхонадан чиқиб, улар ёнига келди. — Бирпастагина бўшадим ва... Вой! — У ўглини кўриб эсанкираб қолди. — Бруно! Бу ерда нима қиляпсан?

— Меҳмонхонага кириб китоб ўқимоқчи эдим. Мени тутиб қолишди.

— Менга қара, ҳозирча ошхонага бор, — буюрди онаси. — Лейтенант Котлер билан ёлғиз гаплашиб олишим керак.

Улар меҳмонхонага кириб кетишди, Котлер эшикни нақ Брунонинг бурни олдида шарақлатиб ёпди.

Бруно тутақиб ошхонага қараб кетди, у ерда эса уни энг ғаройиб совға кутарди. Тўсиқ ортида эмас, стол ортида Шмуэль ўтирарди. Бруно ўз кўзларига ишонмади.

— Шмуэль! Бу ерга қандай келиб қолдинг?

Шмуэль бошини кўтарди. У дўстини кўриб, чехрасидаги кўркүв қувончли табассум билан алмашди.

— Бруно!

— Бу ерга қандай келиб қолдинг? — ҳайрон бўлишда давом этарди Бруно. Гарчи у тўсиқ ортида нималар содир бўлишини ҳанузгача тузукроқ билмаса ҳам, барибир у ёқдаги одамларга қараб, уларга ўз уйларида жой йўқ, дея ҳис этарди.

— Мени ўша олиб келди, — жавоб берди Шмуэль.

— Ким? Наҳотки лейтенант Котлер бўлса?

— Ҳа-да. У бу ерда менга иш борлигини айтди.

Стол устида онаси даволовчи ликёр ичадиган миттигина рюмкадан олтмиш тўрттаси турар, уларнинг ёнида эса, илиқ сув солинган тоғора билан бир тахлам қоғоз салфеткалар бор эди.

— Менга рюмкаларни ялтирагунча ювиб тозалашни буюришди, — тушунтирди Шмуэль. — Уларга бармоқлари ингичкароқ кимдир керак бўлиб қолибди.

Бруно бундай иш учун Шмуэлни нимага олиб келишганига ақли етганди, лекин у, гўё исботламоқчи бўлгандек, қўлини чўзди ва Бруно хаёлида унинг кафтини улар анатомия дарсида одамни ўрганаётганларида герр Лицт олиб келган сунъий скелет қўли билан таққослади, — жуда ўхшарди.

— Илгарилари пайқамаган ҳам эканман, — деди Бруно ҳайрат билан, гўё ўзи билан ўзи гаплашаётгандек.

— Нимани пайқамагансан? — қизиқсинди Шмуэль.

Бруно жавобан ўз қўлини чўзди. Улар бармоқларининг учлари деярли бир-бирига тегди.

— Бизнинг қўлларимиз, — деди у. — Улар шунчалик ҳар хил. Қара.

Болақайлар бошларини эгишди — фарқи кўриниб турарди. Гарчи Брунонинг бўйи тенгдошларидан пастрок бўлса ҳам, унинг қўллари соғлом ва лўппигина эди. Томирлари териси остидан кўриниб турмас, бармоқлари эса қуриган бутуқчаларни эслатмасди. Шмуэлни қўллари эса бутунлай аксинча кўринарди.

— У қандай қилиб шунақа бўлиб қолди? — сўради Бруно.

— Билмайман, бош чайқади Шмуэль. — Илгари у сеникига ўхшарди. Лекин у қачон ўзгариб қолгани ёдимда

йўқ. Тўсиқнинг мен томонидагиларнинг ҳаммаларининг қўллари шундай.

Бруно хўмрайди. У йўл-йўл пойжомали кишилар ҳақида ўйларди. Аж-Висда нималар содир бўлади ўзи ва агар тўсиқ ортидаги одамлар қилтириқ ва кўринишдан нимжон бўлсалар, бу лагер умуман нима учун керак?

Унинг калласига ҳеч қандай маънили жавоб келмасди. Бруно Шмуэлнинг қўлига ортиқ тикилишни хоҳламай, ўгирилди ва бирон егулик излаб совуткични очди. Токчада тушлиқдан ортиб қолган яримта товуқ бўлаги бор эди. Брунонинг кўзи мамнунликдан қувониб кетди: ҳаётида совуқ товуқ гўштини пиёз ва шалфей аралашган соус билан ейиш унинг жону дили эди. У тортмадан пичок олиб, бир неча бўлак гўштни кесди, устига совуқ соусни суртди, кейин дўстига ўгирилди.

— Сенинг бу ердалигингдан хурсандман, — деди оғзини тўлдириб. — Рюмкаларни тозалаш кераклиги чатоқ бўлди-да, бўлмаса сенга ўз хонамни кўрсатардим.

— У жойимдан жилмаслигимни буюрди, акс ҳолда, мени жазолайдилар.

— Унга тупураман! — Бруно ўзини жасоратлироқ кўрсатишга уринарди. — Бу унинг уйи эмас, балки меники, дадам сафарга кетган чоғда, бу ерда мен хўжайинман. Сен ишонмайсан, у “Хазиналар ороли”ни ўқимаган экан!

Бироқ Шмуэль уни эшитмасди. У Брунонинг оғзига тиқиштираётган товуқ бўлақларидан кўзини узмасди. Тез орада Шмуэлнинг нимага қараётганига фаҳми етган Бруно ўзини шу заҳоти айбдор ҳис қилди.

— Кечирасан, Шмуэль. Сенга товуқни дарҳол таклиф этишим керак эди. Қорнинг очми?

— Мендан бу ҳақда сўраш — вақтни беҳуда ўтказиш. — Шмуэль Гретель билан сира кўришмаган бўлса ҳам, пичинг қилиш борасида ундан қолишмасди.

— Тўхтаб тур, мен ҳозир. — Бруно совуткич эшигини ланг очиб, учта каттароқ бўлакни кесиб олди.

— Йўқ. Башарти у қайтиб кириб қолса-чи... — Шмуэль шошиб эшикка аланглади.

— Ким қайтади? Котлерни айтаяпсанми?

— Менга рюмкаларни тозалаш буюрилган. — Шмуэль саросимага тушганча, гоҳ олдида турган тоғорадаги сувга, гоҳ Бруно унга узатаётган товукқа нигоҳини қадарди.

— У уришмайди. — Шмуэлнинг нимадан шунчалик кўрққанини тушунмай, Бруно ўзини озроқ йўқотиб қўйди. — Ахир бу бор-йўғи егулик-ку.

— Йўқ, ололмайман, — шивирлади Шмуэль йиғлаворай деб. — Биламан, у қайтиб келади. Товукни эндигина кестанинга ейиш керак эди, ҳозир жуда кеч бўлди. Мабодо уни олиб есам, у кириб қолгудай бўлса...

— Шмуэль! Бас қил! — Бруно стол ёнига бориб, дўстининг кафтига бўлакларни қўйди. — Е! У ерда ҳали анчаси қолди, хавотир олма, кечки чойга ҳаммага етади.

Шмуэль кафтига тикилиб қолди, кейин Брунога миннатдор бўлиб, аммо даҳшат билан қаради. Эшикка яна бир марта аланглаб олгач, у ниҳоят қарор қабул қилди ва ҳар учала бўлакни тезда оғзига тиқди. Йигирма сония фурсат ўтмаёқ, у оғзидаги лукмани ютди.

— Балки секинроқ ейиш керакмиди, — деди Бруно. — Кўнглинг беҳузур бўлиши мумкин.

— Майли. — Шмуэль уялиб жилмайди. — Раҳмат, Бруно.

Жавобан табассум қилган Бруно дўстига яна егулик таклиф этмоқчи бўлиб турганди, аммо шу пайт ошхонага кириб келган лейтенант Котлер болаларнинг ўзаро гаплашиб турганини кўриб, жойида қотиб қолди. Бирдан хона диққинафас бўлиб кетди; Бруно қимир этмай турар, кўз қири билан Шмуэлнинг энгашиб, столдан рюмкани қандай олгани ва уни ишқалай бошлаганини пайқади.

Лейтенант Брунога эътибор бермай, икки хатлаб Шмуэ-
нинг олдига яқинлашди ва унга дарғазаб тикилди.

— Бу нимаси? Сенга рюмкаларни тозалашни буюрма-
ганмидим?

Шмуэль тезгина бош ирғаб, чўзилганча салфеткани
олди ва уни сувга ботирди. Унинг қўллари қалтирарди.

— Бу уйда оғзингни очишга сенга ким ижозат бер-
ди? — давом этарди Котлер. — Менинг буйруқларимга
бўйсунмасликка қандай ҳаддинг сиғди?

— Мени кечиринг, — базўр жавоб берди Шмуэль.

У лейтенантга қаради. Зобит қовоғини уйган кўйи,
сал олдинга силжиб, боланинг юзини диққат билан
ўрганарди.

— Овқатландингми? — хайрон бўлиб сўради у, гўё
воқеаларнинг бундай бурилишини кутмагандай, гап
оҳангини пасайтириб.

Шмуэль бошини чайқади.

— Нимадир егансан, — бу сафар қатъий ва ба-
ланд овозда деди Котлер. — Совуткичдан егулик
ўғирладингми?

Шмуэль нимадир демоқчи бўлиб оғзини очиб-ёпди-ю,
бирок мувофиқ сўзларни сираям тополмади. У Брунога
ёрдам сўрагандай қаради.

— Жавоб бер! — бўкирди лейтенант Котлер. — Совут-
кичдан егулик ўғирладингми?

— Йўқ, жаноб. У мени меҳмон қилди. — Шмуэль
Брунога илтижоли нигоҳини қадади. — Биз дўстмиз, —
қўшиб кўйди Шмуэль, унинг кўзи тўла ёш эди.

— Сизлар... ким? — Котлер Брунога хайрат билан ти-
килди. У гўё бундай гапга қандай муносабатда бўлишни
билмасди. — “Дўстмиз” деганинг нимаси? Сен бу болани
танийсанми, Бруно?

Бруно лабларини қимирлатди, у “ҳа” деган сўзни
қандай талаффуз этишни эшлашга уринар, бирок

тили ўзига итоат этмасди. Бруно ҳозир Шмуэль каби қўрқиб кетган одамни умрида ҳеч қачон кўрмаганди; у дўстини ҳимоя қилмоқчи эди, бироқ бирдан бундай қилолмаслигини англади, чунки ўзи ҳам ўлардай қўрқиб кетганди.

— Сен уни танийсанми? — газаб билан такрорлади Котлер. — Сен маҳбуслар билан гаплашдингми?

— Мен... Мен кирганимда, у шу ерда эди, — деди базўр Бруно. — У рюмкаларни юварди.

— Мен буни сўрамаяпман! Сен у билан аввал ҳам учрашганидинг? У билан гаплашганидинг? Нимага у сизларни дўстмиз, — деяпти?

Бруно қочиб кета олса қанийди! У лейтенант Котлерни бутун қалби билан ёмон кўрарди, лекин зобит унга қараб силжиб борар ва Брунонинг кўз ўнгида даҳшатли саҳналар бирин-сирин намоён бўларди: мана, Котлер итни отиб ташлади, мана, Павел шимиға шароб тўкиб юборганида, унга ташланиб...

— Гапир, Бруно! — бақирарди Котлер, унинг башараси бўғриқиб кетганди. — Учинчи марта сўраб ўтирмайман!

— У билан умримда сираям гаплашмаганман, — деди шошилиб бошқача овозда Бруно. — Илгари уни ҳеч қачон кўрмаганман ҳам. У билан таниш эмасман.

Лейтенант бош ирғади: у жавобдан қаноатланганди. У Шмуэлга жудаям секин ўтирилди. Бола энди йиғламас, фақат бошини қуйи солганча, гўё ўз руҳини мана шу нозиккина танани тарк этиб, ташқарига сирпаниб чиқиб, эшик орқали кўкка баланд парвоз қилиб, булутлар билан бирга йироқ-йироқларга учиб кетиш учун кўндираётгандек турарди, холос.

— Бор, ишингни қил, рюмкалар ялтираб туриши керак, — деди лейтенант жуда паст овоз билан, унинг овози шунчалар паст эдики, Бруно уни базўр эшитди. Лейтенантнинг газаби сал босилгандай бўлди, аммо

унинг ўрнига бошқа нимадир келди. Бошқа нарса, лекин қарама-қарши эмас; у тушунарсиз ва мудҳиш нимадир эди. — Ишни тугатганимда эса, сени олиб кетгани келаман ва лагерга қайтариб элтиб қўяман, ўша ерда ўғриваччалар билан қандай йўл тутиш кераклиги тўғрисида гаплашиб ҳам оламиз. Тушунарлими?

Шмуэль бош ирғади, тоза салфеткани олди ва рюмкани ишқалашга киришди. Бруно унинг бармоқлари қалтираётганини пайқади ва Шмуэль шиша идишни синдириб қўйишдан кўрқаётганини фаҳмлади. Брунонинг юраги симиллаб оғриққа кирди, у ортга ўтирилмоқчи бўлди, аммо нигоҳи гўё Шмуэлнинг бармоқларига ёпишиб қолгандек эди.

— Кетдик, катта одам. — Лейтенант Котлер Брунога яқинлашиб, қўлини унинг елкасига қўйди. Лекин, унинг ҳаракатида заррача дўстона муносабат йўқ эди. — Меҳмонхонага бор, у ерда китобингни ўқийвер, манави кичкина... — у Павелни ғилдирак излашга юборганида, уни ҳақоратлаб айтган сўзни яна ишлатди, — ўз ишини тугатсин.

Бруно итоат билан бурилди ва алангламай ошхонадан чиқди. Унинг ичида оғриқ пайдо бўлди ва ҳозир қайт қилиб юборадигандек туюлди. У умрида ҳеч қачон бу қадар уялмаган ва ўзини бундай шафқатсизликка қобил деб тасаввур қилолмасди. Ўзини яхши одам деб ҳисоблайдиган бола ўз дўстини қандай сотиб шунчалар кўрқоқлик қилиши мумкин? — сўрарди Бруно ўзидан. У меҳмонхонада бир неча соат ўтирди, лекин унча кўп ўқимади. У оқшом пайтида, лейтенант Котлер Шмуэлни олиб, лагерга кетганидагина ошхонага яна киришга жасорат топди, холос.

Эртасига Бруно тўсиқ ёнидаги учрашув жойига борди, аммо у ерда Шмуэль йўқ эди. Бу ҳол деярли бир ҳафта давом этди ва Бруно ниҳоятда пасткашлик

қилгани ҳамда уни кечириб бўлмаслиги ҳақида алам билан ўйларди. Бироқ еттинчи куни Бруно Шмуэль одатдагидай, оёқларини чалиштирганча, ерга тикилиб, уни кутиб ўтирганини кўриб, хурсанд бўлиб кетди.

— Шмуэль! — Бруно тўсиқ ёнига югуриб бориб, енгил тортди ва айбдорлик хиссидан йиғлаворай деб ўтирди. — Кечир мени, Шмуэль. Бу қандай рўй берганини билмай қолдим. Мени кечирдим, деб айтгин.

— Бўпти.

Шмуэль бошини кўтарди. Унинг юзи кўкариб кетганди. Бруно беихтиёр башарасини тириштирди ва кечирим сўрашни ҳам унутди.

— Нима бўлди? — сўради у, аммо жавобни кутмади. — Велосипеднинг панд бердими? Икки йил илгари Берлинда мен билан ҳам худди шундай ҳол юз берганди. Мен катта тезликда учиб кетаётганимда великдан йиқилиб тушганман. Кейин кўкарган ва шилинган жойларим анчагача кетмаганди. Оғрияптими?

— Энди сезмай қўйдим, — деди Шмуэль.

— Ҳойнаҳой, оғриётгандир.

— Энди ҳеч нимани сезмаяпман.

— Ўзимни шундай тутганим учун мени кечир энди... Лейтенант Котлерни кўргани кўзим йўқ. Бу ерда у ўзини бошлиқ деб хаёл қилади, бироқ лейтенант жуда қаттиқ янглишади... — Брунонинг дами ичига тушиб кетди: бошқа нарса демоқчи эди. Дўсти олдида яна бир бора узр сўраши керак ва шундай сўрасинки, у Брунонинг самимийлигига буткул ишонсин. — Кечир, Шмуэль, илтимос. Унга нима учун ростини айтмаганимга тушунолмайман. Мен илгари дўстларимга ҳеч қачон хоинлик қилмаганман. Мен жудаям уялаяпман.

У жим бўлиб қолганида, Шмуэль жилмайиб, бош ирғади — Бруно ҳам ўзининг кечирилганини англади.

Кейин эса Шмуэль аввал сираям қилмаган ҳаракатни қилди. У симни пастдан ушлаб кўтарди — у илгари Брунодан егулик олиш учун уни кўтарарди, — лекин бу сафар у очилган бўш жойдан ўз қўлини суқди ва Бруно ўзиникини узатмагунга қадар тортиб олмади. Уларнинг кафтлари бирлашиб, қўл сиқилганда, иккови ҳам жилмаярди.

Шу тариқа улар илк бора бир-бирларига қўл узатишди.

Ўн олтинчи боб

СОЧ ОЛДИРИШ

Бруно мактабдан қайтганида Марияни унинг буюмларини жомадонларга жойлаштираётгани устидан чиқиб қолган вақтдан буён бир йил ўтди ва Берлин ҳақидаги хотиралар унинг ёдидан деярли ўчиб кетди. У Карл билан Мартин — унинг энг яқин дўстлари эканини ҳали унутмаган, лекин учинчисининг исмини сира эслолмасди. Шунда Бруно Аж-Висни тарк этиб, қадрдон уйига қайтадиган воқеа рўй берди — унинг бувиси оламдан ўтди, оила дафн этиш маросимига отланди.

Бруно уйда бўйи анча чўзилиб қолганини билди. Энди бир йил олдин пастдан юқорига қараган айрим нарсалар унинг кўзи даражасида бўлиб қолганди, энг юқоридаги дарчадан шаҳарни томоша қилганида эса, у энди оёқ учида туришига тўғри келмасди.

Бруно Берлиндан жўнаб кетганидан бери бувиси билан кўришмаганди, аммо у ҳақда ҳар куни ўйларди. У бувисининг Бруно ва Гретель билан Рождество байрами ҳамда туғилган кунларда ўйнаган спектаклларни, ҳар бир роль учун унга бувиси тайёрлаб берган қойилмақом либосларни ҳаммадан кўпроқ эсларди. Бруно буларнинг энди ҳеч қачон такрорланмаслиги ҳақидаги фикрдан қайғуларди.

Оиланинг Берлинда ўтказган ўша икки кун умуман анча қайғули ўтди. Черковдаги дафн маросимида Бруно, Гретель, онаси, отаси ва бобоси биринчи

каторда ўтиришди. Отаси дазмолланган ва мукофотлари яркиллаб турган энг чиройли байрамона форма кийганди. У ҳаммадан кўра ғамгинроқ эди. Чунки отаси буви-си билан уришиб қолганди ва унинг ўлгунигача ярашиб олишмагани туфайли, дея тушунтириб берди онаси Брунога.

Черковга жуда кўп гулчамбарлар келтиришди ва улардан бирини Фурор юборганидан отаси жуда ҳам фахрланди, лекин онасининг айтишича, агар буви-си бу ҳақда билганида, гўрида тикка турган бўларди.

Аж-Висга қайтишганида Бруно хурсанд бўлиб кетай деди. Бу ер унинг қадрдон уйига айланиб қолганди ва энди уйда беш қаватнинг ўрнига уч қават борлиги уни хавотирлантирмасди, ҳарбийларнинг уй бўйлаб хўжайинлар каби кўринишда доимий тарзда кезиб юришларига ҳам у бошқа эътибор бермасди. Астасекин, айниқса, у Шмуэль билан дўстлашиб қолганидан буён бу ер умуман унчалик ёмон эмас, деган хулосага келди. Бу ҳаётда у қувонишга арзигулик воқеалар борлигини тушунарди. Масалан, отаси билан онасининг кейинги пайтларда қувноқ ва хотиржам эканлиги, онаси энди ҳар куни дам олгани ётмасдан ва ҳар қандай баҳона билан даволовчи ликёрлар ичмаётганди. Гретель эса, онасининг гапига кўра, ўтиш даврига қадам қўйгани боис, укасидан нарироқ юришга ҳаракат қиларди.

Бундан ташқари эса, лейтенант Котлерни Аж-Висдан бошқа жойга ўтказиб юборишди ва Брунонинг жаҳлини чиқарадиган ва хафа қиладиган ҳеч ким қолмади. (Котлерни кўчириш жуда кутилмаганда рўй берди. Ўша кун арафасида отаси билан онаси бир-бирига узоқ бақириб-чақиришди, шундай бўлса-да, бошқа ҳеч қачон қайтмаслик учун лейтенант жўнаб кетди. Гретель қайғуда

қолди.) Брунони ҳеч ким бошқа «катта одам» деб атамасди, бунга қандай севинмаслик мумкин?

Лекин у Шмуэль исмли дўсти пайдо бўлганидан ниҳоятда бахтиёр эди.

У ҳар куни руҳи енгил ҳолда тўсиқ бўйлаб йўлга тушар ва Шмуэль сал шодон бўлиб қолганини сезиб, хурсанд бўлиб кетарди. Унинг кўзи энди унчалик ич-ичига чўкиб кетмаганди, лекин ростини айтганда, танаси ғоят қилтириқ, юзи эса нохуш кулранг эди.

Кунлардан бир кун уларнинг одатдаги жойида Шмуэлнинг қаршисида ўтирган Бруно ўйланиб деди:

— Бундай ғалати дўстлик менда ҳали ҳеч қачон бўлмаганди.

— Нимани назарда тутяпсан?

— Мен дўстлашган ҳамма ўғил болалар билан ўйнай олардим. Сен билан эса ўйнай олмайман. Қўлимиздан келадигани бор-йўғи шу ерда ўтириб, гаплашиш.

— Менга эса ўтириб, гаплашиш ёқади, — деди Шмуэль.

— Ҳа, албатта, менга ҳам, — қўллаб-қувватлади Бруно. — Лекин баъзан қизиқарлироқ бирон-нима билан машғул бўлгинг келади. Масалан, тадқиқод мақсади билан экспедиция ташкил этиш. Ёки футбол ўйнаш. Биз ҳатто ростмана бирга бўлолмаймиз ҳам, орамизда доимо манави сим девор бор.

Бруно ўзини гўё Шмуэль билан дўстлигидан воз кечган чоғда, ошхонада ҳеч қандай фалокат рўй бермагандек тутиб, шунга ўхшаш гапларни тез-тез айтарди. У хозирга қадар изтиробдан ўзига келмаган ва гарчи Шмуэль ўша воқеани буткул унутиб юборгандек кўринса ҳам, у ўзини айбдор сезишда давом этарди.

— Балки қачондир ўйнармиз ҳам, — деди Шмуэль. — Агар бизни бу ердан қўйиб юборсалар.

Бруно тўсиқ ҳақида борган сари тез-тез ўйларди. Унинг ҳар икки тарафида нималар содир бўлаётгани ва умуман, бу ердан уни нима учун тортиб қўйилгани ҳақида фикрларди. Отаси билан онасидан сўраб кўрса бўлармикан, дея чамаларди Бруно, лекин улар бундай саволдан ё жаҳллари чиқади, ёки Шмуэль ва унинг оиласи ҳақида бирон бўлмағур гапларни айтишларидан гумонсираб, охир-оқибатда ушбу фикридан воз кечди. Шу боис у ғариоддий иш қилиб, “яхшилиқ чиқмас” опасига мурожаат этишга қарор қилди.

У Гретелнинг хонасига охирги марта кирганидан буён у бутунлай ўзгариб кетганди. У ерда бит-таям кўғирчоқ қолмаганлигидан бошлайлик. Бир ой олдин, тахминан лейтенант Котлер Аж-Висдан жўнаб кетган вақтда тўсатдан кўғирчоқлар уни ортик қизиқтирмаётганини билиб қолиб, уларни тўртта катта сумкага жойлаб ташлаб юборди. Авваллари кўғирчоқлар бўлган ерда энди отаси ҳадя этган ва жажжи тўғноғичлар қадалган Европа хариталари осилган эди. Гретель ҳар куни янги газеталар билан танишиб бўлгач, тўғноғичларни суриб кўярди. Брунога баъзан опаси ақлдан озаётгандек туюларди. Лекин, ҳатто шундай бўлса ҳам, у укасини мазах қилмай қўйди ва унга тирғалишни бас қилди, шу боис опаси билан гаплашишинг зарари йўқ, деб ўйлади.

У тақиллатмай кирса, опасининг қандай қони қайнаб кетишини билгани туфайли боадаблик билан эшикни қоқди.

— Салом.

— Нимага келдинг? — Гретель пардоз столи олдида сочларини ҳар оҳангга солиб ўтирарди.

— Шунчаки ўзим.

— Ундай бўлса, йўқол.

Бруно бош ирғади, лекин барибир хонага кириб, каравот четига ўтирди. Опаси кўз қирини ташлаб уни кузатар, бироқ чурқ этмасди.

— Гретель, — дея сукунатни бузди Бруно, — сендан баъзи нарсалар ҳақида сўрасам майлими?

— Фақат тезроқ.

— Бу ерда, Аж-Висда... — дея гап бошлаганди у, бироқ опаси дарҳол унинг гапини бўлди:

— Бруно, бу ерни Аж-Вис дейишни бас қил! — Гретелнинг шу қадар жаҳли чиқиб кетдики, гўё инсоният тарихида бундай кўпол хатога ҳеч ким йўл қўймаганди. — Нимага унинг номини тўғри талаффуз этолмайсан?

— Лекин мен тўғри айтяпман, Аж-Вис, — эътироз билдирди Бруно.

— Йўқ. — Опаси лагернинг номини тўғри талаффуз этиб, укасига ўргатишга уринди.

Бруно ўшшайиб, елкаларини қисиб қўйди:

— Мен-чи, шунақа демадимми?

— Йўқ, ундай эмас... Ҳа, майли, сен билан баҳслашишни истамайман, — уфф тортди Гретель сабр-сизлик билан. — Нимага келганингни гапир. Сенга нима керак?

— Мен тўсиқ ҳақида билмоқчи эдим. — Бруно энг муҳим саволдан бошлаш керак, деган қарорга келди. — У бу ерда нимага керак?

Гретель укасига кескин ўтирилиб, унга тикилиб қолди.

— Нима, билмайсанми?

— Йўқ. Нимага бизни тўсиқ ортига киритишмайди, тушунмайман. Нимага биз ўша ёққа бориб ўйнамаймиз? Биз шунчалар ёмонмизми?

Гретель ҳайрон бўлиб индамай қолди, кейин эса хахолаб кулиб юборди. Бруно ҳазиллашмаётганини англагандан кейингина опаси кулишдан тўхтади.

— Бруно, — деди у болаларча овозда, гўё гап энг оддий нарсалар ҳақида бораётгандек, — деворни биз у ёққа ўтмаслигимиз учун эмас, улар биз тарафга ўтмасликлари учун ўрнатишган.

Бруно унинг сўзларини ўйлаб кўрди, бироқ бу вазиятга ўзгача ойдинлик киритмади.

— Лекин нима учун?

— Чунки уларни бирга ушлаб туриш керак, — изоҳ берди Гретель.

— Яъни, уларнинг яқинлари билан биргаликдами?

— Ҳа-да, яқинлари билан бирга. Ва уларнинг зотидаги одамлар билан бирга.

— “Уларнинг зоти” дегани нимани англатади?

Гретель чарчаган кўйи хўрсинди.

— Бошқа яҳудийлар билан, Бруно. Наҳотки билмаган бўлсанг? Улар биз билан аралашиб кетмасликлари учун ҳам уларнинг ҳаммаларини бирга сиқлайдилар.

— Яҳудийлар. — Бруно сўзни тилида айтиб кўрди. Унинг қандай жаранглаши ўзига ёқди. — Яҳудийлар, — такрорлади у. — Демак, тўсиқнинг нариги тарафидаги одамларнинг ҳаммаси яҳудийларми?

— Жудаям тўғри, — тасдиқлади Гретель.

— Биз-чи, яҳудиймизми?

Гретель гўё юзига тарсаки тортиб юборгандек, кўзини олайтириб, оғзини очди.

— Йўқ, Бруно. Бу сираям ундаймас. Ҳеч ким билан бунга ўхшаш суҳбат бошлашни хаёлингга ҳам келтирма.

— Лекин нимага? Унда биз киммиз?

— Биз... — дея гап бошлади Гретель ва бу саволга қандай жавоб бериш кераклигига шубҳаланганча жим

бўлиб қолди. — Биз... — яна бошлади у, бироқ тўғри жавобни ҳали ҳам топмади. — Биз — яхудий эмасмиз, — деди у ниҳоят.

— Ҳа, биламан, — қўл силтади Бруно, опасининг бефаросатлиги унинг газабини қўзғата бошлаганди. — Агар биз яхудий бўлмасак, у ҳолда биз — киммиз?

— Биз — уларнинг қарама-қаршиларимиз, — дея гап топди Гретель. Унинг ўзига нисбатан ишончи аста-секин қайтаётганди. — Ҳа, худди шундай, биз — уларнинг аксимиз.

— Яхши, — қувониб кетди Бруно: жилла қурса, бир саволга жавоб топишга эришилди. — Тўсиқнинг бериги томонида қарама-қаршилари, нариги томонида эса яхудийлар яшайдилар.

— Айнан шундай, Бруно.

— Бундан чиқди, яхудийлар ўз аксларини яхши кўришмас экан-да?

— Йўқ, биз уларни яхши кўрмаймиз, ахмоқ.

Бруно маъюслашди. Гретелга ҳар доим укасини ахмоқ деб ҳақорат қилиш мумкин эмаслигини уқтиришади, лекин у сираям тийилмайди.

— Хўш, нима учун энди биз уларни яхши кўрмаймиз? — сўради Бруно.

— Чунки улар — яхудийлар.

— Тушунарли. Қарама-қаршилар билан яхудийлар ёнма-ён яшай олишмайди.

— Йўқ, Бруно, — сал паришон жавоб берди Гретель. Сочида ноодатий ниманидир пайқаган опаси топилмани синчиклаб ўрганарди.

— Хўш нимага энди ҳамма бирга йиғилиб, кейин...

Брунонинг нутқини Гретелнинг кулоқни батанг қилувчи чинқириғи бўлиб юборди. У шунчалар баланд овозда чинқирардики, тушлиқдан кейин дам

олаётган онаси уйғониб, болаларидан қай бир кимни ўлдираётганини аниқлаш учун қизининг хонасига югуриб келди.

Сочини ҳар турга солиб ўтирган Гретель тўғноғич бошидан катта бўлмаган ҳажмдаги жажжи тухумча топиб олганди. Опаси уни онасига кўрсатди. Кейин онаси унинг сочларини тутамлаб яна титкилади. Шундан кейин Брунога навбат етди.

— Ярамас, — ғазаби қайнаб деди онаси. — Бу ерда шунга ўхшаш нарса албатта содир бўлишини ўзим ҳам билардим. Шундай жойда-я!

Гретель билан Брунонинг сочлари битлаб кетибди. Гретелнинг бошига жудаям бадбўй махсус шампунь суртишди, бироқ бу унинг кайфиятини яхшиламади — у ўз хонасига қамалиб олганча, бир соат ҳўнграб йиғлади.

Брунонинг ҳам сочини сассиқ шампунда ювишди, лекин кейин отаси яхшиси, уни тагидан қириб олиб ташлаганлари маъқул, деб қўлига устарани олди. Шунда Бруно ҳам йиғлаб юборди. Соч қириш кўп вақтни олмади. Бруно сочлари бошидан оёқлари остига қандай сирпаниб тушаётганини алам билан кузатарди, лекин отаси шундай қилиш зарурлигини бетиним уқтирарди.

Сочи олинганидан кейин Бруно ваннахонадаги кўзгуга қараб, жуда хафа бўлиб кетди: унинг кал боши жуда хунук кўринар, кўзи эса ҳаддан зиёд катта бўлиб туюларди. Бруно ўз аксидан кўрқиб кетай деди.

— Кўп куюнма, — тинчлантирди уни отаси. — Сочинг ўсиб кетади. Бир ойдан кейин яна ўз ҳолингга келиб қоласан.

— Бу ҳаммаси исқиртликдан, — деди онаси. — Агар баъзи бировлар шунга ўхшаш муҳит барчамиз-

га қанчалик ёмон таъсир кўрсатишини ниҳоят англаганда эди.

Бруно ўзини кўзгуда кўриб, Шмуэлга жудаям ўхшаб қолганини пайқамай қололмади ва тўсиқ ортидаги одамлар ҳам, ҳойнаҳой, битлаб кетганлари туфайли ҳаммаларини кал қилиб қириб ташлашгандир, деб ўйлади.

Эртасига Бруно Шмуэль билан учрашганида, у Брунони кўриб кула бошлади, бу эса ўзига нисбатан ишончи етишмаётганини ҳис этиб турган болакайга зиғирчаям қатъият кўшмади.

— Мен энди худди сенга ўхшаб қолдим, — деди у маъюс тортиб, гўё гап буюк бахтсизлик ҳақида бораётгандек.

— Фақат сал дўмбоқроқ, — аниқлаштирди Шмуэль.

ОНАСИ МАҚСАДИГА ЕТМОҚЧИ

Онасига Аж-Висда яшаш умуман ёқмай қолди, у ҳар доим ёмон кайфиятда юрар ва у билан нималар рўй бераётганини Бруно жуда яхши тушунарди. У бу ерга эндигина келган пайтда ғазоби чексиз бўлган эди, чунки, биринчидан, бу ер кадрдон уйига сира ўхшамасди, иккинчидан эса, унга бир умрлик уч нафар садоқатли дўстлари жудаям етишмасди. Бироқ, вақт ўтган сайин, унинг учун кўп нарса ўзгарди — асосан Шмуэль туфайли, у Бруно учун Берлиндаги дўстлари Карл, Мартин ва Даниэлга нисбатан муҳимроқ бўлиб қолганди. Лекин онаси ўз Шмуэлини топмаганди. Унинг суҳбатлашадиган ҳеч кими йўқ эди, у дўстлашиб қолган ягона инсон лейтенант Котлерни эса, бошқа жойда хизмат қилиш учун ўтказиб юборишди.

Бруно эшик орқасида туриб ёки бошини мўрконга суқиб гап пойлайдиган болалардан эмасди. Бироқ, бир куни отасининг хонаси олдидан ўтиб кетаётиб, отаси билан онасининг навбатдаги суҳбати вақтида нималар ҳақида гаплашаётганларини эшитмай қолмади, — уларнинг овози анча баланд чиқарди.

— Бу ниҳоятда жирканч, — деди онаси. — Шунчаки жирканч. Буларга чидаш учун бошқа кучим қолмади.

— Бошқа иложимиз йўқ, — эътироз билдирди отаси. — Олдимизга вазифа қўйилган...

— Йўқ, — эрининг гапини бўлди онаси. — Вазифа сенинг олдинга қўйилган. Бунга бизнинг алоқамиз йўқ. Агар хоҳласанг, ўзинг қолавер.

— Лекин башарти сен билан болаларимга Берлинга менсиз қайтишга имкон берсам, одамлар нима деб ўйлайди? Улар менинг ишга нисбатан садоқатимни шубҳага қўйишмайдими?

— Ишга дейсанми? — қичқири онаси. — Сен буни иш деб атайсанми?

У ёғини энди Бруно эшитмади: овозлар тобора эшикка яқинроқ эшитилар ва онасининг даволовчи ликёр излаб тўсатдан кабинетдан чиқиб қолиш хавфи пайдо бўлди, шу боис Бруно юқорига, ўз хонасига югуриб кетди. Бироқ у етарлича маълумотга эга бўлиб фикрлади: жуда тез орада у Берлинга қайтиши мумкин. У бундан севинишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмай, ҳайрон бўларди.

Бир жиҳатдан, у ҳозирга қадар Берлиндаги ҳаётни соғинарди, бироқ бир йил мобайнида у ерда кўп нарса ўзгарганди. Карл, Бруно исмларини сира эслолмаётган икки нафар энг яқин дўстлари, эҳтимол, уни аллақачон унутишгандир. Бувиси вафот этди, бобосидан эса деяри ҳеч қандай хабар йўқ эди, бир куни отаси: “Дадам қариганда тушкунликка тушиб қолибди”, — деганди.

Яна Бруно Аж-Висга ўрганиб қолганди: герр Лицт уни қийнамас, Мария билан Берлиндагидан ҳам яхшироқ чиқишарди; Гретель ҳали ҳам ўсмирлик даврига ўтаётганди ва укаси билан тўқнашмасликка уринарди (бундан ташқари, энди у аввалгидек умидсиз аҳвол эмасди), Шмуэль билан ҳар кунги суҳбатлар эса уни бахтиёр этарди.

Хуллас, Бруно Берлинга кўчиб кетиш тўғрисида нимани ўйлашни ҳам билмасди ва нима бўлса бўлар — отаси қандай йўл тутсалар ҳам, у шикоят қилмайман, деган қарорга келганди.

Ҳафталар ўтар, аммо ҳеч нима ўзгармас, ҳаёт бир маромда кечарди. Отаси вақтининг кўп қисмини ўз

кабинетида ёки тўсиқ ортида ўтказарди. Онаси гўё яшириниб олгандай эди; у кундузи ва ҳатто нафақат тушлиқдан кейин, унгача ҳам тез-тез ухлашга ётиб оларди, бу эса Брунони хавотирга солди: ишқилиб, у касал бўлиб қолмадимикан? Соғлом одамга шунча даволоччи ликёрнинг хожати бормикан? Гретель ўз хонасида ўтирганча деворга ёпиштирилган хариталарни томоша қилар, тўғноғичларни бир неча миллиметрга суришдан аввал газеталарни соатлаб ўрганарди. (Хариталар билан шундай ишлагани учун герр Лицт опасини мақтарди.)

Брунога эса, у катталарнинг гапига қулоқ солар, ҳеч кимга ташвиш келтирмас ва кўнглида: ҳеч ким билмайдиган сирли дўстим борлиги қандай яхши-я, деб хузурланиб ўйларди.

Бироқ ажойиб кунлардан бирида отаси Бруно билан Гретелни бўлажак ўзгаришлар ҳақида маълум қилиш учун кабинетига чақирди.

— Ўтиринглар, болалар, — авваллари “доимо искирт қўллари” туфайли, ҳатто олдига яқинлашиш тақиқланган иккита кенг чарм қопланган оромкурсини кўрсатди. Отасининг ўзи ёзув столи олдига жойлашганди. — Биз онангиз билан айрим нарсаларни ўзгартириш фурсати етди, деган хулосага келдик, — давом этарди у, овозида ҳазин маъюслик билан. — Айтинг-чи, бу ер сизларга ёқадими?

— Албатта, дада, — жавоб берди Гретель.

— Бўлмасам-чи, дада, — жавоб берди Бруно.

— Берлинни сира соғинмадингларми ҳам? — Болалар индамасдан бир-бирларига аланглар, ҳеч ким биринчи бўлиб фикрини айтишни хоҳламасди.

— Биласизми, жудаям соғиняпман, — ўзини туюлмади Гретель. — Менга дўстларим жудаям етишмаяпти.

Бруно ўзининг сири ҳақида эслаб, жилмайди.

— Дўстлар, — бош ирғади отаси. — Ҳа, мен бу ҳақда тез-тез ўйлайман. Ҳойнаҳой, бу ерда баъзан ўзингизни ёлғиз сезсангиз керак.

— Жудаям ёлғиз, — тасдиқлади Гретель иккиланмай.

— Сен-чи, Бруно? — отаси нигоҳини ўғлига қаратди.
— Сен дўстларингни соғиняпсанми?

— Ҳа, — босиқ жавоб берди Бруно. — Лекин назаримда, қаерга жўнаб кетмай, қолдириб кетган одамларни доимо қўмсайман.

Бу Шмуэлга нисбатан яширин ишора эди, лекин Бруно фикрини янада равшанроқ ифодалаш учун эҳтиёткорроқ бўлди.

— Лекин сен Берлинга қайтишни хоҳлармидинг? — сўради отаси. — Мабодо шундай имконият яралиб қолса.

— Ҳамма билан биргаликдами?

Отаси чуқур хўрсинди.

— Онанг ва Гретель билан. Берлиндаги эски уйимизга. Хоҳлармидинг?

Бруно қошларини чимирди.

— Умуман айтганда, ҳа, лекин фақат сиз биз билан бирга кетсангиз. — Бу гап роппа-рост эди ҳам.

— Демак, сен шу ерда мен билан қолишни афзал кўрасанми?

— Мен ҳаммамиз бирга бўлишимизни афзал билардим, — деди Бруно, мазкур рўйхатга истар-истамас Гретелни ҳам киритиб. — Берлиндами ёки Аж-Висдами, барибир.

— Бруно! — асабий хитоб қилди Гретель ва отаси уларнинг Берлинга қайтиш режаларини кунпаякун қилгани учун жаҳли чиқдими ёки уйининг номини нотўғри талаффуз этгани туфайлими, у тушунолмади.

— Биласанми, ҳозирги вақтда бунинг иложи йўқ, — деди отаси. — Фурор ҳозирча бу объектни бошқаришдан

мени озод этмоқчи эмас. Лекин онангизнинг ўйлашича, Берлинга учалангиз қайтиб, уйни тартибга келтириш учун ҳозир энг қулай фурсат ва агар ўйлаб кўрилса... — У бир сонияга жим қолиб, деразага қаради, у ердан тўсиқ билан унинг ортидаги лагерь манзараси намоён бўлади. — Агар ўйлаб кўрилса, эҳтимол, у ҳақдир. Бу ер, ҳойнаҳой, болалар учун энг тўғри келадиган жой бўлмаса керак.

— Бу ерда юзларча болалар бор. — Бу Брунонинг ўйламай оғзидан чиқиб кетган шундай бахтсиз ҳодиса бўлди. — Фақат улар тўсиқнинг нариги томонида.

Сукунат чўкди, лекин бу одамларнинг шунчаки гаплашадиган гапи йўқлиги туфайли тушадиган оддийгина сукунат эмасди. Бу қандайдир шовқинли сукунат эди. Отаси билан Гретель Брунога тешворгудай тикилишар, у эса ўзини йўқотганча киприк қоқарди.

— Тўсиқ ортида юзларча болалар бор, деганинг нимаси? — У ерда нималар содир бўлаётгани ҳақида сенга нималар маълум?

Бруно чайналиб қолди. Ҳаддан зиёд кўп гапириб қўйишнинг ҳожати бормикан — ишқилиб, кулфатга дучор бўлиб қолмаса, бас.

— Уларни ўз хонамдаги деразадан кўраман, — дея вазиятдан чиқиб кетди у. — Улар жудаям узоқда, албатта, лекин афтидан, улар бир неча юзларча бўлса керак. Ҳаммалари йўл-йўл пойжомаларда юришади.

— Йўл-йўл пойжомаларда, ҳа, — хавотирли оҳангда тасдиқлади отаси. — Сен ҳам уларни кузатасан, шунақами?

— Шу, мен уларни кўраман, — жавоб берди Бруно. — Лекин бу айнан кузатишнинг ўзи эмас-ку, ахир.

— Жуда яхши, Бруно, — жилмайди отаси. — Сен ҳақсан, бу унинг айнан ўзи эмас.

У яна ўз фикрлари гирдобига чўкди, кейин эса, гўё ниҳоят қарор қабул қилгандай, бошини кескин силкиб қўйди.

— Йўқ, у ҳақ. — Отаси на Гретелга, на Брунога қарамай овоз чиқариб гапирди. — У бутунлай ҳақ. Сиз бу ерда етарлича узоқ ҳаёт кечирдингиз. Энди уйга қайтадиган фурсат етди.

Шундай тарзда ҳаммаси тугади. Уйни тозалаш, ойналарни ювиш, зинапоя панжараларини ялтиратиш, чойшабларни дазмоллаб, каравотларга солиш учун Берлинга буйруқ юборилди, отаси онасига, Гретель ва Брунога ҳафта давомида улар жўнаб кетишларини эълон қилди.

Бруно, ўзига нечоғлиқ ғалати туюлмасин, Берлинга қайтишга умуман жон-жаҳди билан интилмаётганини билиб қолди. Кейин, бу ҳақда у Шмуэлга нима деб айтади?

Ўн саккизинчи боб

БУЮК САРГУЗАШТ ҒОЯСИ ҚАНДАЙ ТУҒИЛДИ?

Отаси Берлинга тез орада қайтиш тўғрисида эълон қилганидан кейин, эртасига Шмуэль шартлашилган жойга келмади. У бир кун кейинроқ ҳам яна кўринмади. Учинчи куни Бруно чордона қуриб ўтирган ҳеч кимни яна кўрмади. Бруно хавотирга тушди: наҳотки Аж-Висдан ўз дўстини кўролмай кетиб қолишига тўғри келса? Ўн дақиқа кутиб, ҳар қандай умидини йўқотгач, у энди қайтиб кетишга шайланиб тургандики, бирдан узоқда аввал нуқтани кўрди, у доғга айланди, доғ шарпага айланди ва ниҳоят, йўл-йўл пойжомали болакайга айланди.

Брунонинг оғзи қулоғига етиб, ерга ўтирди ва Шмуэлни меҳмон қилиш учун уйдан яширинча олиб чиқилган нон билан олмани киссасидан чиқарди. Лекин, ҳатто йироқ масофада ҳам дўстининг аҳволи унча яхши эмаслиги кўриниб турарди. Шмуэль одатдагидан янада бахтсизроқ кўринар, у тўсиққа етиб борганида эса, ҳар доимгидай дарҳол егуликка ташланмади.

— Мен энди бошқа келмасанг керак, деб ўйлагандим, — деди Бруно. — Кеча ҳам, ўтган куни ҳам келдим, сен эса йўқ эдинг.

— Кечир, — узр сўради Шмуэль. — Бир нарсалар содир бўлди.

Бруно бунинг нима бўлиши мумкинлигини топишга уриниб, дўстига кўзини қисганча қараб ўтирарди.

Эҳтимол, Шмуэлга ҳам унинг уйга қайтишини айтгандирлар? Дунёда ҳар хил, энг ажабтовур, ўзаро мос келиб қоладиган ҳодисалар рўй бериб туради. Ахир, Бруно билан Шмуэль бир кунда тугилишган-ку — бу ҳайратланарли ҳол эмасми?

— Ҳўш? — сўради Бруно. — Нима бўлди?

— Отам, — деди базўр Шмуэль. — Биз уни тополмаяпмиз.

— Тополмаяпсиз? Қандай қилиб? Яъни, у йўқолиб қолдимми?

— Шундай деб ўйлайман. У душанба куни шу ерда эди, кейин бошқа эркаклар билан бирга ишга жўнаб кетишди, улардан ҳеч ким қайтмади.

— Сиз ундан хат ҳам олмадингизми? — суриштирарди Бруно. — Эҳтимол, у қачон қайтишини ёзиб мактуб қолдиргандир?

— Йўқ, қолдирмади.

— Ҳеч нимага тушунмаяпман, — тан олди Бруно ва ўйланиб, қўшиб қўйди: — Сен уни қидирдингми?

— Изладим, албатта, — ғамгин хўрсинди Шмуэль. — Мен худди сен доим айтадиган ишни қилдим — экспедицияни ташкил этдим.

— Ҳеч қандай излар йўқми?

— Ҳеч қандай.

— Жуда ғалати. Лекин бунга оддий тушунтириш топилишига ишончим комил.

— Қандай? — қизиқиб қолди Шмуэль.

— Балки, эркакларни ишлатиш учун бошқа шаҳарга олиб кетишгандир ва улар ишни тугатишмагунга қадар у ерда ушланиб қолишларига тўғри келгандир. Бу ердаги почта эса унча яхши ишламайди. Ҳеч шубҳасиз, отанг яқинда қайтади.

— Умид қиламан. — Шмуэль ёшларини базўр тутиб турарди. — Усиз қандай яшаймиз, билмайман.

— Агар истасанг, отамдан сўраб кўришим мумкин, — унчалик қатъиятсиз таклиф этди Бруно, кўнглида Шмуэлнинг рад этишига умид қиларкан.

— Бундай йўл тутишнинг ҳожати бўлмаса керак, — Шмуэлнинг жавобини буткул рад этиш деб бўлмагани боис, Брунонинг ҳафсаласи пир бўлди.

— Лекин нима учун? Отам тўсиқнинг сиз томонидаги ҳаёт ҳақида яхшигина хабардор.

— Назаримда, ҳарбийлар бизни унча ёқтиришмайди, — деди Шмуэль ва ҳатто сал кулмоқчи бўлди-ю, лекин эплолмади. — Йўқ, мен аниқ биламан, улар бизни ёмон кўришади, шунчаки бизни кўргани кўзлари йўқ.

Бруно ҳайратдан сал ортга чекинди.

— Сен янглишяпсан, бундай бўлиши мумкин эмас.

— Бу рост гап. — Шмуэль, аксинча, олдинга интилиб, кўзи қисилди, лаблари эса ғазабдан сал қийшайиб кетди. — Майли, мен ҳам уларнинг ҳаммасини кўргани кўзим йўқ. Улардан нафратланаман, — дея ҳиссиёт билан такрорлади у.

— Наҳотки менинг отамни ҳам ёмон кўрсанг? — сўради ҳайрон қолган Бруно.

Шмуэль лабини тишлади. У Брунонинг отасини бирон марта ҳам кўрмаганди ва бу одамнинг шундай келишган ва меҳрибон ўғли борлигига тушунолмасди.

Брунода оталар мавзусини муҳокама этиш хоҳиши сираям қолмаганди. У Шмуэлнинг тинчланиб олишини бир оз кутиб тургач, шундай деди:

— Бўпти. Менда ҳам сен учун янгилик бор.

— Янгилик дейсанми? — Шмуэль Брунога умид билан қаради.

— Ҳа. Мен Берлинга қайтпман.

Кутилмаган хабардан Шмуэлнинг оғзи очилиб қолди.

— Қачон? — унинг овози сал титради.

— Шу, бугун пайшанба бўлса, — ҳисобларди Бруно, — демак, ҳойнаҳой, биз шанба куни кетсак керак. Тушдан кейин.

— Узоқ муддатгами? — сўради Шмуэль.

— Бутунлайга ўхшайди. Онамга Аж-Вис ёкмайди... У бундай жойда болаларни ўстириш мумкин эмас, деди... Отам эса, ўз ишида қолади, ахир Фурорнинг отамга нисбатан катта режалари бор. Лекин қолган ҳамма уйга қайтиб кетади.

У “уйга” деди-ю, аммо уйининг қаерда эканини ўзи ҳам яхши билмасди.

— Демак, сени бошқа кўролмас эканман-да? — маъюс тортди Шмуэль.

— Нимага энди? — унга қўшилмади Бруно. — Сен таътилга Берлинга келишинг мумкин, ахир. Бу ерда бир умр қолиб кетмайсан-ку, тўғрими?

— Балки қолмасман. — Шмуэлнинг кайфияти бутунлай тушиб кетди. — Сен кетиб қолсанг, мен ҳеч ким билан гаплашолмайман.

— Шундай бўлиб чиқяпти. — Бруно: “Мен ҳам сени соғинаман, Шмуэль”, дея қўшиб қўймоқчи эди-ю, бироқ у сўзларни айтишдан орланаётганини билди. — Бундан чиқди, эртага охирги маротаба кўришарканмиз-да... Яъни, бу ерда охирги марта, — тузатди у. — Хайрлашув учрашувини ўтказамиз. Сенга бирон мазалироқ егулик олиб келишга ҳаракат қиламан.

Шмуэль бош ирғади, аммо ўз андуҳини сўз билан ифодалолмай, чурқ этмади.

— Эссизгина, Шмуэль сен билан ҳеч қандай ўйин ўйнолмадик, — деди Бруно узоқ жим қолишгандан кейин. — Жилла қурса, бир марта ўйнаганимизда эди. Кейин эслаб юришимиз учун.

— Ҳа, афсус, — жавобан деди Шмуэль.

— Биз сен билан бир йилдан кўпроқ суҳбатлашдик, лекин ўйин ўйнашга эса етиб боролмадик. Биласанми, нима? — Брунонинг ёдига тушди. — Мен ўз хонам деразасидан сизларнинг қандай яшаётганингизни кузатардим, яқиндан эса сира ҳам кўрмадим.

— Сенга ёқмаган бўларди, — деди Шмуэль. — Сенинг уйинг анча яхшироқ.

— Барибир жудаям кўргим келяпти.

Шмуэль озроқ фикрлаб, эгилди ва сим тўсиқни кўтарди. Очилган тешиқдан кичикроқ, масалан, Брунодек бола бемалол сиғиб ўтиши мумкин эди.

— Хўш, нима бўлди? — Шмуэль Брунога қарарди. — Ўтақол!

Бруно тешиқка хавотирланиб қаради.

— Менга рухсат беришмаса керак.

— Лекин бу ерга ҳар куни келишингга ва мен билан суҳбатлашингга ҳам рухсат беришмайди-ку, ахир, — эътироз билдирди Шмуэль. — Сен эса барибир келаверсан, шундай эмасми, ахир?

— Аммо, агар мени ушлаб олсалар, унда албатта жазолайдилар. — Бунга Бруно сира шубҳаланмасди: отаси билан онаси унинг бундай қилиғини маъқулламайдилар.

— Тўғри. — Шмуэль сим тўсиқни қўйиб борди ва ерга тикилиб қолди. Унинг кўзидан шашқатор ёш оқди. — Бундан чиқди, эртага сен билан видолашамиз.

Иккала болакай ғамгин сукут сақлашарди. Бирдан Брунонинг калласига бир фикр келди:

— Агар бундай қилсак-чи... — Бруно ўз ғоясини айтишга шошилмади, унинг мардона янги режаси аввал бошида пишиб етилсин. У қўлини боши узра юргизди, кафти илгариги қуюқ сочлар ўрнига ҳали ўсиб чиқмаган,

дагал сочга тикандек ботди, холос. — Бошимдаги сочимни қириб ташлашган пайтда, сенга ўхшаб қолганимни айтгандим, эсингдами?

— Фақат сал дўмбокроқсан, дегандим, — деди Шмуэль.

— Ундай бўлса, — давом этди Бруно кўтаринки кайфиятда, — бунинг устига йўл-йўл пойжома топа олсам, сеникига меҳмонга осонгина бора олардим ва мени ҳеч ким танимасди.

Шмуэлнинг чехраси очилди, энди у оғзининг таноби қочиб, жилмаярди.

— Шундай деб ўйлайсанми? Ростдан ҳам шундай қиласанми?

— Албатта, бу бизнинг сўнги саргузаштимиз бўлади. Буюк саргузашт. Ниҳоят, менга тадқиқ этадиган нимадир топилди.

— Менга отамни топиш учун кўмаклашасан ҳам, — дея қўшиб қўйди Шмуэль.

— Нимага шундай қилмас эканмиз. Атрофдаги ҳамма жойни излаймиз ва керакли маълумотларни топишга ҳаракат қиламиз. Тадқиқотчилар ҳар доим шундай йўл тутишади. Биргина муаммо — қаердандир йўл-йўл пойжома топиш.

— Бу хусусда хавотирланма, — қўл силтади Шмуэль. — Уларнинг қаерда сақланишини биламан. У ердан ўзимга сиғадиган биттасини олиб келаман. Сен уни кийиб олгач, отамни излаш учун жўнаймиз.

— Қойил! — Бруно завқ-шавққа тўлганди. — Бизнинг режамиз тайёр!

— Эртага худди шу вақтда учрашамиз, — деди Шмуэль.

— Кечикма. — Бруно ўрнидан туриб, эгини қоқди. — Йўл-йўл пойжомани ҳам унутма.

Шу куни болакайлар жуда яхши кайфиятда айрилдилар. Бруно буюк сергузашт — узоқ кутилган имконият Берлинга жўнаб кетишдан олдин тўсиқ ортида нималар рўй бераётганини ўз кўзи билан кўриш, боз устига, унча катта бўлмаган, аммо жиддий экспедиция завқини ҳис этарди. Шмуэль эса, дўстининг ёрдами билан отасини излаб топишига умид қиларди. Умуман айтганда, режа жуда оқилона кўринарди: улар сўнгги бор яхшилаб хурсандчилик қилишади, видолашув арафасида бундан-да яхшироқ нима бўлиши мумкин, ахир.

Үн тўққизинчи боб

ЭРТАНГИ КУН

Эртасига — жума куни осмонни яна булут қоплади. Эрталаб уйғонган Бруно кўчада ёмғир ёғаётганини кўриб, норози хўрсинди. Агар Шмуэль билан охирги марта кўришиш имкони бўлмаганида, — режаланган саргузашт деярли маскарад либосини кийишдан бошлаб анча қизиқарли ва жозибадор нарсаларни-ку, айтмаса ҳам бўлади, ваъда қилмаганида, — Бруно ўйлаган кўнгилхушликни биринчи ҳаво очиқ кунга қолдириб, тинчгина уйда қолган бўларди.

Бироқ соат чиқилларди ва буни ҳеч нима қилиб бўлмасди. Лекин Бруно кайфиятини бузишга шошилмади: болалар одатда учрашадиган вақтгача ҳали уч соат бор, ҳали вақт сероб ва ҳар нарса содир бўлиши мумкин эди, ахир. Тушдан кейин ёмғир албатта тинади.

Герр Лицт машғулот ўтаётганда, Бруно ҳадеб ойнага қарайверди, аммо осмоннинг ёришганини кўрмади. Ёмғир гўё атайлаб ўз кучини кўрсатаётгандек, ойнага тарақлаб уриларди. Бруно тушлик қилаётганида ошхона деразаси ёнида ўтирди. Ёмғир пасайиб борар, қора булутлар орасидан куёш мўралашга шай тургандек туюларди. Тарих билан жуғрофия дарсларида ёмғир ойналарни синдиргудек шиддат билан ёғди.

Бахтига, дарслар тугаши билан жала ҳам тинди. Бруно этик билан сув ўтказмайдиган ёпинчиқ кийиб, ўқитувчининг уйдан чиқиб кетишини кутиб турди —

Шмуэлнинг ёнига бориладиган йўлда у билан тўкнашиб қолиши мумкин эмасди, ахир.

Ер лой бўлиб кетган, этиклар билчиллар, Брунога сайр ҳатто одатдагидан кўра ёқарди ҳам. Уни ҳар қадамда хавф кутарди — у сирпаниб, йиқилиб тушиши мумкин эди, бироқ бундай воқеа рўй бермади. Бруно, ҳатто чап оёғини кўтарганда этиги лойга ботиб қолган қалтис вазиятда ҳам мувозанатни сақлай билди.

Йўлда у осмонга қараб кўяр, гарчи ҳалиям қора булутлар тарқамаган бўлса-да, бугун ёмғирнинг туггани ва ўз режасини ошириш учун унга ҳеч нарса халал бермаслигига умид қиларди. Уйга қайтгач, у қаерда бундай лойга чапланганини тушунтиришига тўғри келади, албатта. Бруно уларга ўзининг — ўзига хос бола (онаси доимо шундай деб таъкидларди) эканини эслатиб кўяди ва ўшанда, ҳойнаҳой, унчалик қаттиқ уришмасалар керак. Бунинг устига, онаси бир ҳафтадан буён Берлинга юк машинасида жўнатиладиган юкларни жойлаштиришга бошчилик қилар, кайфияти ниҳоятда кўтаринки эди.

Шмуэль Брунони кутиб турарди. У илк бор оёқларини чалиштирмай ва ерга тикилиб ўтирмасдан, тўсиққа суяниб турарди.

— Салом, Бруно, — қичқирди у, дўстини кўра солиб.

— Салом, Шмуэль.

— Бугун кўриша олмасмиканмиз, деб хавотирланиб тургандим... Ҳар қалай ёмғир, — деди Шмуэль. — Сени уйдан чиқаришмаслиги мумкин эди.

— Ҳа, вазият анча хатарли эди, — маъқуллади Бруно. — Бизга об-ҳаво панд бериб кўяй деди.

Шмуэль бош ирғади. У қўлида йўл-йўл пойжома иштон, йўл-йўл пойжомали камзул ва йўл-йўл матоли шапкача тутиб турарди. Бруно ҳаяжонланиб кетди. Унга таклиф этилган либос ўзгача озодалиқ билан ажралиб турмаса-да, лекин бошқа одамнинг кийимини ки-

йиш жуда қизиқарли эди; бунинг устига, Бруно ҳақиқий тадқиқодчилар доимо ўз қиёфаларини ўзгартиришларини биларди.

— Ҳали ҳам отамни топишда менга кўмаклашмоқчимисан? — сўради Шмуэль.

— Албатта, — шошиб жавоб берди Бруно, гарчи Шмуэлнинг отасини излашдан кўра, тўсиқ ортидаги ўзи билмаган оламни тадқиқ этиш иштиёқи унинг учун анча муҳимроқ эди. — Сени ташлаб кетмайман.

Шмуэль симни кўтарди ва йўл-йўл либосни лой ерга теккизмасликка уриниб, тешиқдан узатди.

— Раҳмат, — миннатдорлик билдирди Бруно ва гарданини қашлади: у ечган кийимини солиб қўйиш учун сумка олишга қандай ақли етмади-я. Кийимларини ёмғирдан кейинги ерда қолдириш лойга қориштириш билан баробар. Лекин бошқа йўли ҳам йўқ. Ё кийимларини шу ерда қолдириб, кейин бошдан-оёқ лойга булганган ҳолда уйга қайтади ёки экспедицияни қолдиради, бу эса тадқиқодчи нуқтаи назарида шунчаки бемаънилик. — Ўгирилиб тур, — буюрди Бруно дўстига. — Ечиниби-кийинишимга қараб туришингни истамайман.

Шмуэль уялиб, ортга ўгирилди, Бруно эса ёпинчиғини ечиб, уни иложи борича тартибли тахлаб қўйди. Кейин кўйлагини тортиб ечди, совуқда дийдираб, пойжомали камзулни кийди. Бруно камзулни бошидан кияркан, чуқур нафас олди, бироқ бу хато иш бўлди — камзулдан унчалик ёқимли ис анқимасди.

— Уни охирги марта қачон ювишган? — сўради Шмуэлдан ва у ўгирилди.

— Умуман уни қачондир ювишганмикан, билмадим.

— Қарама! — ёдига солди Бруно ва Шмуэль яна кўзини олиб қочди.

Ҳар тарафга аланглаб ва атрофда ҳеч бир тирик жон йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, Бруно энг мураккаб

ишга — этик кийган бир оёғида турганча шимини ечишга киришди. Агар уни бирон кимса кўриб қолганида нима бўлишини Бруно ҳатто тасаввур ҳам этолмасди, бироқ охир-оқибатда анчагина терга ботиб, бу масалани муваффақиятли ҳал этди.

— Мана энди, — қониқиш билан деди у. — Ўгирилаверсанг бўлади.

Шмуэль айнан Бруно матоли шапкачани бошига илган чоғда қаради. У бақрайганча лол қолди — ақл бовар этмас ҳодиса! Гарчи Бруно тўсиқнинг нариги томонидаги болалар сингари қилтириқ ва ранги бўзарган бўлмаса ҳам, бироқ уни бошқалардан фарқлаш жуда қийин эди. Улар бутунлай бир хил эдилар! (Ҳар ҳолда, Шмуэлга шундай туюларди.)

— Биласанми ҳозир ким ҳақда эсладим? — деди Бруно дўстига.

— Нима ҳақда?

— Бувим ҳақида. Сенга у ҳақида гапириб бергандим. Ўша, оламдан ўтган бувим.

Шмуэль бош ирғади: у унутмаганди, албатта. Бруно ўз бувиси тўғрисида, у билан қандай яхши бўлгани ва унга кам хат ёзганига ачинаётгани, ҳозир эса энди бу ёруғ оламда йўқлиги ҳақида тез-тез сўзлаб берарди.

— Уни ёдга олганимнинг сабаби шундаки, у мен ва Гретель билан бош ролларда спектакллар қўйишни ёқтирарди. — Унинг Берлиндаги ҳаётдан фақат бувиси ҳақидаги хотираси ўчмаганди, шу боис, Бруно у ҳақида гапираркан, Шмуэлга қарамасди. — У ҳар доим менга энг мос либос танларди ва: “Яхши либос бу жудаям муҳим, уни кийган заҳотинг ўзингни худди ўша тасвирлаётган одамдек хис этасан”, деб қўярди. Афтидан, мен айнан шундай қиляпман, а? Тўсиқнинг нариги тарафидаги одамни намоён этипман.

— Демак, яхудийни, — деди Шмуэль.

— Ҳа, — тасдиқлади Бруно, ўзини бир оз ноқулай сезиб. — Тўппа-тўғри.

Шмуэль бармоғини Бруно уйидан кийиб келган этикка нуқди:

— Буни шу ерда қолдириш керак.

Бруно қулоқларига ишонмади.

— Нима, мен мана шу лойда ялангоёқ юришим керакми?

— Акс ҳолда, сени таниб қолишади. — Шмуэль фикрида қатъий эди. — Танлашга имкон йўқ.

Бруно оғир хўрсинди, лекин дўстининг ҳақлигини тушунарди. У этикларини ечиб, ичига пайпоғини тикди ва уларни ерда ётган бир тўп кийим ёнига қўйди. У илк қадамини ижирганиб босди, оёқлари суюқ лойга тўпиғигача қорилди, кейин оёғини қайта босганида, ўзини янада ёмон ҳис этди. Кейин эса шундай, ҳеч қандай пойабзалсиз юриш унга ҳатто ёқиб қолди.

Шмуэль симни баландроқ кўтаришга уринди, аммо унинг тагидан бўй баробар ёки энгашиб ўтиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Бруно қорни билан эмаклаб ўтди ва унинг пойжомаси лойга қорилди. Бруно ўзига қараб кулиб юборди. У ҳеч қачон бу қадар лойга булғанмаганди, — бу жудаям ажойиб эди.

Шмуэль ҳам жилмаярди. Болалар тўсиқнинг бир тарафида ёнма-ён туришга одатланишмаганди.

Бруно Шмуэлни бағрига босишга интиларди ва шу билан дўстига қандай маҳкам боғланиб қолгани ва у билан бутун ўтган йил давомида гаплашиш қандай ёққанини англатарди.

Шмуэль ҳам Брунони кучоқлаб, унинг меҳрибонлиги, унинг келтирган егуликлари учун ва отасини излашга чиққани учун унга миннатдорчилик билдиришга интиларди.

Лекин иш қучоқлашишгача етиб бормади, унинг ўрнига улар тўсиқдан лагерга қараб юриб кетишди. Домий кўриқчиси бўлмаган ва Брунодай дўстни учратиш бахтига сазовор бўлган бу жойга, аскарлар ёнидан яширинча қочиб ўтишни эплаган Аж-Виснинг бу қисмидаги йўлни Шмуэль бир йил давомида деярли ҳар куни босиб ўтарди.

Улар тез орада лагерга етиб боришди. Бруно атрофдаги ҳамма нарсага алангларди. Ўз хонаси деразасидан қараб, ўша узунчоқ уйларда бахтиёр оилалар яшайди, бувилар ва боболар уй олдида тебранма оромкурсиларда ўтириб, тинглашни хоҳлаганларга уларнинг кичкиналикларида ҳаёт қандай яхши бўлганини, катталарни қандай ҳурмат қилишганини, ҳозирги болаларга ўхшашмаганини сўзлаб беришади, деб тасаввур қиларди. Бруно бу ерда яшайдиган ҳамма ўғил ва қизлар гуруҳларга бўлинганча теннис ёки футбол ўйнайдилар, арқондан сакраб ёки ерда тош тепар ўйнайдилар, деб хаёл қиларди.

У лагернинг марказида дўкон бор, эҳтимол, Берлинда кўргани каби кичкина қаҳвахона бор, деб ўйларди; сабзавот ва мевалар сотиладиган қаторлар борлигига у унча ишончи комил эмасди, бироқ яхшироғига умид қиларди.

Лекин Бруно хаёлида чизганлари лагерда топилмади.

На айвончада тебранма оромкурсиларда ўтирган чоллар бор эди.

На футбол ёки арқонда сакраб ўйнаётган болалар кўринарди.

Нафақат мевали ва сабзавот қаторлари, балки Бруно Берлинда кўрганларига ўхшаш қаҳвахоналар ҳам йўқ эди.

Аслида мана нима бор эди: одамлар тўдалашиб, ерга бош эгиб ўтиришар, уларнинг кўринишлари даҳшатли

гамгин эди. Улар нафақат маъюс, балки ўта қилтириқ, кўзлари ич-ичига ботган ва боши қирилганди. Бу ҳолни Бруно тушунтира олар: бу битдан бошқа нимаям бўларди.

Бир жойда Бруно учта аскарни кўриб қолди: улар тахминан йигирма нафар эркак тўпланган гуруҳга буйруқ беришарди. Аскарлар уларга бақирар, эркаклардан бири эса, бошини қўллари билан чангаллаганча тиззасида чўккалаб қолганди.

Бошқа жойда аскарлар гуруҳи тўпланиб олиб, хахолаб кулишар, автоматлари оғзига қарашар, қайғалиги номаълум томонни мўлжалга олишар, аммо ўқ узишмас эди.

Бруно атрофга кўз югуртираркан, ҳеч қандай бошқа одамларни пайқамади. Лагерда яшовчилар иккита даражага: ёки қувноқ, кулаётган, чиройли формадаги бақироқ аскарларга, ёхуд пойжомадаги бебахт, йиғлаётган одамларга бўлинганди, улардан кўпчилиги атрофга ҳеч нима ни ифодаламайдиган нигоҳ ташларди.

— Чамамда бу ер менга ёқмаяпти, — деди Бруно бир оздан кейин.

— Менга ҳам, — дея жавоб берди Шмуэль.

— Менимча, уйга қайтадиган вақтим бўлди.

Шмуэль жойида қотиб қолди.

— Ундай бўлса, отам-чи? — сўради у. — Уни топишга ёрдам бераман, дегандинг.

Бруно сўзида турмайдиганлардан эмасди, бунинг устига, ҳар қалай шу ерда, Аж-Висда уни охириги бора кўраётган дўстига ваъда берганди.

— Майли, — жавоб берди Бруно. Тўғри, у ўзини аввалгидек қатъиятли деб ҳис этмаётганди. — Лекин, уни қаердан излаймиз?

— Маълумот тўплаш керак, дегандинг. — Шмуэлнинг руҳи тушиб кетди: ахир унга Бруно ёрдам бермаса, у ҳолда ким кўмаклашади?

— Маълумотми, ҳа, — бош ирғади Бруно. — Тўғри. Бўпти, бўлмаса бошлаймиз.

Бруно сўзида турди: болалар лагерда маълумотлар излаб бир ярим соат изгишди. Улар айнан нимани излаётганларини унчалик тушунмасдилар, лекин Бруно тадқиқодчининг сезгиси уларга панд бермаслигини ва улар ўзларига керак бўлган нарсани топганларида, буни дарҳол англашларини такрорлаб чарчамасди.

Лекин улар ҳеч нимани, Шмуэлнинг отаси қаёққа ғойиб бўлганини уларга айтиб бериши мумкин бўлган ҳеч нимани тополмадилар. Кўча эса, тобора қоронгилашиб борарди.

Бруно бошини кўтарди — яна ёмғир ёғади, шекилли. Охир-оқибатда Бруно таслим бўлди ҳам:

— Кечир, Шмуэль. Ҳеч қандай маълумот тополмаганимиз учун кечир.

Шмуэль маънос бош ирғади. У ҳайрон бўлмади. У кўнглининг чуқур ерида улар отасининг изини топишларига умид қилмасди ҳам. Лекин дўсти ҳеч бўлмаса, уникида меҳмонда бўлиб, қандай яшаётганини кўргани яхши бўлди.

— Уйга қайтадиган вақт бўлди, деб ўйлайман, — деди Бруно. — Мени тўсиққача кузатиб қўясанми?

Шмуэль жавоб беришга улгурмади. Шу пайт баланд ҳуштак овози эшитилди ва ўнтадан кам бўлмаган аскарлар — Бруно лагернинг ҳеч қайси қисмида шунчасини баробар ҳали сира кўрмаганди — майдоннинг Бруно билан Шмуэль турган ўша жойни ўраб олдилар.

— Нима бу? — шивирлади Бруно. — Нима содир бўляпти?

— Баъзан шундай ҳол рўй бериб туради, — тушунтирди Шмуэль. — Улар одамларни сафланиб юришга мажбур қиладилар.

— Сафланиб юришга? — хайрон бўлди Бруно. — Мен боролмайман, менинг вақтим йўқ. Уйга кечки овқатга улгуришим керак. Бугун бизда мол гўштидан қовурма бўлади.

— Т-ш-ш, — Шмуэль бармоғини лабларига босди, — жим бўл, акс ҳолда уларнинг жаҳли чиқиб кетади.

Бруно ўшшайиб олди, лекин уларнинг ёнига йўл-йўл пойжомодаги бошқа одамлар келиб қўшила бошлаганларида енгил тортиб хўрсинди; кўпларни аскарлар итаришарди ва болалар тўда ўртасида қолиб, улар кўринмасдилар ҳам. Бруно нимага уларнинг ҳаммаси шу қадар қўрқувда эканликларини тушунмасди, — ахир, сафланиб юриш дунёда энг даҳшатли машғулот эмас-ку. Бу одамларга ҳаммаси яхши бўлади, унинг отаси — лагернинг коменданти, мабодо у қандайдир буйруқ берган бўлса, демак, шундай қилиш керак, бундан қўрқишнинг ҳожати йўқ, деб шивирлагиси келди.

Яна хуштак чалинди ва тахминан юз кишидан иборат колонна секин олға силжиди; Бруно билан Шмуэль аввалгидек энг ўртада эдилар. Орқа томонда қандайдир саросималик эшитилди, колонна охирида кимдир ҳамма билан биргаликда сафда юришдан бош тортганди. У ерда нима содир бўлаётганини кўриш учун Брунонинг бўйи ҳаддан зиёд паст эди, у баланд бақирлиқлар ва отишмаларни эшитди, холос, лекин нима бўлганини англаб етмади.

— Биз узоққа борармиканмиз? — шивирлади у. Унинг қорни аллақачон очганди.

— Билмайман, — жавоб берди Шмуэль. — Бундай сафланиб юрган кишилар билан ҳеч қачон гаплашмаганман. Нимагадир уларга сира дуч келмаганман. Лекин, бу унча узоқ давом этмаса керак, деб ўйлайман.

Бруно осмонга хавотирланиб қаради, шу заҳоти яна бир баланд товуш келди — боши узра момақалдирок

гумбурлади. Осмон дарҳол қоп-қорайиб кетди ва эр-талабкидан ҳам кучлироқ ёмғир ёға бошлади. Бруно кўзини юмди ва сув танаси бўйлаб қандай оқиб бо-раётганини сизди. У кўзини қайтиб очганида, энди сафланиб эмас, балки ҳамма билан биргаликда уни қайгадир судраб кетишарди, бошдан-оёқ лой чапланган ҳолда, жикқа ҳўл пойжомаси баданига ёпишиб қолганди, энди у фақат бир нарсани — уйга қайтиб, буларнинг ҳаммасини оломоннинг энг ичкарасида итарилиб эмас, узоқ масофадан туриб кузатишни хоҳларди.

— Йўқ, — тўнғиллади у, — бу аҳволда шамоллаб қоламан. Мен уйга кетишим керак.

Бироқ у шундай деган заҳоти оломон уни қандайдир зиналар олдига судраб чиқариб қўйди, у зинадан юқорига чиққанида эса, ёмғир бошқа ёғмасди, чунки ҳамма узунчоқ иморат ичига тиқилиб кириб қолганди, у ер ажабланарли тарзда илиқ экан. Бунинг устига, бу хонанинг деворлари мустаҳкам ва томи ишончли эди — ичкарига бир томчи ҳам намлик кирмасди. Умуман айтганда, ҳеч нарса, ҳатто ҳаво ҳам кирмасди, шекилли.

— Шунисига ҳам раҳмат. — Бруно момоқалдиросдан жилла курса, бир неча дақиқага беркинишидан шод эди. — Ҳойнаҳой, биз бу ерда ёмғир тугашини кутсак керак, кейин уйга қайтаман.

Шмуэль Брунога деярли зич ёпишиб, унга пастдан юқорига қараб турар, унинг кўзида қўрқув қотиб қолганди.

— Отангни тополмаганимиз учун кечир, — деди Бруно.

— Ҳечқиси йўқ, — ғўлдиради Шмуэль.

— Биз ростмана ўйнолмаганимиз чатоқ бўлди-да, лекин сен меникига Берлинга келганингда, биз албат-

та ўйнаймиз. Сени дўстларим билан таништираман... Эҳ, уларнинг исмлари нима эди-я? — афсусланиб сўради у ўзидан. Ахир ўша учаласи унинг бир умрлик садоқатли дўстлари эди, лекин уларнинг ҳаммаси хотирасидан ўчибди. У биронтасини эслолмас ва ўша болаларнинг кўриниши қандайлигини тасаввур ҳам қилолмасди.

— Улар билан танишасанми ё йўқми, бу аҳамиятсиз. Улар менга бошқа энг яқин дўст эмас. — Шунда у Шмуэлнинг озғин қўлини олиб, қаттиқ сиқиб қўйди. — Энди сен менинг энг яқин дўстимсан, Шмуэль. Менинг бир умрлик содиқ дўстимсан.

Ҳойнаҳой, Шмуэль нимадир дея жавоб бергандир, аммо Бруно эшитмади, чунки ўша лаҳзада кириш эшиги ёпилди ва ташқаридан металлнинг давомли ғижирлаган товуши келди. Хонани тўлдирган одамлар баланд овозда “оҳ” дея фарёд қилдилар.

Бруно эшиклар нимага қулфланганини англамай, қошини чимирди, лекин бу ишни одамлар шамоллаб қолмасин деб, уларни ёмғирдан ишончлироқ яшириш учун қилинди, деган қарорга келди.

Кейин эса хона жуда қоронғи бўлиб қолди ва даҳшатли шовқин ва саросима бошланиб, Бруно тўсатдан ханузгача Шмуэлнинг қўлини қисиб турганини билиб қолди ва энди дунёда ҳеч нима унинг бармоқларини очишга уни мажбур қилолмасди.

Йигирманчи боб

ОХИРГИСИ

Ўшандан буён Бруно ғойиб бўлди.

Аскарлар деярли бир ҳафта уй, ҳовли ва атрофни синчиклаб изладилар, қўшни шаҳар ва қишлоқларга бориб, ҳамма ерда болакайнинг расмини кўрсатардилар. Ниҳоят, улардан бири тўсиқ олдида Бруно ташлаб кетган бир тахлам кийим билан этикни топиб олди. Аскар буюмларга тегмади, лекин комендантга югурди. У худди Бруно бу ерга илк бор келган чоғида қарагандек, бошини ўнг ва чапга бурганча, жойни кўриб чиқди, — бироқ нечоғлиқ ҳаракат қилмасин, ўғли билан нима рўй берганини англай олмади. болакай ерда фақат кийимларини қолдириб, гўё ҳавода эриб кетганди.

Онаси ўзи истагандай Берлинга тезда жўнаб кетолмади. У Бруно ҳақида хабар чиқиб қолишини кутиб Аж-Висда яна бир неча ой қолиб кетди. Лекин бирдан, балки ўғли уйга мустақил равишда жўнаб кетгандир, дея ўйлаб, Берлинга қайтди. У ўз уйига яқинлашаркан, ўғлининг онасини остонада кутиб ўтирганини тасаввур қиларди.

Аmmo у йўқ эди, албатта.

Гретель Берлинга онаси билан қайтди. У ўз хонасида ёлғиз ўзи узоқ қолиб кетиб — ҳамма кўғирчоқларини ташлаб юборгани учун эмас, Аушвицда тўғноғич қадалган хариталарни қолдириб кетгани учун эмас, унга Бруно жуда ҳам етишмаётгани учун йиғларди.

Отаси Аж-Висда аскар ва зобитларни шафқатсизларча ҳайдаб ва уларнинг нафратига дучор бўлиб яна бир йил-

ни ўтказди. Ҳар оқшом у Бруно ҳақида ўйлаб ухлагани ётар ва у ҳақдаги фикр билан уйғонарди. Вақт ўтган сари унинг бошида ўғли билан содир бўлган воқеани тушунтириб берувчи тахмин юзага келди ва отаси бир йил аввал кийимлари топилган тўсиқ ёнидаги ўша жойга қараб жўнади.

Бир қарашда у ерда ҳеч қандай ўзига хос белгига эга ҳеч нима йўқ эди, бу жой бошқаларидан сира фарқланмасди, лекин кейин комендант озроқ тадқиқ ўтказиб, бу ердаги сим тўсиқ ерга яхшилаб маҳкамланмаганини сезиб қолди ва агар сим сал кўтарилгудек бўлса, унинг остидан пастроқ ва семиз бўлмаган одам (масалан, ўн яшар бола) бемалол эмаклаб ўта оларди.

Комендант узоққа қараб туриб, мантиқан фикрлаш ёрдамида рўй берган воқеани қадам-бақадам тиклади. Воқеани тиклаб бўлганида эса, оёқлари унга бўйсуннишдан воз кечганини сизди — гўё унинг танасини ушлаб туришга қодир эмасди, — шунда у ерга ўтириб қолди. Бруно бир йил мобайнида деярли ҳар куни худди шундай ҳолатда ўтирганди.

Икки ойдан кейин Аж-Виста бошқа аскарлар келди ва отасига улар билан бирга боришни буюришди, у ҳам ҳеч бир эътирозсиз ва қувонч билан кетди, чунки ўзини нима кутаётгани унга бутунлай фарқсиз эди.

Бруно ва унинг оиласи воқеаси шундай тугади. Буларнинг ҳаммаси аллазамонларда содир бўлган ва бошқа ҳеч қачон такрорланмайди, албатта. На бизнинг кунларда ва на бизнинг асрда.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----|
| <i>Биринчи боб</i> | |
| БРУНО УЧУН ЯНГИЛИК | 4 |
| <i>Иккинчи боб</i> | |
| ЯНГИ УЙ | 13 |
| <i>Учинчи боб</i> | |
| ЯХШИЛИК КУТИБ БЎЛМАС ОПА | 21 |
| <i>Тўртинчи боб</i> | |
| УЛАР ДЕРАЗАДАН НИМАНИ КЎРИШДИ? | 29 |
| <i>Бешинчи боб</i> | |
| СУТКАНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ ВАҚТИДА КИРИШ ТАҚИҚЛАНАДИ ВА БУ ҚУЛОҒИНГА ҚЎРҒОШИНДАЙ ҚҮЙИЛСИН | 37 |
| <i>Олтинчи боб</i> | |
| УЛАРГА ҚИММАТГА ТУШАЁТГАН ОҚСОЧ | 50 |
| <i>Еттинчи боб</i> | |
| ОНАСИ ЎЗГАЛАР ХИЗМАТИНИ ҚАНДАЙ ЎЗЛАШТИРИБ ОЛДИ | 60 |
| <i>Саккизинчи боб</i> | |
| БУВИСИ ЭШИКНИ НИМАГА ҚАРСИЛЛАТИБ ЁПДИ? | 75 |
| <i>Тўққизинчи боб</i> | |
| БРУНО ҚАЧОНЛАРДИР ЯНГИ ЕРЛАР ОЧИШНИ ЁҚТИРГАНИНИ ЭСЛАЙДИ | 83 |
| <i>Ўнинчи боб</i> | |
| НУҚТА – ДОҒ – ШАРПА – БОЛАКАЙ | 90 |
| <i>Ўн биринчи боб</i> | |
| ФУРОР | 101 |

| | |
|---|-----|
| <i>Ўн иккинчи боб</i> | |
| БРУНОНИНГ САВОЛИГА ШМУЭЛЬ ҚАНДАЙ ЖАВОБ БЕРДИ | 110 |
| <i>Ўн учинчи боб</i> | |
| БИР ШИША ШАРОБ..... | 117 |
| <i>Ўн тўртинчи боб</i> | |
| БРУНО ЖУДА РОСТГА ЎХШАТИБ ЁЛҒОН ГАПИРАДИ | 132 |
| <i>Ўн бешинчи боб</i> | |
| У ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ШУНДАЙ ҚИЛА ОЛДИ? | 142 |
| <i>Ўн олтинчи боб</i> | |
| СОЧ ОЛДИРИШ..... | 155 |
| <i>Ўн еттинчи боб</i> | |
| ОНАСИ МАҚСАДИГА ЕТМОҚЧИ..... | 164 |
| <i>Ўн саккизинчи боб</i> | |
| БЮЮК САРГУЗАШТ ҒОЯСИ ҚАНДАЙ ТУҒИЛДИ? | 170 |
| <i>Ўн тўққизинчи боб</i> | |
| ЭРТАНГИ КУН..... | 177 |
| <i>Йигирманчи боб</i> | |
| ОХИРГИСИ..... | 188 |

| | |
|-------------------------------|--|
| 201 <i>8</i> А <i>2052</i> | Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK |
|-------------------------------|--|

Абабий-бадий нашр

Жон БОЙН

**ЙЎЛ-ЙЎЛ ПОЙЖОМА
КИЙГАН БОЛАКАЙ**

Русчадан Гулчехра Мухаммаджон таржимаси

| | |
|-----------------|------------------------|
| Мухаррир | <i>А. Зиёдов</i> |
| Бадий муҳаррир | <i>Ж. Гурова</i> |
| Техник муҳаррир | <i>Д. Салихова</i> |
| Саҳифаловчи | <i>Б. Бабаходжаева</i> |

Оригинал-макет «NISO POLIGRAF» нашриётида тайёрланди.
Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Оқ-Ота» ҚФЙ,
Маъшал маҳалласи, Марказ кўчаси, 1-уй.
Лицензия рақами АИ № 265. 24.04.2015.

Босишга 2018 йил 31 майда рухсат этилди Бичими 84×108^{1/32}.
Офсет қоғози. «Palan» гарнитураси. Кегли 11. Шартли босма табоғи 6,0.
Нашр табоғи 5,58. Адади 2000 нусха. Буюртма № 340.

«NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Оқ-Ота» ҚФЙ,
Маъшал маҳалласи, Марказ кўчаси, 1-уй.

2052

NISO
Poligraf 

ISBN 978-9943-4868-3-6



9 789943 486836